

Д.О.ҒАФУРОВ

**МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЪНАВИЙ
МЕРОСИДА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ
ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
МАСАЛАСИ**

МОНОГРАФИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

Д.О.ҒАФУРОВ

**МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА
ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
МАСАЛАСИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ–2022

УЎК28-335(575.1)
КБК85.14(5Ў3б)
F48

Ғафуров Д.О.

**Маҳдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги
ва фарзанд тарбияси масаласи.** Монография / **Д.О.
Ғафуров.** – Тошкент: Lesson press, 2022. – 132 б.

Ушбу монографияда мутасаввиф, беназир ижодкор, Маҳдуми Аъзамнинг (1461-1542) ижтимоий-фалсафий ғоялари тадқиқ этилган. Маҳдуми Аъзам асарлари Марказий Осиё халқлари ҳаётида оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси масаласида дунёқараш шаклланишига таъсир қилган. Маҳдуми Аъзам нафақат диний билимлар, балки дунёвий билимлардан хабардор бўлган. Ушбу монографияда мутасаввифнинг илм, ахлоқ, инсоний фазилатлар, борлиқ, оламда инсоннинг ўрни каби фалсафий масалалар тўғрисидаги ғоялари таҳлил қилинган.

УЎК28-335(575.1)
КБК85.14(5Ў3б)

Масъул муҳаррир

БухМТИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, ф.ф.д.
Г.Н. Наврўзова

Тақризчилар:

БухМТИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.
Э.Х. Зоиров

БухДУнинг профессори, фалсафа фанлари доктори А.А. Ҳусейнова

ISBN 978-9943-8324-2-8

© Ғафуров Д.О., 2022

КИРИШ

Жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида инсон маънавий-ахлоқий қадриятлари тизимида юзага келаётган ўзгаришлар шахс, оила ва жамият барқарорлиги масалаларини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Шарқ фалсафий тафаккурининг муҳим таркибий қисми бўлган тасаввуфий мерос инсонпарварлик моҳияти билан инсон маданий-маънавий тараққиётини таъминлаш, ахлоқий қадриятлар мажмуини бойитиш, “маънавий қашшоқлик” ва “ахлоқий таназзул”га олиб боровчи иллатлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда замонавий ёш авлодни интеллектуал ривожлантиришда буюк мутафаккирларнинг инсон камолоти, оила фаровонлиги ва мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси жамият ижтимоий-маънавий ривожланишига оид қарашларини ҳозирги давр янгиликлари билан уйғунлаштириб бориш заруратини сақлаб қолмоқда.

Дунё илмий-фалсафий мероси тараққиётида Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, маърифий-ахлоқий, тасаввуфий-фалсафий таълимотлари, хусусан, инсон маънавияти, дунёни билиш, ўзликни англаш ва инсон ижтимоий моҳиятига оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган тасаввуф алломалари меросидаги яратувчи ва инсон, оламнинг яралиши, инсоният жамияти барқарорлиги, никоҳ ва оила, икки олам саодати ғояларининг илмий жиҳатларини ўрганиш бугунги кунда илмий-назарий аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Маҳдуми Аъзам меросида илгари сурилган оила фаровонлиги, фарзанд тарбияси, никоҳнинг муқаддаслиги, руҳий маънавий уйғунлик, эътиқод мустаҳкамлиги, бағрикенглик, ўзаро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш борасидаги фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш бугунги илм-фаннинг зарурий тадқиқот объектига айланмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда илмий ва маънавий меросни чуқур ўрганиш ва жорий этиш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилган кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, “бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни

илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”¹. Шу жиҳатдан олганда, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти тарғиботида улкан ҳисса қўшган тасаввуф таълимоти намояндаларининг айниқса, Маҳдуми Аъзамнинг умуминсоний қадриятлар асосида шаклланган фалсафий-тасаввуфий қарашларининг оила муқаддаслиги, инсон камолоти, жамият барқарорлиги учун конструктив аҳамиятга эга ғояларини илмий-назарий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Хожагий Аҳмад Косоний мероси Шарқ ва Ғарб олимларини қизиқтириб келган. Америка Қўшма Штатларининг Мичиган университети тадқиқотчиси Victoria R. Gardner Маҳдуми Аъзам асарларининг нақшбандия тариқатида тутган ўрни ҳақида тадқиқот олиб борган². Буюк Британиянинг манбашунос олими Algar Hamid ўзининг “Dahbidiya” номли тадқиқотида нақшбандия тариқати пири Маҳдуми Аъзам ҳамда у кишининг авлодлари фаолиятига юқори баҳо берган³. Франциялик тасаввуфшунос олим Р. Alexandre эса, Маҳдуми Аъзамнинг тариқат одоби ва нафс ҳақидаги тасаввуфий қарашларини тадқиқ этган⁴.

Шу билан бирга рус тадқиқотчилари В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, Н. Веселовский, А.А. Семёнов, В.В. Дубовицкийлар Маҳдуми Аъзамнинг Марказий Осиё ҳукмдорлари сулоласига тарбиявий таъсири тўғрисида маълумотлар берган⁵.

Мустақиллик йилларда мутасаввифнинг илмий меросини ўрганишга катта эътибор берилди. Хожагий Аҳмад Косонийнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган маърузаси. 7 декабр 2016, <https://www.gazeta.uz/>

²Victoria R. Gardner .“The Written Representations of a Central Asian Sufi Shaykh: Ahmad Ibn Mawlana Jalaludin Khwajagi Kasani "Makhdum-i A`zam”<http://www-personal.umich.edu/vika/dissertation/>. DeWeese Deveen. The Eclipse of the Kubravia in Central Asia. Iranian Studies, 21 / - 2 (1988), - pp. 45 – 83

³Algar Hamid. Dahbidiya.<http://www.iranicaonline.org/articles/dahbidiya>

⁴Papas Alexandre. “No Sufism without Sufi Order: Rethinking Tariqa and Adab with Ahmad Kasani Dahbidi” Kyoto Bulletin of Islamic Area Studies, 2-1 (2008), pp. 4-22

⁵Акимовская О.Ф. “Мудрость суфиев”. ISBN 5-8583-184-6 Петербургское Востоковедение, 2001.

ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашлари тўғрисида Б.Валихўжаев, А.Хўжаев, Н.Йўлдошев, Б.Тўраев, А.Зоҳидий, Г.Наврўзова, С.Каримов, К.Каттаевлар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Тадқиқотчилар Э.Зоиров “Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари”, Хуршид Самадов “Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири”, А.Нуриддинов “Махдуми Аъзам Косонийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларининг аҳамияти” мавзусидаги тадқиқотларида Махдуми Аъзамнинг “Рисолайи вужудия” асари таҳлили асосида борлиқ, инсон, худо ва уларнинг ўзаро муносабатларига оид фалсафий қарашларининг моҳиятини очиқ беришган, мутасаввифнинг “Одоб-ус-соликин”, “Одоб-ус-сиддиқин”, “Насихат-ус-соликин”, “Одоб-ул-уламо”, “Миръот-ус-сафо”, “Рисолаи илмия” асарларида баён этилган ижтимоий-ахлоқий ва маънавий қарашларини таҳлил қилган⁶.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Асрор-ун-никоҳ”, “Чаҳор калима”, “Зубдат ус-соликин ва танбиат ус-салотин”, “Рисолайи Бобурия”, “Илмия”, “Шарҳи рубоийёти Убайдий”, “Вужудия”⁷ рисоалари ўзбек тилига таржима қилинган.

Монографияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон файласуф олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Хожагий Аҳмад Косоний ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотларда жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, мутасаввифнинг оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, кексалик масалалари бугунги кунда ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти “Ганжнома” (“Бойлик ҳақида”), “Тули Наврўз” (“Наврўз гули”), “Танбиҳ-ул-уламо” (“Уламоларни огоҳлантириш”), “Шарҳи ал-валаду сирру

⁶Зоиров Э. Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. Тошкент: Дурдона, 2015. - Б.144

Хуршид Самадов. “Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири” мавзусидаги диссертацияси, Самарқанд. 2018.

⁷ Валихўжаев Б. Зубдат ус-соликин ва танбиат ус-салотийн. Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. - Б.76, Тўраев Б. Зоҳидий А. Сийрати ва мероси. Тошкент: Адолат, 1996. - Б. 113, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат, 2001. - Б. 113, Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. - Б. 94, Қодиров М. Илмия. Сийрати ва мероси. Тошкент: Адолат, 1996. - Б. 17, Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Рубоийлар шарҳи. Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат, 2001. - Б. 113, Зоҳидий А. Убайдий рубоийларининг шарҳи. Сийрати ва мероси. Тошкент: Адолат 1996. - Б. 46, Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Махдуми Аъзам. Рисолаи вужудия. Бухоро: 2007. 153 б.

абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир”), “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик рисоласи”) асарлари мисолида ўрганилган.

Юқорида зикр қилинган муаллифларнинг асарлари Маҳдуми Аъзам ижтимоий-фалсафий ғояларини янада самарали тадқиқ этиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Монографияда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Маҳдуми Аъзамнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

I.БОБ. МАҲДУМИ АЪЗАМ ДАҲБЕД МАКТАБИ АСОСЧИСИ

Ушбу бобда Ўрта Осиёнинг тарихга бой мавзеларидан бири Даҳбедия мактабининг ўз вақтида бутун ислом оламида маълум ва машҳур бўлганлиги таҳлил этилган. Даҳбедия мактаби XVI асрда Марказий Осиёда вужудга келган бўлиб, нақшбандия таълимотини дунёга тарқалишига муҳим рол ўйнаган. Мактабнинг асосчиси нақшбандия тариқатининг назариётчиси Маҳдуми Аъзамнинг тўлиқ исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедийдир. Даҳбед мактаби вакиллари тасаввуф илми билан бир қаторда, Марказий Осиёдаги катта сиёсий, маънавий ва иқтисодий жараёнлар билан ҳам бевосита шуғулланганлар. Марказий Осиё халқларининг ушбу даврда эришган маданий-маърифий ютуқлари, гуманитар фан соҳалари, жумладан фалсафа фанида қўлга киритган маълумотлари дунё маданияти, илм фани тараққиётининг ажралмас бўғини сифатида кўзга кўринди. Бу тараққиёт теурийлар даври ва ундан кейинги маданиятнинг ўзига хос хусусияти, йўналиши, ютуқларига эга муҳим қирраси бўлган Даҳбед мактаби ва унинг асосчиси Хожагий Аҳмад Косоний фаолияти ҳақида маълумот берилган.

Жаҳон фани диний илмларининг ривожланишида қўшган ҳиссасида мутасаввифларимиз, муҳаддисларимиз, мутакаллимларимизнинг ана шундай мактабларнинг аҳамияти катта бўлганлиги кенг ёритилган.

Шунингдек, ушбу бобда Даҳбед мактаби ва намояндаларини халқаро миқёсда ўрганилганлиги, мутасаввиф рисоаларининг ижтимоий-ахлоқий аҳамияти кенг ёритиб берилган.

Хожагий Аҳмад Косоний таржимаи ҳоли ва илмий мероси тарихнинг барча даврларида қуйидагича таҳлил қилиб ўрганиб келинган:

1. Хожагий Аҳмад Косонийнинг таржимаи ҳолига оид асарлар;
2. Хожагий Аҳмад Косонийнинг илмий меросига бағишланган асарлар;
3. Хожагий Аҳмад Косонийнинг султонлар билан муносабатлари ҳақидаги асарлар;

4. Хожагий Аҳмад Косонийнинг нақшбандия тариқатида тутган ўрни тўғрисида ёзилган асарлар тўғрисида ёритилган.

Даҳбед мактаби ўз вақтида Марказий Осиёдаги ижтимоий–сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган. Маҳдуми Аъзам меросидан бизгача етиб келган рисоалар глобаллашув шароитида ёшларни ғоявий-тарбиявий иммунитетини кучайтиришда, оила фаровонлиги ва никоҳ тушунчаларини чуқур ўрганишда ва жамиятга тадбиқ этишда фойдаланиш йўллари тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўрганилди.

1.1. Даҳбед мактаби ва унинг тасаввуфдаги ўрни.

Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон халқлари тарихида XIV-XV асрлар муҳим босқични ташкил этади. Қадимги даврда дунё тамаддунининг йирик тарихий маданий марказларидан бири бўлиб келган Моварауннаҳр янги ривожланиш поғонасида ўзининг обрўини юксалтирди. Марказий Осиё халқларининг мазкур даврда эришган маданий-маърифий ютуқлари, гуманитар фан соҳалари, жумладан фалсафа фанидаги қўлга киритган маълумотлари дунё маданияти, илм-фани тараққиётининг ажралмас бўғини сифатида кўзга кўринди. Бу тараққиёт теурийлар даври ва ундан кейинги давр маданиятининг ўзига хос хусусияти, йўналиши, ютуқларига эга муҳим қирраси бўлган.

Марказий Осиёда турли илмий-диний изланишлар авж олди, минтақада илм вакиллари томонидан кенг илмий муҳокамалар уюштириладиган бўлди, мадраса-илмгоҳлар фаолият бошлади, китоб кўчириш, турли тиллардан араб тилига илмий-диний китоблар таржима қилиш тараққий этди, махсус таржимонлар мактаби пайдо бўлди, асарлар ёзишга иштиёқ кучайди.

“XV-XVI асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалаётган тасаввуф таълимотининг Мавлоно Сўфий, Хўжа Муҳаммад Порсо, Мавлоно Яъқуб Чархий, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор, Маҳдуми Аъзам каби йирик вакиллари нақшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қилдилар,

таниқли арбоблар билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказдилар»⁸.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Наманган диёрининг маънавий қиёфасини Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Исроқжон Иброт, Шариф Сўфизода, Усмон Носир каби буюк зотлар белгилайди,” деган фикрлари айна ҳақиқатдир.

2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш–давр талаби» мавзусида⁹ бўлиб ўтган анжуманда Ш.М.Мирзиёевнинг «Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этсак, нима дейсизлар?»¹⁰, деган мурожаатлари анжуман иштирокчилари томонидан кўтаринки кайфиятда қабул қилинди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг «Келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилади. Имом Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасида бўлганимда бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарб эканини айниқса чуқур ҳис этдим»,¹¹ деган фикрлари тасаввуф таълимотининг бугунги кунда жамиятда ёшларимиз тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Шу мақсадда Самарқандда–Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий марказида калом илми, Фарғонада–Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи, Бухорода–Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф,

⁸Хайруллаев М. Марказий Осиёда XIX-XX аср бошида маданият ривож тарихидан. // Маънавият юлдузлари.–Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. Б. 17.

⁹ Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда президентимиз Ш.М.Мирзиёев маърузаси ; 2017 йил 15 июнь Тошкент.;

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик.-Т.:Ўзбекистон, 2017.

¹¹Ўша маъруза .

Қашқадарёда-Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабларини ташкил этиш, келгусида чуқур билимли имом-хатиблар, исломшунос мутахассис-лар, уламолар тайёрлашда, энг муҳими, фарзандларимизни буюк аجدодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида, соғлом эътиқод руҳида тарбиялашда бу мактаблар таянч бўлиб хизмат қилишини амалда исботлашимиз керак¹².

Ўрта Осиёнинг тарихга бой мавзеларидан бири Даҳбед бўлиб, ўз вақтида бу маскан бутун ислом оламида маълум ва машҳур бўлган. Ислом динининг дунёда ниҳоятда кенг тарқалган оқими тасаввуф бўлса, энг улуғ олтин силсила нақшбандиядир.

Даҳбед мактаби XVI асрда Марказий Осиёда вужудга келган бўлиб, нақшбандия таълимотини дунёга тарқалишига муҳим рол ўйнаган. Мактабнинг асосчиси нақшбандия тариқатининг назариётчиси Махдуми Аъзамнинг тўлиқ исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедийдир. У Фарғона водийсининг Косон шаҳрида таваллуд топган. “Махдуми Аъзамнинг отаси илми, маърифатли сайидзодалардан бўлиб, эл-юрт орасида катта обрў-эътибор қозонган киши бўлган. Шу сабабли уларнинг исми ёнига Мавлоно сўзини қўшиб – Мавлоно Жалолиддин деб мурожаат қилишган. Хуллас, Махдуми Аъзам хонадонида сақланиб қолган шажараном ва ишончли тарихий манбааларга кўра, Косонийнинг насаби пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) шажарасига 22 авлодли халқа орқали уланади. Сайидлар авлодига бутун мусулмон оламида ҳурмат-эътибор кучли бўлган, шу боис Махдуми Аъзам туғилиб ўсган хонадон ҳам эл орасида табаррук хонадонлардан бири сифатида эъзозланган. Таниқли шарқшунос олим Аширбек Мўминовнинг тадқиқотларига кўра, Махдуми Аъзам оналарининг аجدодлари Аҳмад Яссавийга бориб тақалади”, - деб ёзадилар файласуф олим Б.Тўраев “Махдуми Аъзам–мутафаккир” номли рисоласида¹³.

Махдуми Аъзам илк таълимни Косон мактабларидан бирида олган. Кейин Ахсикатдаги Хожа Муборак мадрасасида ўқишни

¹² Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик.-Т.:Ўзбекистон, 2017. Б. 21.

¹³ Тўраев Б.Махдуми Аъзам – мутафаккир. Тошкент: Имом Бухорий номидаги Халқаро Марказ нашриёти. 2020. Б. 8.

давом эттиради. Косонийнинг домласи Мулла Зиё ўз шогирдининг аъло даражадаги қобилиятини эътиборга олиб, унга “илм уз-зоҳир” ва “илм ул-ботин” дан яхши таълим беради.

“Махдуми Аъзам яшаган давр Марказий Осиёдаги катта сиёсий, маънавий ва иқтисодий инқирозлар даври бўлган. Чунки бир томондан, темурийларнинг ички зиддиятлари ушбу салтанатнинг парчаланишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, майда-майда хонликларга бўлиниб кетаётган мамлакатда турли хил бир-бирига зид келувчи қонунлар амал қиларди. Бунинг оқибатида қадимги Ипак йўли орқали Мағриб ва Машрикқа отланган тижоратчилар турли хил бало-офатларга дуч келарди. Бундай оғир шароит тижоратчиларнинг тинкасини қуритар ва улар Ўрта Осиё ҳудудидан четлашиб, бошқа йўллар орқали манзилларига боришга ҳаракат қилишарди. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиёнинг жаҳон тараққиётидан четланиб қолишига сабабчи бўлди”, -деб ёзади файласуф Бахтиёр Тўраев.¹⁴

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда тожу тахт учун курашлар қанчалик авж олса-да, темурийлар сулоласи тарихий инқироздан ўзларини сақлай олишмади ва Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда ҳокимият тизгини шайбонийлар сулоласига ўтади.

Бундай оғир аҳволга қарамасдан илму фан ва маданият ўз йўли билан ривожланаверди. Темурийлар даврида ҳам, шайбонийлар ҳукмронлик қилган пайтда ҳам Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Тошкент, Хива ва бошқа шаҳарларда кўпдан кўп саройлар, масжиду-мақбаралар, ҳаммому бозорлар, мадрасаю кутубхоналар бунёд этилди. Мадрасаларда илоҳиётдан ташқари риёзиёт (математика), мантиқ, ҳандаса (геометрия), фикҳ (қонуншунослик), илми нужум (астрономия), фалакиёт, тиб, одоб, ҳикмат, калом, табиийёт ва бошқа фанлар ўрганилар эди.

XVI асрнинг бошига келиб Хожагий Аҳмад Косоний тариқат аҳлининг етук мутасаввиф, соҳиби каромат даражасига етади. Косонийнинг соҳиби каромат бўлганликлари ҳақида халқ ўртасида турли ривоятлар шу кунгача сақланиб қолган. Мутасаввифнинг: “Инсоннинг вазифаси Аллоҳи таоло томонидан унинг измига берилган тириклик оламини яшнатишдан, бу дунё неъматларидан келгуси авлодларни ҳам

¹⁴ Тўраев Б. Махдуми Аъзам – мутафаккир.-Тошкент: Имом Бухорий номидаги Халқаро Марказ нашриёти, 2020. Б. 9.

бахраманд қилишдан иборатдир”,¹⁵ деган ибратли фикрлари ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хожагий Аҳмад Косоний “Рисолаи самоъия” (Муסיқа ҳақида рисола) да ушбу фикрни баён этган: “Дин ва муқаддас китоблар инсон учун, инсонни маънавий камолотга етаклаш учун берилгандир. Инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир”,¹⁶ деб фикр билдирган. Хожагий Аҳмад Косонийнинг инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этган бўлиб, миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи таълимот вазифасини ўтайди. Мутасаввифнинг инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган тасаввуфий қарашлари республикамиз фуқароларини тинч ва тотув яшашига кўмаклашади, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши курашда, миллий ғоянинг мафкуравий негизини тушунишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Б.Тўраев фикрича, “Марказий Осиёда темурийларнинг тож-тахт талашишлари оқибатида парчаланиб кетган йирик салтанатнинг инқироzi даврида яшаган Махдуми Аъзам бу салтанатнинг қайта тиклашга ҳаракат қилган шайбонийларнинг бирлаштирувчи ҳаракатига сиёсий жиҳатдан кўмак беради, бўлиниб кетаётган хонликлар ва амирликлар ўртасидаги низоларни келиштиришга кўп куч сарфлайди, ҳамда шайбонийлар билан темурийларни бир-бирига яқинлаштириб, улар орасига ўзаро муросаю мадорага келтириш ҳаракатида шайбонийлар ва темурийзодалар билан яккама-якка ва биргаликда мулоқотлар олиб боради. Уларнинг бир Ватаннинг фарзандлари, бир динга иймон келтирган инсонлар эканлигига урғу берган ҳолда, бу сулолаларни ўзаро келиштиришга, яраштиришга интилади”¹⁷.

Хожагий Аҳмад Косоний: “Инсон ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш” лозимлигини уқтириб ўтади. Бу ғоялар Даҳбедия мактаби намояндаларининг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий муҳитдаги энг илғор ақидалардан бўлиб, инсоннинг ер юзасидаги тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканлигини

¹⁵ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-ун-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501/И; - В. 12.

¹⁶ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи самоъийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501/И И; - В. 20.

¹⁷ Тўраев Б.Махдуми Аъзам – мутафаккир.-Тошкент: Имом Бухорий номидаги Халқаро Марказ нашриёти, 2020. Б. 10.

алоҳида таъкидловчи, инсоннинг унинг измига берилган оламни яшнатишга, гуллантишга, такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир ёшни фаолликка чақирувчи даъвати эди.

Айнан бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ёшларимизнинг маънавиятини ривожлантириш уларни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган малакали етук мутахассис, ватанпарвар бўлишлари учун амалга оширилаётган ишларимизнинг замирида ҳам буюк боболаримиз яратган таълимотларнинг амалий кўринишидир.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг тариқат илмидаги фавқулудда истеъдод ва қобилиятлари туфайли ўз даврининг забардаст уламолари томонидан эътироф этилиб, “Махдуми Аъзам” унвонига мушарраф бўладилар. “Махдум” - хизмат қилувчи одам. Одатда у пиру устозларга бериладиган тахаллус, чунки уларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишади. Бу тахаллусни баъзи жойларда пиру устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатадилар.

Нақшбандия тариқатининг назариётчи пири муршиди Хожагий Аҳмад Косоний ва ушбу тариқатнинг йирик намояндаси Махдуми Аъзам Ҳофиз ал Басир, кубравия тариқатининг пиру муриди Ҳазрати Махдуми Хоразмийлар шундай муборак ва шарафли ном билан шарафланганлар.

«Аъзам», яъни улуг деган маънога эга. Тасаввуф ва фикҳшунослик илмлари бобида уч буюк зот «Аъзам» (Улуг) унвонини олишган. Булар Имоми Аъзам,¹⁸ Ғавсул Аъзам¹⁹ ва Хожагий Аҳмад Косоний.

Даҳбед мактаби ва унинг фаолияти нафақат Марказий Осиёда балки узоқ Ғарбда ҳам кенг ўрганилган. Рус тадқиқотчиси профессор Н.Веселовскийнинг «Даҳбед»²⁰ номли тадқиқотида Махдуми Аъзамнинг қабртошларидаги битиклардан кўчирилган тўлиқ шажараси келтирилган.

Даҳбедия мактабига нафақат мутасаввифлар балки, ҳукмдорлар ҳам мансуб бўлган. Самарқанд ҳукмдори Жонибек Султон Шайбоний Хожагий Аҳмад Косонийнинг камолотлари ва шуҳратларидан хабардор бўлгач, Самарқандга таклифи

¹⁸699 – 767 йилларда яшаган: “Ханафия” мазҳабининг асосчиси.

¹⁹1079 – 1166 йилларда яшаган: “Қодирия” тариқатининг асосчиси.

²⁰ Веселовский Н. Даҳбит. ЗВО. Том – III.

килади ва Косоний XVI асрнинг 20-йилларида Самарқандга кўчиб келадилар. Жонибек Султоннинг фармонида биноан Хожагий Аҳмад Косонийга Миёнкол мавзеидан жой ажратиб берилади. Манбаларга кўра, Хожагий Аҳмад Косоний бу жойни обод қилиб, ўнта тол дарахтини бир-бирига яқин ўтказган. Мавзеининг номи ана шу муносабат билан Дахбед (ўнта тол) деб аталади. Махдуми Аъзам умрининг қолган қисмини ижодий фаолият ва шогирдлар тарбияси билан ўтказади. Буюк мутасаввиф илмий фаолияти билан бир қаторда Дахбед қишлоғида 90 таноб (22,5 гектар) ерда катта боғ яратиб, дунёнинг турли гўшаларидан келтирилган ўсимликларни парваришлаб, янги мева навларини яратган. Хожагий Аҳмад Косонийнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли «Дахбедий қовун», «Дахбедий анжир» навлари яратилди. Хожагий Аҳмад Косоний ўсимликшунослик ва наботот илмига оид «Рисолаи баттихийя» (Қовун ҳақида рисола), “Ғули наврўз” (“Наврўз ғули”) каби рисоаларни ёзган. “Рисолаи баттихийя”да ҳосилни йиғиб олишни ўйлашдан олдин ерга уруғ сепишни ўйлаши керак бўлган деҳқон каби, ҳар бир мусулмон ҳаёт вақтидаёқ боқий дунё (нариги дунё) ҳақида ўйлаши кераклиги тўғрисида фикр юритади. Бундан ташқари қовун етиштириш соҳасидаги ўз тажрибаларини ниҳоятда раво баён этган. “Ғули наврўз” рисоласида эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Баҳор шабадасини ғанимат билинг, чунки у дарахтларингизга қанчалик фойда берса, баданларингизга ҳам шунча фойда берур”, деган ҳадислари таҳлил этилган. Хожагон-Нақшбандия таълимоти вакилларида етти пирларнинг барчаси ҳам тасаввуф илми билан биргаликда турли хил касб-ҳунарларда ҳам фаол бўлганлар. Абдулҳолиқ Ғидувоний “Маноқиб Хожа Абдулҳолиқ Ғидувоний” асарида “Тақвони ўзингга шиор қил!”, “Ота-онанинг ҳаққини адо қил”, “Илм олишдан бир қадам ҳам узоқ бўлма”, “Ҳалол егинки, ҳалол яхшиликларнинг калитидир. Ҳаромдан қочгин, акс ҳолда Ҳақ таолодан узоқ тушгайсан” каби васиятлари кенг шарҳланган бўлиб, ҳозиргача ёшлар тарбияси учун жуда аҳамиятлидир.

Хожагон таълимотининг йирик шайхи Маҳмуд Анжир Фағнавий, ҳозирги Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Анжир Фағнавий қишлоғида таваллуд топган. Ҳозирда ҳам бу муборақ манзил Анжирбоғ деб аталади. Шайхнинг асл исмлари

Маҳмуддир. Маҳмуд араб тилидан олинган сўз бўлиб, “мақталган, яхши” деган маънони билдиради. Унинг исмига қўшиб айтиладиган Анжир Фағнавий иборалари туғилган жойи ва боғига нисбатан берилгандир.

Муҳаммад Бобойи Самосий хожагон-нақшбандия тариқатидаги улуғ авлиё, соҳибкаромат валиюллоҳ ҳисобланадилар. У киши Бухоро вилояти Ромитан тумандаги Самос қишлоғида туғилганлар, пайғамбаримиздан мерос бўлиб ўтган ўз тирикчилиги учун меҳнат қилишни шараф билганлар, устозлари каби фақирлик мақомини тутиб, беназир боғбон бўлганлар. Шу сабабдан Муҳаммад Бобойи Самосий деҳқонларнинг пири саналадилар.

Хожагий Аҳмад Косоний шариат ва тариқат илмига оид, ахлоқ ва илоҳиёт масалаларига доир ўттиздан ортиқ диний, фалсафий, ахлоқий, илмий ва адабий рисоаларни ёзиб қолдирган.

Мутасаввиф “Асрор-ун-никоҳ” рисоласида муридларни куз шабадаси сингари дарахтларнинг япроғини хазон қилиб уларни ғафлат томон етакловчи ноқобил “пирлар” нинг беҳосият нафасларидан огоҳ бўлиш лозимлигини уқтиради. Маҳдуми Аъзам ҳар бир жамиятнинг келажагини унинг қўйнида ўсиб, улғаяётган ёшларнинг етарли ва тўлиқ парвариш олишга боғлиқ деган ғояни илгари сурган. Бу масалада лоқайд ёки эътиборсиз бўлишнинг оқибати ҳалокат эканлигидан огоҳ этганлар. Бу эса Даҳбед мактабининг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради. Хожагий Аҳмад Косонийнинг издошлари, муридлари ва мухлислари жуда кўп бўлган. Манбаларда²¹ Маҳдуми Аъзамни олтмишта авлиёни етиштирган муршид, (пири шасти) деб аташган. Кўпчилик ҳукмдорлар, давлат арбоблари, шоиру уламолар, унга мурид бўлишган. Жумладан, мутасаввиф шайхлардан Муҳаммад Ислоҳ (1494 – 1563), Мавлоно Лутфуллоҳ (967/ 1559 – 979/ 1571), Мавлоно Поянда (1601.в.э.), Шайбоний ҳукмдорларидан Убайдуллоҳон (1538.в.э.), Абдулазизхон (1550.в.э.), Жонибек Султон (1529.в.э.), темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 - 1530) унга мурид тушишган.

²¹ Тўраев Б., Муҳаммаджонова Ф. Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. -Т.: Наврўз, 1995.

Тарихчи олим Н.Й.Йўлдошевнинг “Бухоро авлиёларининг тарихи” асарида²² Поянда Муҳаммад Ахсий Файзиободийнинг фаолияти жўйбор шайхлари билан чамбарчас боғланган, деб маълумот берилган. Аслида Поянда ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг энг яқин муридларидан бири бўлган.

Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаккир ул-аҳбоб”²³, Абул Бақо ибн Баҳовуддиннинг “Жоме ул-мақомот”,²⁴ каби асарларнинг далолат беришича, темурий шахзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Маҳдуми Аъзамни пир деб билган ва чуқур ихлос қўйган. Бобур Мирзо Мовароуннаҳрни бутунлай тарк этиб, Ҳиндистонда давлат тузган бўлсада, лекин пири муршиди бўлган Маҳдуми Аъзам билан алоқасини қанда қилмайди ва бир қарвон совғалар билан шу қитъани ёзиб юборади:

Дар ҳавои нафси гумроҳ умр зоеъ қардаем,
Пеши Аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем.
Як назар ба сўи мо, ки аз роҳи вафо,
Ҳажагиرو мондаем, Хожагийро бандаем.²⁵

Мазмуни:

Адашган ҳавойи нафсимиздан умримиз зоеъ кетди,
Дин аҳл наздида бу атворимиздан шармандамиз
Вафо йўлидан бизга ҳам бир назар этингким,
Подшоҳликни қўйиб, Хожагий (Косоний) га мурид бўлайлик.

Хожаги Аҳмад Косоний темурий шахзода Бобур Мирзонинг ушбу мактубига жавобан ўзининг машҳур “Рисолаи Бобурия”²⁶ асарини ёзиб Бобур Мирзонинг қўйган саволларига жавоб беради.

Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллоҳон ҳам Бобур Мирзо сингари шеърятда ниҳоятда олийфаҳм ва ширин калом эди. “Музаккир ул-аҳбоб” асарида келтиришича, ҳукмдор Убайдуллоҳон ўз пири ҳазрат Хожагий Аҳмад Косонийга ушбу рубоийни ёзиб юборади:

Аҳволи ним, эй дўст, яке-ду бином,
Ҳаргиз, ки бином, Ҳақ чунон ба ў бином

²² Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро.: Бухоро, 1997. Б. 96

²³ Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. -Т., 1993. - Б.53

²⁴ Абул Бақо ибн Баҳовуддин. Жомеъ – ул – мақомот // Тарж. Каттаев К. –Самарқанд.: Сўғдиёна. 1994. – Б.16.

²⁵ Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. -Т., 1993. - Б.53

²⁶ Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи Бобурия. Қўлёзма. Ўз Р ФАШИ № 501 / XXV.

Мустағриқи Ҳақ чунон шудам дарҳола ҳол,
Ҳақ гўяму, Ҳақ бишнаваму Ҳақ бинам²⁷

Мазмуни:

Ярим аҳволини, эй дўст бир-икки кўраман,
Нимани кўрсам барчасини у билан бирга кўраман.
Барча ҳолатда ҳам Ҳаққа шунчалар ғарқ бўлибманки,
Фақат Ҳақ дейман, Ҳақни эшитаман ва Ҳақни кўраман.

(Ҳақ деб Худоба нисбатан айтилмоқда). Убайдуллохоннинг бу рубоийсига ҳам жавоб тариқасида Хожагий Аҳмад Косоний “Шарҳи рубоийети Убайдий”²⁸ рисоласини ёзади. Умуман мутасаввифнинг рисолалари тўпламидан “Убайдий” шеърларига бағишлаб ёзилган учта рисола²⁹ алоҳида диққатга сазовордир.

Айни вақтда Убайдуллохон ҳам пири бузруквори Хожагий Аҳмад Косоний олдидаги ўзининг муридлик бурчини оқлаб, унинг 27 рисоласини алоҳида тўплам ҳолига келтиради. Бу тўплам “Рисолалар тўплами”³⁰ (“Мажмаъ-ул-расоил”) деб аталади.

Абу Тоҳирхўжа “Самария” асарида “Самарқанд шаҳри ҳокими Шердор ва Тиллакори мадрасаларини қурдирган Ялангтўшбий ҳам даҳбедликлар силсиласига дохил бўлиб, унинг ўғли Ҳошимнинг муриди эди”, деб ёзган³¹.

Ялангтўш Баходирнинг қабри Маҳдуми Аъзамнинг оёғи остида, суфа устида мазор деворининг ичида эди³².

Хоҳи ки нури дидаи аҳли жаҳон шав
Бояд ғубори домани даҳбедиён шав
Пире ба чиллагоҳи лаҳад орамидаст,
Гарди ба гирди марқади покаш жувон шав³³.

Мазмуни:

Жаҳон аҳли кўзининг нури бўлишни истасанг,
Даҳбедийлар этагининг ғубори бўлгин.
Лаҳат чиллаҳонасида ором олиб ётган пирнинг,
Пок мазори атрофидан айлансанг ёшарасан.

²⁷ Ҳасанхўжа Нисорий. Музаққир ахбоб. -Т., 1993. - Б.23

²⁸ Хожагий Аҳмад Косоний. Рисола - йэ шарҳи Убайдий // Тарж. Абдулҳаким Шаърий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001. – Б.117

²⁹ Ўша асарда. – 113 б.

³⁰ Нуриддинов А., Жабборов Н. Улуғ мутафаккир // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2001. 1- сон. – Б.26

³¹ Абу Тоҳирхўжа Самария. Тошкент. Камалак, 1991. Б. 56-57

³² Ўша жойда.

³³ Ўша жойда.

Хожагий Аҳмад Косонийдан кейин нақшбандия тариқатига Жўйбор шайхлари пиру муршидлик қилган ва нақшбандиянинг Ўрта Осиё тармоғининг маркази яна Бухорога кўчган. Маълумки, нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқати Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган. Унинг халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо ва Яъкуби Чархийлар уни ривожлантирганлар. Яъкуби Чархийдан нақшбандия таълимотини олган Хожа Аҳрор Валий бу тариқатни Туркия ва Ҳиндистонда ёйилиши, шу тўғрисида бутун жаҳонга тарқалишига сабаб бўлган. Унинг ғояларини Муҳаммад Қози орқали Хожагий Аҳмад Косоний ривожлантирган³⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биринчидан, Хожагий Аҳмад Косоний вафотидан сўнг нақшбандия тариқатларида халифалар ўртасида пирнинг мақомини олиш, иршод ҳуқуқини қўлга киритишга интилиш кучайган. Пирлик мақомини, иршод ижозатномасини олиш бўйича нақшбандия тариқатининг намояндалари Хожагий Аҳмад Косонийнинг муридлари Хожа Ислом Жўйборий ва Мавлоно Лутфуллоҳ ўртасида кураш кучайган бўлиши мумкин.

Проф. А.А. Семёнов Хожагий Аҳмад Косонийнинг муриди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ижтимоий – сиёсий фаолияти ҳақида фикр юритган³⁵. Америкалик тадқиқотчи DeWeese Devin ҳам нақшбандия–кубравия таълимотининг баъзи келишмовчиликлари ҳақида айтиб ўтган. Унда Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий билан кубравия тариқати намояндалари ўртасидаги келишмовчилик ҳақида боради³⁶. Ушбу тадқиқотларда манбаларга асосланган ҳолда, Мавлоно Лутфуллоҳни турли шаҳар ва вилоятларда маълум таъсирга эга бўлган шайхларнинг пинҳона ва гоҳо ошкора ҳужуми қуршовида қолганини кўрсатиб ўтганлар. Бу ҳолатдан маълумки, Марказий Осиёда Махдуми Аъзам вафотидан кейинги даврда нақшбандия мактаблари ичидаги рақобат тобора кескинлашиб борган.

Манбаларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келишимиз мумкинки, Хожа Ислом Самарқанд, Кармана,

³⁴Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд-жаҳоншумул таълимот асосчиси / Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. Тошкент. “Sano-standart”, 2019. Б. 36-37

³⁵Семёнов А.А. Уникальный памятник агиографической среднеазиатской литературы XVI в // Известия Узбекистанского филиала Академии наук СССР, № 12 (1940), С. 42 – 52; № 13 (1941), - 37 – 38 с.

³⁶DeWeese D. The Eclipse of the Kubraviah in Central Asia // Iranian Studies, 21 / - 2 (1988), 45 – 83 pp.

Бухоро вилоятларида, Мавлоно Лутфуллоҳ эса, Тошкент, Фарғона водийси, Ҳисор, Афғонистон ҳудудларида нақшбандия тариқатидаги фаолиятларини олиб борганлар.

Даҳбедия мактабининг XVIII аср вакиллари тўғрисида тадқиқотчи Ҳайдархон Юлдашходжаев “Мусохон Даҳбедийнинг Нақшбандия-муҷаддидия тариқати ривожидида тутган ўрни”³⁷ (XVIII аср) мавзусидаги диссертациясида алоҳида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида «БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи» билан мурожаат қилди. “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади–барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”³⁸, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Мусохон Даҳбедий Ҳожагий Аҳмад Косоний Даҳбедий авлодларидан бўлиб, Самарқанддан 15 км шимолда жойлашган Даҳбед мавзесида дунёга келган. Илк таҳсилини Самарқанддаги Тиллакори мадрасида олган Мусохон Даҳбедий кейинчалик Кубравия тариқатидан кўзга кўринган вакили Муҳаммад Ризо Қарнакий ҳамда Нақшбандия-Муҷаддидия тариқатидан Миён Обид Жаҳонободий (ваф. 1738-39) қўлида таълим олади. Шайх Муҳаммад Обид Мусохон Даҳбедийга тўрт тариқат: Нақшбандия, Қодирия, Сухравардия ва Чиштиёга раҳбарлик қилиш ижозатини берган. 1756 йилларда Мусохон Даҳбедий ва унинг издошлари Ҳиндистондан Самарқандга келади. Шу тариқа Нақшбандия таълимотининг маркази Ҳиндистондан Марказий Осиёга кўчади. Мусохон Даҳбед мактабининг фаолият доираси бутун Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ўлкаларини ўз ичига қамраб олган.

Мусохон Даҳбедий Нақшбандия-Муҷаддидия сулукининг назарий ривожига катта ҳисса қўшди, Нақшбандия тариқатини

³⁷ Юлдашходжаев Ҳ.Ҳ. Мусохон Даҳбедийнинг нақшбандия-муҷаддидия тариқати ривожидида тутган ўрни (XVIII аср) мавзусидаги диссертацияси; Т.2008

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <https://uza.uz/uz/category/politics>

эътиқод ва амалиёт борасидаги турли хурофотлардан тозалаб, асарларида тариқат таълимотини Қуръон ва сунна асосида қайта ишлаб чиқди. Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳрда ташкил топиб, шу маконда гуркираб ривожланган бўлсада, лекин XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, унинг маркази Ҳинд диёрига кўчган эди. Мусохон Даҳбедий нақшбандия тариқатини ўз диёри- Мовароуннаҳрга қайтариб олиб келди ва ривожлантирди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Даҳбед мактаби ўз вақтида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган. Маҳдуми Абзам меросидан бизгача етиб келган рисоалар глобаллашув шароитида ёшларни ғоявий-тарбиявий иммунитетини кучайтиришда, оила фаровонлиги ва никоҳ тушунчаларини чуқур ўрганишда ва жамиятга тадбиқ этишда фойдаланиш йўллари тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки,

- Хожаги Аҳмад Косоний нақшбандия тариқати назариётчиси сифатида Даҳбед мактаби асосчиси бўлган.

- Хожаги Аҳмад Косоний нақшбандия-аҳрория таълимотининг намояндаси сифатида XV-XVI асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятда муҳим аҳамиятга эга шахс сифатида ном қозонган.

- Хожаги Аҳмад Косоний Даҳбедия мактаби орқали нақшбандия таълимотини кенг ёйилишига катта ҳисса қўшган.

- Даҳбедия мактаби ўз даврида маънавий, ахлоқий, ижтимоий муҳитда ижобий аҳамият касб этган ва тасаввуф ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

1.2. Маҳдуми Абзам ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар ҳамда мутасаввиф рисоаларининг таҳлили.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080 сонли қарорида юртимиздаги кўплаб қадимий шаҳарлар ва у ерда яшаган, улуғ алломалар ва азиз авлиёлар хотирасига бағишлаб илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг натижаларидан юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиб бориш муҳим вазифаларимиздан бири эканлигини белгилаган эдилар.

Хожагон - нақшбандия таълимотини бир тизимга солган, силсила ва амалиёти, шунингдек, тасаввуф таълимотининг назарий муаммолари бўйича асарлар яратган мутасаввиф, нақшбандийликнинг ижтимоий-сиёсий таъсирининг ортиши, кенгайиши ва тарқалишида фавқулудда саъй-ҳаракат ва қатъий ирода кўрсатган улуғ зот, орифий илмлар соҳиби Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний ҳақида жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Мутасаввифнинг катта орифий илм соҳиби бўлганлигини нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган 30 дан ортиқ асарлари ҳам тасдиқлаб турибди³⁹.

Хожагий Аҳмад Косоний таржимаи ҳоли ва илмий мероси тарихнинг барча даврларида қуйидагича тасниф этилган:

1.Хожагий Аҳмад Косонийнинг таржимаи ҳолига оид асарлар;

2.Хожагий Аҳмад Косонийнинг илмий меросига бағишланган асарлар;

3.Хожагий Аҳмад Косонийнинг султонлар билан мунособатлари ҳақидаги асарлар.

4.Хожагий Аҳмад Косонийнинг нақшбандия тариқатида тутган ўрни тўғрисида ёзилган асарлар⁴⁰.

Қосим ибн Муҳаммаднинг «Анис-ат-толибин»⁴¹ асари мутасаввифнинг таржимаи ҳолига бағишланган илк манба ҳисобланади. У пирнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган. Асарда Хожагий Аҳмад Косонийнинг яқинлари ва асарларидан

³⁹ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрору-н-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / I ; Рисолаи самоъийя Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / I I; Рисолаи вужудия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / III; Одобу-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / IV; Одобу-с-сиддикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / V; Ганж нома. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VI; Рисолаи букоийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VII; Насихату-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VIII; Шархи саводи – л – важҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / IX; Шархи ал – валаду сирру абийхи. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / X!; Нафохату-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / X11; Рисолаи зикр. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / X111; Рисолаи баёни силсила. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XV; Рисолаи чаҳор калима. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVI; Силсилаи сидикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVII; Рисолаи баттихия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVIII; Миръоту-с-сафо. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XIX; Зубдату – с – соликийн ва танбеҳу-с-салотийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX; Гули навруз. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX1; Меърожу-л-ошикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX11; Муршиду – с – соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX111; Воқеаи ҳаққония. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXIV; Рисолаи бобурия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXV; Танбиху-л-уламо. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXVII; Рисолаи фанойя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXVIII; Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; Рисолаи илмия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 52391 / 111. Дар Маноқиби Хожа Абдулҳолиқи Ғиждувоний. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ № 10330 / I – в 288.

⁴⁰ Зойиров.Э.Х. “Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари” Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент. 2007

⁴¹ Қосим ибн Муҳаммад Шаҳр – и Сафойи. Анис ат – толибин. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 3969.

келтирилган. Манбада Хожагий Аҳмад Косонийнинг Қорахоний Бурхониддин Қиличгача бўлган шажараси келтирилган.

Дўст Муҳаммад Фолизкор «Силсилаи-ас-сиддикийн ва анис-ул-ошикийн»⁴² (“Сиддиклар силсиласи ва ошиқлар суҳбатдоши”) рисоласида Хожагий Аҳмад Косоний таржимаи ҳолини муфассал ва кенгрок қилиб берган. Асар муаллифининг ёзишича, у Хожагий Аҳмад Косонийнинг муриди бўлган ва устозининг масъулиятли вазифаларини бажариб келган.

Мутасаввифнинг таржимаи холи ва илмий мероси тўғрисида “Жомеъ-ул-мақомот”⁴³, “Равойихул-қудс”⁴⁴, “Тухфатул-зоъирин”⁴⁵, “Тазкираи азизон”, “Ҳидоятнома” каби асарларда ҳам маълумот келтирилган.

«Жомеъ-ул-мақомот»⁴⁶ Хожагий Аҳмад Косоний яшаган даври, унинг таржимаи холи ҳақида ёзилган бўлиб, пирнинг невараси Абул Бақо ибн Баҳоуддин ибн Махдуми Аъзам ёзган (1617-1618й.).

Абу Тохирхўжа Самарқандий «Жомеъ-ул-мақомот» китобида Хожагий Аҳмад Косонийга шундай баҳо берган: “Ҳазрат Махдуми Аъзам жанобларининг мақомот, ҳолат ва кароматлари шундайким, бу нодоннинг қалами уни тақрир ва таҳлил қилишга ожизлик қилади. У кишининг мақомотлари ҳақида машҳур китоб бўлиб, унда ҳам у зотнинг ҳолатлари қисқа ёзилган”⁴⁷. Абу Тохирхўжа бу улуғ зотнинг кароматларини тавсифлашда ўзининг ожизлигини, ҳатто “Самария” каби машҳур асар ҳам Хожагий Аҳмад Косонийнинг фазилатларини тўла ёритишда камлик қилганини таъкидлайди.

Бадриддин Кашмирий (ваф. тах. 1620) “Раузат ар-Ризвон”, “Раузат ул-жамол”⁴⁸ асарларида Хожагий Аҳмад Косоний рисоаларидан фойдаланган ва унга шарҳлар берган.

Султон Аҳмад Ҳазиний ал-Ҳисорий асарларида ҳам Хожагий Аҳмад Косоний баён этган фикрларга кенг шарҳлар битилган. Маълумки, Ҳазиний 1567-68 йилларда Ҳажга сафар қилиб, сўнг умрининг охиригача Усманийлар салтанатига

⁴² Дўст Муҳаммад Фолизкор. Силсилату – с – сиддикийн ва анис ул - ошикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 2471 / 111.

⁴³ Абул Бақо ибн Баҳоуддин. Жомеъу – л – мақомот. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 7638. Б. 251.

⁴⁴ Мақсуд ибн Носириддин Бухорий. Равойихул қудс. Каттахонхўжа Дахбедий шахсий кутубхонасидан.

⁴⁵ Носириддин ал-Ханафи ал-Хусайний. Қўлёзма.

⁴⁶ Абул Бақо ибн Баҳоуддин. Жомеъу – л – мақомот. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 7638. Б. 251.

⁴⁷ Абу Тохир Хўжа. Самария. -Т.: Камалак, 1991. Б. 56.

⁴⁸ Бадриддин Кашмирий. Раузат ар-Ризвон. Қўлёзма

карашли улкан шаҳар ва вилоятларда (Сурия, Қоҳира, Истанбул) яшаб, ўша ерларда Хожагий Аҳмад Косоний ғояларини тарғиб этди.⁴⁹

Нодир манба ҳисобланган «Равойихул - қудс» нинг «Махдуми Аъзам» бобида ушбу маълумотлар берилган: «Номи мубораки Эшон Саййид Аҳмади Косони ва ба Мавлоно Хожагий Махдуми Аъзами Даҳбедий иштихори доранд ва нисбати шарифий нафиси Эшон ба Хазрати Шайх Бурхониддин Қилич қадасоллоху сира мерасад ва гавҳари насли асили Эшон аз садафи косирул – шарафи шаҳиди Дашти Карбало-Абу Абдуллох имом Хусайн разиоллоху анху маёбад ва мепайванд...»⁵⁰. Мазмуни: «Ул зотнинг муборак номлари Саййид Аҳмад Косоний бўлиб, Мавлоно Хожагий Махдуми Аъзам исми ила машҳурдирлар ва Хазратнинг нафису шарафли нисбатлари Шайх Бурхониддин Қиличга бориб, ул зотнинг асл насаб гавҳари эса Карбало Даштининг шаҳиди Абу Абдуллох имом Хусайн (яъни, Пайғамбар набиралари) разиоллохнинг шарафли садафига етади».

Мутасаввифларнинг ибратли ҳаёт йўллари, турмуш тарзлари ва кароматлари ҳақида маноқиб асарларнинг ўзига хос ўрни ҳамда тарбиявий аҳамияти беқиёс.

Шунингдек, Муҳаммад Муфти Оҳангароний⁵¹, Муҳаммад Мусо ад-Даҳбедий⁵², Муҳаммад Раҳим⁵³, Мулла Абдулҳаким Самарқандий⁵⁴, Абу Тоҳирхўжа⁵⁵ ва бошқаларнинг⁵⁶ асарларида Махдуми Аъзам ҳақида турли маълумотлар мавжуд.

Сайидназар Хожа Хўқандийнинг “Маноқиб Хўжа Исҳоқи Валий” асарида Махдуми Аъзамнинг ҳикматлари, фарзандлари ҳамда нақшбандия таълимотида тутган ўрни ҳақида маълумотлар берган.

Мовароуннаҳрда яшаган шайхлар таржимаи ҳолларига бағишланган асарлар ичида хоразмлик муаллиф Муҳаммад Тоҳир Эшоннинг “Силсилаи хожагон – нақшбандия” ёхуд

⁴⁹ Султон Аҳмад Ҳазиний ал-Ҳисорий нақшбандия таълимоти вакили, Усмонлилар тарихчиси.

⁵⁰ Максуд ибн Носириддин Бухорий. Равойихул қудс. Каттаҳонхўжа Даҳбедий шахсий кутубхонасидан.

⁵¹ Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Маноқиб Мавлоно Лутфуллох. Қўлёзма. Ўз. Р. ФАШИ. № 5785. Б. 234.

⁵² Муҳаммад Мусо ад - Даҳбедий. “Наводиру-л-маориф”. Қўлёзма. Ўз.РФАШИ. № 629 Б. 136

⁵³ Муҳаммад Раҳим. “Сирожус-соликийн ва латоифу-л-орифийн. Қўлёзма Ўз.РФАШИ. № 629. Б. 136

⁵⁴ Абдул Ҳокими Самарқандий. Қандия. тарж. Каттаев К. Самарқанд.: Сўғдиёна, 1994. Б. 85.

⁵⁵ Абу Тоҳир Хўжа. Самария. -Т.: Камалак, 1991. –Б. 56.

⁵⁶ Ҳасанхўжа Нисорий. Музақкири аҳбоб. –Т., 1993. Б. 23-53-284-293.

“Тазкираи Тоҳир Эшон”, деб номланган кўлёзма асари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу асар унинг муаллифи томонидан олиб борилган кўп йиллик изланишлар самараси бўлиб, унда XVIII аср ўрталаригача Мовароуннаҳрда, жумладан Бухорода яшаган 321 шайхнинг таржимаи ҳоли акс этган ва унда Маҳдуми Аъзамнинг нақшбандия тариқатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг таржимаи ҳоли, илмий мероси хорижлик шарқшунос олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилган. В.В.Бартольд⁵⁷ ва В.Л.Вяткин⁵⁸ “Жомеъ-ул-мақомот” асари ҳақида маълумот бериб, XVI асрнинг биринчи ярми тарихини ўрганадиганлар учун бу манбанинг нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тасаввуфшунослигида Хожагий Аҳмад Косонийнинг ҳаёти, илмий мероси ва тасаввуфий қарашларининг моҳияти ҳақида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Чунончи, Маҳдуми Аъзамнинг таржимаи ҳоли, таълимоти бўйича авлодларидан таниқли олим Бахтиёр Тўраевнинг «Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний Маҳдуми Аъзам»⁵⁹ рисоласи ва “Сийрати ва мероси”⁶⁰ номли ҳаммуаллифликдаги тадқиқоти диққатга сазовордир. Ушбу мақолаларда мутасаввифнинг сийрати, панд-насиҳатлари ҳақидаги баъзи маълумотлар берилган. И.Сувонқулов,⁶¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний⁶², Илёсхон Ғозий⁶³, Жўрахон Авлиёхон⁶⁴ ва бошқаларнинг⁶⁵ амалга оширган тадқиқотлари маълум илмий қимматга эга.

Тадқиқотлар орасида Хожагий Аҳмад Косонийнинг авлодларидан Комилхон Каттаевнинг илмий, ижодий

⁵⁷ Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII, -М., 1973. С. 152.

⁵⁸ Саидов Абдукаҳор. Политическое и социально-экономическое положение Бухарского ханства в XVII - первой половине XVIII вв.: автореферат дис. доктора исторических наук - Душанбе, 2007. - 49 с

⁵⁹ Қаранг: Тўраев Б., Мухаммаджонова Ф. Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам. -Т.: Наврўз, 1995.

⁶⁰ Қаранг: Тўраев Б. Зоҳидий А. Сийрати ва мероси. -Т.: Адолат. 1996. - Б.113.

⁶¹ Қаранг: Сувонқулов И. Самарқанд кадамжолари. Т., Фан нашриёти, 2007 й. - Б 90.

⁶² Қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. - Т., Адолат, 2001. - Б.113.

⁶³ Қаранг: Илёсхон Ғозий. Нақшбандия тариқатининг буюк сиймоси Маҳдуми Аъзам // Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. -Т., 1994. - Б. 264.

⁶⁴ Қаранг: Жўрахон Авлиёхон. Сайидлар кимлар? Хўжалар-чи? // Зарафшон газетаси, 1993. 14 сентябрь.

⁶⁵ Қаранг: Хўжаев А. Маҳдуми Аъзам //Жаҳон мулкининг нигоҳбони. -Бухоро.: Маърифат, 1993. - Б. 54. Мансуров С. Маҳдуми Аъзамнинг “Баттихия” асарида маънавий-ахлоқий қарашлар // Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари. Т., 2002. - Б. 117.

Сатторов.Т. Замонасининг ёрқин майёғи // Зарафшон газетаси, 1995. 3 июнь. Жуманазаров А. Хилват аҳли. -Т., 2004. -Б. 48. Йўлдошев Н.Бухоро авлиёларининг тарихи. -Бухоро. 1997, - Б. 96.

фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Олимнинг “Махдуми Аъзам ва Дахбед”, “Шайх Худойдоди Вали”, “Шайх Махдуми Хоразмий”, “Махдуми Аъзам тарихи ва мукаммал дахбедийлар тариқати”, “Султон Бурхониддин Қилич ва унинг энг машҳур авлодлари тарихи”⁶⁶, “Махдуми Аъзам Дахбедий ва унинг машҳур авлодларидан мерос қолган қадимий нодир китоблар каталоги”, “Рисолаи Бобурия” каби монографик асарлари диққатга сазовордир. Ушбу тадқиқотларда Дахбед тарихи, Махдуми Аъзамнинг ҳаёт ва фаолияти ҳамда дахбедлик ҳожалар силсиласига мансуб тарихий шахслар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хожагий Аҳмад Косоний ҳақида жиддий кузатишлар олиб борган шарқшунос олим Б. Бобожонов машҳур пири муршид ҳаёти ва фаолияти ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича тадқиқотлар олиб борган. Унинг француз тилида чоп этилган, “Дастлабки шайбонийлар даврида нақшбандийлик” номли мақоласида Махдуми Аъзамга шайбонийларнинг муносабати ҳақида мулоҳазалар билдирилган⁶⁷.

Хожагий Аҳмад Косоний таълимотини ўрганишда Эркин Зоировнинг “Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари” монографиясини алоҳида таъкидлаш лозим. Мутасаввифнинг “Рисолаи вужудия”⁶⁸ асарини таржима этиб, бу асардаги ғояларни таҳлил этиб, фалсафанинг асосий муаммолари-онтология ва гносеологияга доир жиҳатларини очиб берган. Тадқиқотда Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Ўз вужудини билган, уни бошқара оладиган, ундаги нафсоний истакларни илоҳий сифатларга айлантира олган, деҳқон каби ҳар бир хужайрасини ҳосилдор қилган шахс вужуд деҳқонидир”, - деган ғоясини келтириб, бунинг ҳозирги кунда ёшлар тарбиясидаги аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқотчи Хуршид Самадовнинг “Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири”⁶⁹ монографиясида мутасаввифнинг оила, жамиятда

⁶⁶ Комилхон Каттаев. Султон Бурхониддин Қилич ва унинг энг машҳур авлодлари тарихи” Самарқанд, 2011 й. –Б.100.

⁶⁷ Қаранг: Бобожонов Б. Илк Шайбонийлар даврида Нақшбандия шайхларининг фаолияти // Марказий Осиё дафтарлари. Т. , 1997. – Б. 106 – 112 . (француз тилида).

⁶⁸ Зойиров.Э.Х. “Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари” Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент. 2007

⁶⁹ Самадов.Х.Ў. “Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири” монография. С.2018.

тинчликни сақлаш, огоҳлик ва инсоннинг маънавий баркамоллиги, ёшлар тарбияси ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ғоялари очиб берилган.

Тарихий обидалар, қабртошлардаги битиклар ҳамда қадимий китобларда бу табақанинг насабноналари ёзилган бир қанча манбаларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, В.В.Бартольднинг устози бўлмиш профессор Н.Веселовскийнинг «Дагбит» номли асарида келтирилган илк шажара ва қабртош ёзувлари Европа илм аҳлининг Махдуми Аъзам тарихига қизиқишини бошлаб берган.

Проф. А.А. Семёнов Махдуми Аъзамнинг муриди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ижтимоий–сиёсий фаолияти ҳақида фикр юритган⁷⁰. Америкалик тадқиқотчи De Weese Devin ҳам нақшбандия-кубровия таълимотининг баъзи келишмовчиликлари ҳақида айтиб ўтган. Унда Махдуми Аъзам ва у яшаган давр пиру муршидлик одоблари ҳамда Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий билан кубравия тариқати намояндалари ўртасидаги келишмовчилик бўйича сўз кетади⁷¹.

Россиялик машхур шарқшунос олим профессор О.Ф.Акимускин⁷² Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Танбият ас-салотийн” (“Султонларга насиҳат”) асари рус тилига таржима қилиниб, унинг таҳлили асосида мутасаввиф ижтимоий-сиёсий қарашларининг халқ билан мулоқотга оид жиҳатлари ёритилган.

Шунингдек, хорижий мамлакатларда, Туркия⁷³ ва АҚШда⁷⁴ Махдуми Аъзам ҳаёти ва илмий меросига оид айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Америкалик олима Виктория Гарднер ўз тадқиқотларида XVI аср Марказий Осиёдаги диний ва тасаввуфий ҳаёт, тасаввуф алломаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳамда уларнинг маънавий меросларини таҳлил қилади. Ушбу тадқиқот асосан нақшбандийлик таълимотининг XVII асрдаги вакилларида Хожагий Аҳмад Косоний ва унинг илмий мероси хусусида бўлсада, лекин шу даврда яшаган

⁷⁰ Семёнов А.А. Уникальный памятник агиографической среднеазиатской литературы XVI в // Известия Узбекстанского филиала Академии наук СССР, № 12 (1940), С. 42 – 52; № 13 (1941), С. 37 – 38.

⁷¹ DeWeese D. The Eclipse of the Kubravia in Central Asia // Iranian Studies, 21 / - 2 (1988), pp. 45 – 83.

⁷² О.Ф.Акимускин Мудрость суфиев: СПб: Азбука; Центр "Петербургское востоковедение", 2001.

⁷³ Қаранг: Паул Юрген. Нақшбандийликнинг XV аср Ўрта Осиёдаги ижтимоий сиёсий роли ва аҳамияти. Берлин – Нью – Йорк. 1991 (немис тилида)

Есенбеке Тўғон. Шарқий Туркистон Хожалари. “Муслимз ин Сентрал Эйша, Лондон – Дэрхэм, 1992.

⁷⁴ Қаранг: DeWeese D. The Eclipse of the Kubravia in Central Asia // Iranian Studies, 21 / - 2 (1988), pp. 45 – 83.

яссавий шайхларидан Шайх Худойдод Валий фаолияти тўғрисида маълумотларни келтириб ўтади⁷⁵. Хусусан, тадқиқотчи Шайх Худойдод Валийнинг Хожагий Аҳмад Косоний билан бир даврда яшаган Яссавия шайхларидан бири эканлигини эслатиб ўтсада, у ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Буни тадқиқот объекти бошқа шахс фаолиятига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, Америка олими Dee Wees Devin тадқиқотларида эса Хожагон Нақшбандия тариқати ва яссавия тариқатининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг келиб чиқиши ва моҳияти, умумий ва хусусий жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтади⁷⁶. Турк тадқиқотчиси Нажат Тусун⁷⁷ нақшбандия таълимоти тасаввуфий ғояларни тадқиқ этиб, Хожагий Аҳмад Косоний асарларидан мисоллар келтирган.

Швециялик тадқиқотчилар Жак Ле Гофф ва Сен Француа Ассаси⁷⁸ Хожагий Аҳмад Косонийнинг ижтимоий–сиёсий ғояларини таҳлил қилиб, Ўрта Осиёда шайхлар ва султонлар билан боғлиқ муаммоларни Хожагий Аҳмад Косоний асарлари орқали таҳлил қилган. Тадқиқотчи В.В.Дубовицкий⁷⁹ тасаввуф таълимотининг XVIII-XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳолати тўғрисидаги тадқиқотида Хожагий Аҳмад Косоний ва унинг кейинги авлодлари Шарқий Туркистон (Қашқар)даги “оқ тоғлик” ҳамда “қора тоғлик” хожалар ҳақида маълумот бериб ўтган.

Муҳаммад Содик Қашқарийнинг “Тазкираи хожагон”⁸⁰ (Хожаларнинг саргузаштлари тавсифи) асарида, Маҳдуми Аъзам халқ томонидан ҳурмат билан кутиб олинган ва қашқар хонларидан ер мулк олган. У Ўрта Осиёга қайтиб келган ва 1542 йил Самарқандда вафот этган, -деган хулосага келган.

Аммо мазкур тадқиқотлар тарих, шарқшунослик, манбашунослик фанлари предмети ва талаблари нуқтаи назаридан ёзилган бўлиб, Хожагий Аҳмад Косоний тасаввуфий

⁷⁵ Gardner, Victoria R. The written representations of a Central Asian PhD. Dissertation, The University of Michigan. 2006. p-250.

⁷⁶ DeWeese, Devin. "The Mashā'ikh-i Turk and the Khojagān: Rethinking the Links between the Yasavī and Naqshbandī Sufi Traditions". Journal of Islamic Studies, 1996.7(2), pp. 180-207. <http://jis.oxfordjournals.org/content/7/2/180.extract>

⁷⁷ Tosun, Necdet. 2002. Bahâeddin Nakşband: Hayatı, Görüşleri, Tarîkatı. Istanbul: İnsan Yayınları. <https://universalium.academic.ru/>

⁷⁸ Jak Le Goff, Sen-Fransua Assasi, Parij, Gallimard, r. 38-39

⁷⁹ В.В.Дубовицкий. Роль суфийских тарикатов в политических процессах в регионе среднего востока в XVIII – XXI вв. ано «Содружество народов Евразии» Оренбург - Худжанд - Актөбе, 2017 г.

⁸⁰ Муҳаммад Содик Қашқарий. Тазкираи хўжагон. Қўлёзма.

қарашларининг фалсафий ва ижтимоий ахлоқий таҳлилига етарли даражада эътибор берилмаган. Диссертацияда таҳлил қилиниши лозим бўлган масалаларни ёритишда юқорида қайд этилган тадқиқотлар ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сонли ҳамда 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁸¹ги ПҚ-2995-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда, шунингдек, мавзуга оид бошқа маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши маълум даражада аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Хожагий Аҳмад Косоний нақшбандия тариқатининг назарий-ахлоқий масалалари, ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларидан баҳс юритувчи ўттиздан ортиқ рисоалар ёзган. Ушбу рисоаларнинг доираси ва қўлами кенг. Шу билан бирга уларнинг етакчи ва асосий йўналиши тасаввуфнинг фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий қарашлари билан белгиланади.

Хожагий Аҳмад Косоний рисоаларида орифий, тасаввуфий муаммолар, шунингдек, фалсафа, сиёсат, давлатни бошқариш, одоб-ахлоқ, оила, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро муносабатлари, кексалик, олим ва орифларнинг ижтимоий аҳволи каби мавзулар кенг ёритилган. Хожагий Аҳмад Косоний рисоаларида ўзига хос фалсафий тизим мавжуд бўлиб, у илоҳий ва дунёвий ҳаётни бир-бирига боғлаб ташкил этилган нақшбандия тариқатининг «Дилинг Аллоҳ билан, қўлинг иш билан банд бўлсин» деган шиорига амал қилади.

Мутасаввифнинг бизга қолдирган бой илмий мероси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида қуйидаги ашёвий рақамлар остида сақланмоқда: 501, 1445, 2352, 2780, 3386, 4354, 6646, 9706, 10626, 11260⁸². Бу

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-2995-сонли Қарори/ <https://www.lex.uz/uz>

⁸² Шамсуддин Бобохонов, Абдулазиз Мансур. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. -Т.: Мавороуннахр. 1993. – Б. 45-59.

қўлёзмаларнинг айрим нусхалари Махдуми Аъзамнинг авлодлари бўлмиш Аъзамхон Каттахон Эшон ўғли Дахбедий, Комилхон Салоҳиддин ўғли Каттахўжа Эшон набираларининг шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

Хожагий Аҳмад Косоний рисоаларининг номланиши: *Мажмуа ар-расоил* (Рисоалар тўплами) бўлиб, қўлёзма – (муаллиф дастхати билан кўчирилган), тили: форсий – арабий, ёзуви – настаълиқ. Ҳажми: 18//24 см. Муқоваси: “муғзий” услубда, жигарранг теридан, уч тамғаси бор, 616 саҳифадан иборат китоб яхши сақланган.

XVI асрнинг иккинчи чорагида Самарқандда ёзилган бўлиб, бошқа ҳужжат ва китоблар қатори муаллифнинг асосий авлодлари орқали отадан болага ўтиб мерос сифатида етиб келган. Бу тўплам муаллифнинг набираси Хожа Ҳошим орқали олтинчи авлоди Мусохонхожа Дахбедийга етиб келган, кейин Мусохонхожадан унинг тўртинчи, асосий авлодларидан бири **Каттахонхожа Дахбедийга**, кейин унинг набираларига мерос қолган. Махдуми Аъзамнинг “*Мажмуа ар-расоил*” асарининг нусхалари дунёнинг йирик қўлёзма хазиналарида мавжуд бўлса-да, ушбу нусха қадимий ва муаллиф қўли билан ёзилган автограф нусхалиги учун илм аҳллари катта қизиқиш билан уни тадқиқ этмоқдалар.

Жумладан, россиялик машҳур шарқшунос олим **О.Ф.Акимускин**, АҚШ Мичиган университети профессори **Вика Гарднер**, тожикистонлик профессор **Р.Ходизода**, Ўзбекистон ФА академиклари **Б.Ахмедов** ва **Б.Валихўжаев**лар ушбу ноёб қўлёзма китобнинг автограф нусха эканлигини таъкидлашган.

“*Мажмуа ар-расоил*” 28 рисоладан иборат. 1994 йили Хожагий Аҳмад Косоний хотирасига аталган илмий конференцияга бағишлаб Ўзбекистон ФА академиклари Ботурхон Валихўжаев, Комилхон Каттаевлар томонидан ушбу мажмуанинг “*Зубдат ул-орифин*” ва “*Танбиҳ ас-салотин*” номли икки рисоласи ўзбек ва тожик тилларига таржима этилиб чоп этилди. 2006 йилда таққотчи Эркин Зойиров “Рисолаи Вужудийя” (Вужуд рисоласи) ва “Миръот ус-сафо” (Поклик кўзгуси), 2011 йилда Комилхон Каттаев “*Рисолаи Бобурия*”,

2017 йилда тадқиқотчи Хуршид Самадов томонидан эса “Асрор ун-никоҳ” (Никоҳ сирлари) асарлари таржима этилган.

Тадқиқотимизда ушбу асарлардаги оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, инсон генезисига оид қарашлари таҳлил қилиниб, уларнинг ҳозирги замондаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Диссертацияда Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик рисоласи”), “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи) рисолаларини имкон доирасида таржима қилиниб, таҳлил этилди.

Махдуми Аъзам мероси ва уни ўрганган олимлар фикрлари қайта кўриб чиқилиб, унинг асарлари шартли равишда қуйидагича таснифланган.

I. Ислом ва тариқат илмларига бағишланган асарлар.

II. Тасаввуф ва Нақшбандия тариқати назарий масалаларига қаратилган асарлар.

III. Оила, никоҳ, одоб ахлоқ, ҳадис шарҳларига доир асарлар.

IV. Зироатчиликка оид асарлар.

V. Сўфийлик ва салтанат эгалари одоблари ҳақидаги асарлар.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг асарлари ҳақидаги умумий маълумотларни қуйида эътиборингизга ҳавола этамиз:

“Рисолаи вужудийя” (“Вужуд ҳақида рисола”) - Борлиқнинг умумий масалаларига оид асарлар: - бу рисолада муаллиф тавҳид, ваҳдат ул-вужуд, яъни Худонинг ягоналиги, мавжудлиги ҳақида Ҳадиси Шарифдан маълумотлар келтириб, тасаввуфий ғоялар билан боғлаган. Муаллиф асарни қуйидаги жумлалар билан бошлайди: “Билгилки, вужуд икки хилдир:

1) ҳақиқий, боқий ва абадий вужуд-бу Ҳақ таолонинг вужудидир;

2) оразий, мажозий ва фоний вужуд-бу қолган мавжудотларнинг вужудидур”.

“Рисолаи фаноийя” (“Фано ҳақида рисола”) - рисолада бу дунёнинг ўткинчилиги, ҳақиқий дунё эмаслиги, бебақолиги, ҳақиқий дунё – боқий дунёлиги ҳақида, инсонга умр ҳам ўлчаб берилганлиги, шунинг учун дунёга ортиқча муҳаббат қўймаслик, бу дунёда яхши, савоб ишлар қилиб, у дунё шарофатига эришиш ҳақида сўз боради.

“Рисолаи баттихийя” (“Қовун ҳақида рисола”) - Табиат борлиғига оид асарлар: - Бу асар ҳосилни йиғиб олишни ўйлашдан олдин ерга уруғ сепишни ўйлаши керак бўлган деҳқон қаби, ҳар бир мусулмон ҳаёт вақтидаёқ боқий дунё (нариги дунё) ҳақида ўйлаши кераклиги тўғрисида фикр юритади. Бундан ташқари қовун етиштириш соҳасидаги ўз тажрибаларини ниҳоятда раво баён этган. Рисола Ҳазрати пайғамбар (с.а.в) нинг Ҳадиси Шарифлари “Қоланнаби алайҳиссалом: “Ад–дунё мазраатул–охират”-“Дунё – охиратнинг экинзориدير” деган ҳикмат билан мустаҳкамланган.

“Гули наврўз” (“Наврўз гули”)- рисолага бундай ном берилишига икки сабаб кўрсатилади. Бири Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Баҳор шабадасини ғанимат билинг, чунки у дарахтларингизга қанчалик фойда берса, баданларингизга ҳам шунча фойда берур”, деган ҳадислари, иккинчиси – рисолани Наврўз гуллари очилган бир пайтда ёзилганлиги. Бу рисола халқ билан ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида бўлиб, Маҳдуми Аъзамнинг муриди ҳукмдор Абдуллахоннинг илтимоси билан ёзилган.

“Рисолаи буқойя” (“Йиғи ҳақида рисола”) - Инсон борлиғига оид асарлар: Рисолада йиғининг моҳияти ва турлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Одам алайҳиссалом ўз гуноҳидан тавба қилганлиги ва берилган 1000 йил умрининг 200 йилини надомат йиғиси билан ўтказганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллиф йиғининг турлари ҳақида фикр юритиб, надомат, жудолик, ҳафалик ва хурсандлик йиғилари тўғрисида мисол ва ҳикоялар келтиради.

“Нафаҳоту ус-соликин” (“Тариқат аҳлининг муаттар бўйлари”) – рисола Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси билан бошланади: “Умрингизнинг ҳар туни ва кунида қалбларингиз сари Аллоҳ томонидан муаттар бўйлар – илоҳий файзу футуҳлар ёғилиб туради. Улардан баҳраманд бўлинглар”. Унда муаллиф шу илоҳий файзу футуҳ икки маҳсус ва умумий қисмдан иборат эканлигини айтади. Яъни, пайғамбарлар, авлиёлар ва уламоларга хос файзу футуҳ ҳамда қолган барча махлуқотдан умумий келадиган файзу футуҳ. Тариқат йўлидаги ҳар бир солик биринчи қисмдаги илоҳий файзу футуҳга эришиш йўлида ҳаракат қилаётган шахс ҳисобланади.

“Рисолаи шайбийя” (“Кексалик рисоласи”) – рисолада инсон умрининг турли босқичлари ҳақида маълумот берилиб, уларнинг ҳар бирини тасаввуф нуқтаи – назаридан изоҳлайди. Сўнгра кексалик даврида инсон ақли камолига етишиши ҳақида мулоҳаза юритилади.

“Ганжнома” (“Бойлик ҳақида рисола”) - **Маънавий борлиққа оид асарлар:**–рисолада асосан инсондаги маънавий бойлик ва қадриятлар хусусида сўз боради. Махдуми Аъзам Қуръони Каримнинг 2–сураси (Бақара)да зикр этилган “Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга барча илмларни ўргатди” деган ояти каримани шарҳлаб, муаллиф бу билан Инсон яратилиши биланоқ Ҳақ таоло унинг қалби илму–ҳикмат, фан, маърифат ва барча маънавий қадриятлар хазинаси бўлишлигини ирода этганлиги, шу фазилатлари сабабли Инсон фаришталардан ҳам улуғ эканлигини баён қилган.

“Шарҳи саводи-л-важҳ” (“Юз қоралиги иборасининг шарҳи”) - рисолада маънавий қашшоқлик инсон учун икки дунёда ҳам шармандали ҳол ва юзи қоралик эканлиги ҳадислар мисолида тасаввуф нуқтаи назаридан ёритилган.

“Шарҳи рубоиёти Убайдий” (“Убайдий рубоийларига шарҳлар”) - рисола 1533-1539 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган шайбоний ҳукмдор – Убайдуллоҳон ибн Маҳмуд Султоннинг “Убайдий” таҳаллуси билан ёзган рубоийлар тўплами асарига Махдуми Аъзамнинг ёзган шарҳидир. Рисоланинг яна бир номи “Шарҳи ғазалиёти Убайдуллоҳон”дир.

“Зубдат ус-соликин ва танбият ус салотийн” (“Солиқлар сараси ва султонлар танбеҳи”) - **Ижтимоий борлиққа оид асарлар** – рисола “Агар сизлар шукур қилаверсангизлар, мен ҳам сизларга неъматларимни янада зиёда қилавераман”, - деган ояти карима ва “Одамларга манфаати тегадиган киши улар ичида энг яхшисидир” каби ҳадислар мазмунини кенг шарҳлаб беради, сўнгра муаллиф солиқлар билан султонлар ўрталаридаги ўзаро муносабатлар қай тарзда ўрнатилиши лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритади.

“Меърож ул – ошиқийн” (“Ошиқлар меърожи”)– рисола Исфандиёр Султоннинг Хуросонга юриши арафасида ёзилган. Султон бу юришнинг муваффақиятли ва муборак бўлиши учун Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳониятларидан илҳом ҳосил қилиш умидида битилган. Султон ва унинг мулозимлари ушбу

рисолани ўқиганда адолати янада зиёда бўлишлигини муаллиф Тангри таолодан сўрайди. Муқаддимада Одам алайҳиссалом ер юзига Аллоҳ тарафидан халифа этиб юборилганлигининг сир ва ҳикматлари баён этилган.

“Рисолаи Бобурийя” (“Бобур хатига жавоб”) рисоласи. Бу асар Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг “Рисолаи Волидия”сининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо томонидан ўзбек тилига ўгирилган таржимаси ҳақида ва Бобурнинг Маҳдуми Аъзамга юборган хатига жавоб тариқасида ёзилган.

“Рисолаи аҳволил – уламо ва умаро” (“Олимлар ва ҳукмдорлар аҳволи ҳақида рисола”) - рисола олимлар ва ҳукмдорларнинг муносабатлари ҳақида бўлиб, унинг марказида Ҳазрати пайғамбар (с.а.в) нинг куйидаги Ҳадиси Шарифлари ифодаланган: “Қолан – набий алайҳиссалом: “Хайрул–умаро ман зорал – уламо ва шаррул уламо манзор–ал– умаро – “Амирларнинг энг яхшилари олимларни зиёрат қилади; олимларнинг энг ёмонлари эса амирларни зиёрат қиладилар”. Шу билан бирга бу рисолада Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ҳам бу ҳақдаги фикрлари келтирилган.

“Рисолаи илмийя” (“Илм ҳақида рисола”) - Илмий билишга оид асарлар - бу рисолада ислом динидаги илмлар; тасаввуфдаги илми ҳол ва дунёвий илми қол, шариат илмлари, Ҳазрати пайғамбар(с.а.в)нинг фазилатлари, чоҳарёрлар ва имомлар ҳаёти ҳақида ҳамда тўрт мазҳаб имомларининг ҳаёти, уларнинг дунёқарашлари тўғрисида фикр юритилган. Рисолада тасаввуф силсиласининг “қандил” (чироқ”) Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)дан Хожа Аҳроргача ва Мавлоно Зоҳидгача қўлдан–қўлга, пирдан шогирдга) берилиши ёзилган.

“Танбиҳу-л-уламо” (“Уламоларни огоҳлантириш”)– рисола Маҳдуми Аъзамга замондош бўлган баъзи шариат пешволарининг ноўрин ва асоссиз даъволарига жавоб тариқасида ёзилган. Тариқатнинг йўлидан бораётган ҳақиқий ва шунчаки кўриниш учун юрган олимлар, фикҳшунослар ва бошқа соҳа уламоларига насихатлар берилган.

“Миръоту - с – сафо” (“Софлик кўзгуси”) - Қалб орқали билишга оид асарлар - рисолада маънавий тозаликни соф кўзгуга қиёсланса-да, кўзгу баъзи чанглардан холи эмаслиги ҳам эслатилади. Тасаввуфнинг асосий ғояси ҳам шу кўзгунинг

софлигини сақлаган ҳолда уни хиралаштирадиган турли чирк ва ғуборлардан асрашдир.

“Рисолаи фатҳнома” (“Ғалаба рисоласи”) – Рисолада муаллифга мўъжизавий равишда аён бўлган башорат ҳақида гапирилади.

“Рисолаи баёни силсила” (“Нақшбандия силсиласи ҳақида рисола”) - Тасаввуф силсиласига оид асарлар - рисола нақшбандия силсила сулукининг маънавияти, унинг Ҳазрати пайғамбар (с.а.в) ва Абу Бакр Сиддиқдан бошлаб Махдуми Аъзамнинг пиру устозларигача бўлган вакиллари баёнига бағишланган. Рисола Шайбонийлардан бўлган Жонибек Султоннинг илтимосига кўра ёзилган.

“Рисолаи адаб ус – сиддиқийн” (“Сиддиқлар одоби ҳақида рисола”) - илоҳий севги, кўнгилдан Худога содиқлик, луқмани пок тутиб Ҳаққа етишиш ҳақидадир.

“Силсилаи ус-сиддиқийн” (“Сиддиқлар силсиласи”) - рисолада аҳли тасаввуфнинг Ҳазрати пайғамбар (с.а.в) ва Абу Бакр Сиддиқдан бошланиб келадиган силсила – занжирлари баён қилинган. У устозлари асарларидан илҳомланиб ёзилган рисолага ўхшайди. Умуман, асарда сиддиқлардан 19 тасининг номлари берилган.

“Рисолаи муршиду-с-солиқин” (“Солиқлар муршиди ҳақида рисола”) – Устоз-шогирдлар анъанасига оид асарлар - рисолада тариқат йўлига кирган солиққа тааллуқли қонун – қоидалар, ахлоқу одоб ва асосий тўрт рукн шарҳи берилган.

“Воқеаи ҳаққонийя” (“Ҳаққоний туш”) – рисолада муаллиф ўз тушида кўрган воқеа таъбирининг ўнгидан келганини баён қилади.

“Рисолаи баёни воқеа” (“Воқеа баёни ҳақидаги рисола”) - рисола Бобурга улуғ алломалар, пирлар томонидан тасаввуф издошларини тўғри (Ҳақ) йўлга бошлаш ҳақида айтган ўғитлари тўғрисидадир.

“Дар маноқиби Хожа Абдухолиқ Гиждувоний” (“Хожа Абдухолиқ Гиждувоний маноқиби”) - рисолада “Хожагон” тариқатининг асосчиси Хожа Абдухолиқ Гиждувонийнинг ҳаёт йўллари, фазилатлари ва дунёқарашларининг баёни берилгандир. Бу асарнинг яна бир номи “Рисола дар санади Хожагони тариқат”дир.

“Рисолаи зикр” (“Зикр ҳақида рисола”) - Зикрга оид асарлар - рисолада энг яхши ва асосий зикр: “Ло илоҳа иллоҳлоҳ” шарҳи берилган.

“Рисолаи самоия” (“Муסיқа ҳақида рисола”) - рисола Нақшбандия тариқатига нисбатан фарқли равишда, бошқа силсила тариқатларида намоён бўладиган зикрлар ҳақида (яъни, бошқа тариқатларда учрайдиган зикри жаҳрия, зикри самоия ва ҳилватда (узлатда) ўтириб зикр кабилар ҳақида) мушоҳадалар юритилган

“Рисолаи чаҳор калима” (“Тўрт калима ҳақида рисола”) – рисола нақшбандия тариқатининг 11 усулидан асосийлари саналмиш 4 таси ҳақида батафсил тушунча берилади:

1. Хуш дар дам – хушёрлик ила нафас олиш;
2. Назар дар қадам – қадамни караб, билиб босиш;
3. Сафар дар Ватан – Ватандан жилмай фикран сафар қилиш;

4. Хилват дар анжуман – халқ ичида бўлишига қарамай, ўзини хилватда (Аллоҳ билан холи қолгандек) тутиш.

“Муножот” – Ислом дини ва тасаввуфнинг бошқа бир қанча алломалари қатори Махдуми Аъзам ҳам “Муножот” туркумида асар ёзган бўлиб, бу асар асосан Худога айтилган ҳамду – сано ва муножотлардан иборатдир.

“Асрор ун – никоҳ” (“Никоҳ сирлари”) - Оила ва никоҳга оид асарлар – рисолада никоҳ эру хотин ораларидаги бир илоҳий боғланиш эканлиги, шунинг учун ҳам унинг қонун-қоидаларига риоя этиш зарурлиги ҳақида сўз юритилиб, сўнг никоҳнинг шаръий аҳкомлари баён этилади. Унда никоҳдан олдинги ва кейинги ички ва ташқи покликнинг сиру – асрорлари оят ва ҳадислар асосида тасаввуф билан боғланади.

“Насихату - с – соликийн” (“Тариқат аҳлига насихат”) - **Одоб ва ахлоққа оид асарлар** - Ҳазрати пайғамбар(с.а.в)нинг ҳадислари – “Қолан-наби алайҳиссалом: Қалбул – мўъминин аршуллоҳил – аъзим” (Мўминлар қалби Аллоҳнинг улуғ аршидир) мазмуни жиҳатидан ахлоқ қоидалари асосида ҳамда Аллоҳ буюрган маънавий қониқишга келиш ҳақидаги рисоладир.

Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи)- рисола тарбия ҳақида, ўғил ўз

отасига ўхшашга ҳаракат қилганидек, мурид ҳам ўз пирига ўхшашга ҳаракат қилиб, унга эргашиш кераклиги ҳақидадир.

“Рисолаи одоб ус – соликин” (“Тарикат аҳли одоблари”) – пиру-муршиднинг ва муридларнинг одоб-ахлоқи, вазифалари ҳақидаги рисоладир.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг бой маънавий мероси ва шахсий ибрати келгуси авлодларни ўтмиш маънавий меросидан баҳраманд қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг рисоалари Ислом қоидаларини тўғри англашда, юртимизда пок ахлоқий кадриятларнинг қарор топишида шубҳасиз муҳим ўрин эгалайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки,

- Хожагий Аҳмад Косоний Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди Муҳаммад Қози воситасида нақшбандия тариқатига кирган ва шу таълимотни ўрганган.

- Хожагий Аҳмад Косоний нақшбандия – ахрория таълимотининг намојандаси сифатида нақшбандиянинг Ўрта Осиё тармоғида фаолият кўрсатган. Унинг ёрдамида нақшбандия таълимоти камол топган.

- Хожагий Аҳмад Косоний ўттиздан ортиқ асарлари орқали нақшбандия таълимотини тизимга киритган ва назариясини яратган.

- Хожагий Аҳмад Косоний Жўйбор шайхларига нақшбандия таълимотини ўргатганлигининг маҳсули сифатида мазкур таълимотни Жўйбор шайхлари Бухорода ривожлантирган.

II БОБ. МАХДУМИ АЪЗАМ РИСОЛАЛАРИДА ОИЛА ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Ушбу бобда ислом дунёсида ўз ўрнига эга бўлган тасаввуф илмида оила ва никоҳ масалаларининг катта аҳамиятга эга эканлиги, фарзанд тарбияси ва оила фаровонлиги каби муқаддас тушунчаларни ҳамда қадриятларнинг аҳамияти тадқиқ этилган. Нақшбандия тариқатининг назариётчиси Хожагий Аҳмад Косоний илмий меросида оила, никоҳ ва фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини, мутасаввифнинг оила ва фарзанд тарбиясига оид асарлари Ўрта Осиё халқлари ҳаёти маънавий ва ахлоқий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатишини, хусусан ушбу масалалар мутасаввифнинг “Асрор ун–никоҳ”, “Баттихия”, “Ганжнома”, “Тули Наврўз”, “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи) рисоаларида ўз аксини топган.

Жумладан: “Асрор-ун-никоҳ” асари бевосита оила ва никоҳ муқаддаслиги ва сирлари, эру-хотин ўртасидаги муносабатлар тўғрисида бўлса, “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир”) деган ҳадис шарҳи фарзанд тарбиясининг нозик масалаларга оид асар сифатида ўрганилган ва тадқиқот давомида таржима қилинган.

Шу билан бирга бобда ўзбек оиласидаги эр-хотин ўртасидаги аҳиллик, меҳр-муҳаббат, бир-бирини эъзозлаш каби ахлоқий қадриятлар фалсафий-гуманистик моҳият бахш этади, умуминсонийлик мазкур гуманистик қадриятларнинг ифодаси сифатида келиши таъкидланади.

2.1. Мутасаввиф таълимотида оила ва никоҳ масалалари.

Бугунги ахборотлашган жамиятда инсон қалби ва онги учун кураш кетаётган бир даврда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар умуминсоний, маънавий-ахлоқий ғоялар орқали қадриятлар мажмуини янада бойитишни талаб қилмоқда. Айниқса, Шарқ ислом цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган тасаввуф илми намояндаларининг маънавий мероси бугунги маданий трансформация жараёнини меъёрлаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун муҳим

гуманистик аҳамият касб этади. Мамлакатимизда буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари ва алломаларнинг ҳаёти улар қолдирган маънавий мерос, нодир қўлёмаларни тадқиқ қилиш, асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш бўйича давлатимизнинг кенг қўламли сиёсати амалга оширилмоқда⁸³.

Бутун ҷамиятнинг даҳлсизлиги айнан оиланинг ҷипслиги билан боғлиқ. Демак, қайсики, ҷамиятда оилалар мустаҳкам эмас экан, бу ҷамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъий назар ҳалокатга маҳкумдир. Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Оила – ҷамиятнинг энг кичик зарраси бўлиб, ҷамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Эр ва хотин–икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам–бу оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Акс ҳолда, турмуш дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг ҷабрини эса, эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари, яқинлари ҳам тартади.

Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Хароб уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган ҷамиятнинг ҳалокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади. Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг ҷамият олдида масъулияти бор. Бу икки ижтимоий тушунчани бир-биридан айириш қийин. Соддароқ қилиб айтганда, оиласида ҳаловати йўқ, одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди.

Оилага муносабат масаласи қадим даврлардан донишмандларимизнинг диққат эътиборида бўлган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да келтирилган оила ва шаръий никоҳ одоблари, ота-оналар ва фарзандлар муносабати, уларнинг бурч ва вазифалари, уйланиш ва келин танлаш хусусидаги ғоятда қимматли фикрлар бугунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, “Авесто”да оила- никоҳ муносабатлари, оилавий бурч ва фарзанд тарбияси хусусида бир қатор фикрлар баён қилинган. Унда қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қатъий

⁸³Мирзиёев Ш.М. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. Т. 2017 йил, 15 июнь.

ман этилган⁸⁴. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Унда кўп болали оилаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги, бир йўла 2-3 та туққан аёллар мукофот олишга сазовор эканлиги уқтирилади⁸⁵.

Дунёга машҳур олим, маърифатпарвар Абу Наср Фаробий инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашларини машҳур “Фозил одамлар шахри” ва “Бахт-саодатга эришув ҳақида” асарларида баён этади⁸⁶. Фаробий кераксиз урф-одатлардан (ҳозир ҳам оилавий ҳаётда, эр-хотин муносабатларида учрайди) воз кечиш, бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида гапириб, шундай дейди: “Раҳбарлар (эр ёки хотин) ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс холда ўтмиш талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгилик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди”. Шунингдек, “Бахт саодатга эришув йулида нимаики (билим, одоб-ахлоқ, касб-хунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарурлигини таъкидлайди”⁸⁷.

Буюк саркарда Амир Темури ҳам оила қуриш масалаларига давлат юмушларидек жуда жиддий эътибор берган⁸⁸. Соҳибқирон, хусусан, келин танлаш ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар оркали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин тушурдим”⁸⁹.

Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вакоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида инсон муайян ёшга етгандан кейин унда оила қуриш, уйланишга зарурат пайдо бўлади. Албатта, бу

⁸⁴ Арапбаева Д. К., Арапбаева В. К. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари. Т.: “Замонавий таълим”, 2015. –Б. 66

⁸⁵ Хасанов С. Хоразм маърифати - олам кузгуси. - Т.: «Уқитувчи», 1996. –Б.304

⁸⁶ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. Б.224.

⁸⁷ Уша жойда.

⁸⁸ Ўша жойда.

⁸⁹ Аёл-мукаддасан. - Т., «Ёзувчи», 1999. –Б.242

даврда инсон оила, оилавий бахт, эр-хотинлик, фарзандлик, ота-оналик бурчлари хакида тушунчага эга булади. Дархакикат, донишманд аёлни севмок, хурмат килмок хар бир эркак (эр)нинг вазифаси эканлигини айтиб утади. Оилавий бахт инсонларнинг орзу-истаклари, мақсадларига етишиб яшашдир. Аҳмад Дониш оилавий бахт кўпроқ хотинларга боғлиқ, чунки эркак учун солиҳа хотиндан ортиқроқ ҳеч бир неъмат йўқдир, оиладаги иноқлик, тотувлик, саранжомлик улар кўлидадир, деган фикрларни ҳамда оила қуриш мотивларини кенгрок ёритиб беради⁹⁰ ва уйланиш шартлари ҳамда никоҳ одоблари хакида тўхталган.

Агар ҳаётимизнинг барча мақсад-мазмуни оиладаги шахсий бахтимиздан иборат бўлганида, шахсий бахтимиз биргина оиладаги муҳаббатда ўз ифодасини топганида эди, ҳаёт деганлари чиндан ҳам қоп-қоронғу саҳрога айланиб қолган бўларди. Инсон учун юракнинг маънавий олаmidан ташқари ҳаётнинг яна бир буюк олами – ижтимоий фаоллик олами ҳам бор. Буни инкор этиш ёки четлаб ўтишга уриниш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам минг йиллар давомида бу масаладаги манбаларга ғоят жиддий муносабатда бўлганлар. Пайғамбарлар умматларини пок ва ҳалол оила қуришга даъват этганлар. Бу масалада инсоният тарихи давомида яшаб ўтган донишманд файласуфларнинг диққат-эътиборларидан ҳам четга қолмаган. Ўтмиш устозларнинг фикрлари биз учун ҳамиша қадрли. Аммо, улар ўз даврларидан келиб чиқиб, оилага турлича талаблар қўйганлар.

Нақшбандия тариқатининг назариётчиси Хожагий Аҳмад Косоний илмий меросида оила, никоҳ ва фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Мутасаввифнинг оила ва фарзанд тарбиясига оид асарлари Ўрта Осиё халқлари ҳаёти маънавий ва ахлоқий ривожланишида ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, ушбу масалалар мутасаввифнинг “Асрор-ун-никоҳ”, “Баттихия”, “Ганжнома”, “Тули Наврўз” каби рисоаларида ўз аксини топган.

Лекин “Асрорун – никоҳ” асари бевосита оила ва фарзанд тарбияси масалаларни ёритувчи асардир. Асарда ислом дини ва

⁹⁰Арапбаева Д. К., Арапбаева В. К. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари. Т.: “Замонавий таълим”, 2015. -Б. 67

шариатининг никоҳ тўғрисидаги шарт-шароит ва сиру асрорларига ҳамда никоҳнинг муқаддаслиги, барча яхши-ёмон ишлар оиладан бошланиши, никоҳдан олдинги ва кейинги маънавий поклик кабилар тўғрисида фикр юритилган. “Аммо баъд бу нусхани таълиф этишнинг сабаби шу эрурким, бу камбизоат заиф одамларга назар ташлаб кўрдик, уларнинг кўпчилигини жаҳлу нодонлик юзасидан мусулмонларни Амри шарифга раҳнамолик қилиш йўлида муболаға ишлатганликлари учун ниҳоятда кўп таънаю маломатлар қилганлар ва ўзларини зарарлантирганлар”⁹¹. Рисоланинг сўз бошида бу асарнинг ёзилишига сабаб бўлган ким, ўша даврда жамиятнинг кичик бўғини ҳисобланган оилада маърифатсизлик ва маданиятсизлик муносабатлар юз бераётганлиги туфайли мазкур масалага муаллиф илк рисоласини бағишлаган. Хожагий Аҳмад Косоний ўз даврини таҳлил қилар экан, сохта шайхлар ва “чаламулла” лар томонидан оддий халқ вакилларига оила, никоҳ масалалари бўйича Қуръон оятлари ва ҳадисларда келтирилган далилларни нотўғри талқин қилиниши натижасида одамлар ўртасида никоҳга оид саволлар кўпайиб, аксарият ҳолларда жоҳиллик аломатлари кузатилаётганлигини айтиб ўтади.

Байт:

Бипўш домани аве ба зоти мани маст,
Ки обрўи шариат бад - ин қадар наравад.

Мазмуни:

Менинг маст зотимга авф (кечириш) этагини ёпгин,
Токи шариат обрўси бу даражада кетмасин⁹². Бу мисралардан маълум бўладики, оила ва никоҳ масаласида шариатни нотўғри изоҳлаганлар.

Рисолани ўқиганлар учун оила ва никоҳ масалаларига оид оятлар ва ҳадисларни мазмун-моҳиятини тўғри тушуниб олишлари имкони пайдо бўлади. Хожаги Аҳмад Косоний яшаган даврда шариат аҳли билан тариқат аҳли ўртасида жиддий зиддиятлар мавжуд бўлган шариат аҳли бу жамиятдаги ижтимоий масалаларни шариат нуқтаи назаридан баҳолаган ва маъқуллаган. Аммо, тариқат вакиллари томонидан бу жараёнда шариат вакилларида фарқли равишда масалага чуқурроқ

⁹¹ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-ун- никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501/И ; - Б. 13.

⁹² Ўша жойда.

ёндашганлар. Шунинг учун ҳам Хожагий Аҳмад Косоний тариқат вакиллари Хак субҳонаҳу таъолодан етишган тоифа сирасига киритган ва ҳақиқатни айтишини, бу уларнинг илмининг самараси ва натижаси эканлигига ишора қилади.

Махдуми Аъзам рисоласида: “авлиё-ю анбиёларнинг хатти-ҳаракатларининг сири никоҳда, бўлиши мумкин. Зероки, уларнинг ёр ясаганликлари ундан кейиндур, бу кишининг яқини бўлиши ёхуд ҳар киши ўз жузъиёти (иккинчи қисм) жиҳатидан бўла олар эди,”⁹³ деган фикрлар ўз исботини топган. **Кулли мин хайсу линна кулл мўхтож аст ба жуз.** Шундай нақл борким, Ҳазрати Ҳак субҳонаҳу таъоло Одамни яратди ва уни биҳиштга киргизди, у бўлса, хотиржам эмас, балки ўзининг ҳамжинсини талаб қилар эдиким: Кулли жинс ан-ямилу ало жинс-мазмун: барча жинслар ўз ҳамжинсига муҳтож.

Кунад ҳамжинс бо ҳамжинс парвоз,
Кабўтар бо кабўтар боз бо боз.

Мазмуни:

Ҳамжинс ҳамжинс ила қилади парвоз,
Кабутарла кабутар учади, боз билан боз.

Хожагий Аҳмад Косоний фикрича, оила борасида Аллоҳ томонидан берилган бениҳоя сирлар мавжуд бўлиб, шулардан бири Ҳазрати Ҳак субҳонаҳу таъоло дунёни яратиб, токи дунё маъмур (обод) бўлиши учун Ҳазрат Одам алайҳиссаломни яратди. Фақатгина Одам алайҳиссаломнинг ўзи билан дунё обод бўлмаслигини инобатга олиб, Ҳазрати Ҳавони ҳам яратди ва унга жуфт этди, уларни халқнинг касрати ва кўпайиши учун юборди ҳамда никоҳга амр этди.

“Никоҳ” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “қўшилиш”, “киришиш”, “боғланиш” маъноларини билдиради. Эр-хотин ўртасини боғловчи битимга “никоҳ” дейилади. Чунончи, бирга турмуш қуришлари учун шаръий тўсиқ бўлмаган аёл билан эркакнинг бир-биридан лаззат олишларини ҳалол йўлга солувчи битим никоҳдир.

Никоҳ аҳди (шартномаси) битимларнинг энг яхшиси саналади. Зеро, никоҳ икки инсон ўртасини меҳр-муҳаббат риштаси билан боғлайди. Никоҳ зурриёт қолдиришга биринчи қадам, жинсий аъзони бузуқликдан сақлаш йўлидир.

⁹³ Ўша жойда.

Қовушишдан мақсад куллнинг жузъга етишишидир, ёки жузънинг жузъга етишиши. Чунки, бу тоифа куллнинг кўриниш жойи бўлганлар. Уларни оламнинг аъзосидан ҳар жузъга кўп етишиши қовушишдур, ҳар нарсага боқса шуни кўради.

Ин аст камоли марди доно ба яқин,
Дар ҳар чи назар кунад Худоро бинад.

Гарчи дар дарёи васлаш ғарқаам,
Тамъ дар оби сабў ҳам бастаам.

Ҳазор баҳр кашидам, ҳанўз як қатра,
Агар ба дасти ман афтад, ба жон харидорам.

Чист аз ин хубтар, дар ҳама офоқи кор,
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр.

Мазмуни:

Будир доно эркакнинг яқиндан донолиги,
Ҳар нарсага боқса у Худони кўргай.

Агарда қовушиш дарёсига ғарқман,
Кўза сувиға ҳам умид боғлаганман.

Минг денгиз тортганман, то ҳозиргача
Агар бир қатраси тушса, жоним билан харидорман.

Нима бундан яхшироқ, ҳамма ишқ оламида,
Дўст олдиға дўст етар, ёр ёрининг олдиға.

Уларнинг аъзоси олам эканлиги маълум бўлди, уларнинг буюкроқ ва олийроқ жузъга кўп етиши яхши экан, зероки, одам авлодидан бўлган, олам аъзосидан ҳеч жузъ аёллардан буюкроқ ва олийроқ, латифроқ ва шарифроқ эмас⁹⁴. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бахтиёр оила” асарида никоҳни шарафли, муборак аҳд, деб таъкидлайди. Аллоҳ таоло уни бандалари фойдаси, эзгу мақсадларга эришишлари учун жорий қилган.

Никоҳдан кўзланган муҳим мақсад зурриёт қолдириш, ҳаромдан сақланишдир.

⁹⁴ Ўша жойда.

1. Зурриёт қолдириш.

Уйланишни истаган кишининг биринчи мақсади Яратганга ибодат қиладиган, ҳаққиға дуо қиладиган, инсонлар ўртасида номини сақлайдиган солиҳ фарзанд кўриш бўлиши лозим.

2. Ҳаромдан сақланиш.

Уйланишдан энг асосий мақсад шаҳватни қондиришгина бўлмай, зинодан, бошқа бузукликлардан сақланиш ҳамдир. Шаҳватни тўғри қондириш бандани ҳаромдан сақлайди. Инсон бутун фикрини шаҳватни қондиришга қаратиб, такрор-такрор зино қилишга берилса, мақсади ўзини зинодан сақлаш бўлмаса, унинг ҳайвонлардан қандай фарқи қолади?!

Шундай экан, оила қуриш ва никоҳдан эркакда ҳам, аёлда ҳам тўғри мақсад бўлиши керак. Бу мақсад ҳаромдан сақланиш учун шаҳватни ҳалол йўл билан қондиришдир. Аммо уйланишдан муроди фақат жинсий кўшилиш ҳаваси бўлган, бундан бошқа фикри йўқ одамлар учун уйланиш фақат шаҳвоний хирсни оширади. Улар ўзларининг ҳалол аёллари билан қаноатланмайдилар, балки ҳаромга оғиб кетадилар.

Хожагий Аҳмад Косоний зино ҳақида қуйидаги фикрни “у қандай эркакдирки, икки - уч кунлик шаҳват талабида таъбу нафс юритиш тақозосига кўра, ўзини абадий азоб - уқубатларга гирифтор этади ва у шахс дунёву охиратда унинг душманидир, унинг ўз душманини тавба қилдириш йўли билан рози қилишдан ўзга чораси йўқ”,⁹⁵ деб ёзган.

Ислом жамияти том маънодаги поклик жамиятдир. Ҳамма томон, ҳамма нарса пок бўлиши керак. Бу жамиятда зино ҳаром саналади. Шунингдек, зинога сабаб бўладиган нарсалар ҳам ҳаромдир. Зино инсоннинг руҳий тинчлигини йўқотадиган разолатдир.

Аммо гуноҳ саналган шаҳват шариат тақозоси билан эмасдир, яъни никоҳсиз бўлса ёки бемаврид содир бўлса, шунингдек фиску – фасодлар ва уятсизларнинг шиоридур. Бу шаҳватдан Худо, Расул ва жаъми мусулмонлар безордирлар, бундай шаҳватнинг сабаби ҳаром ва ёмон таомларнинг истеъмол қилинишининг кўплигидандур⁹⁶.

Байт:

⁹⁵ Ўша жойда.

⁹⁶ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-ун-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501/И ; Б. 14.

Шаҳват аз хўрдан бувад, кам кун зи хўр,
Ё никоҳе кун, гурез аз шарру шўр.
Чунки хўрди мекашад сўи ҳаром,
Дахлро харже бибояд ложарам.
Чун ҳариси хўрдани зан хоҳ зуд,
В – ар на гурба омаду думба рабуд.

Мазмуни:

Овқатдан бўлса шаҳват, ейишни кам қил,
Ё никоҳ қил, қоч ёмонликдан.
Чунки есанг тортади ҳаром томон,
Фойда учун зарар бўлар, ночорман.
Агар ҳаддан зиёд талаб қилса хотин,
Мушук келиб қуйруқни юлиб кетар.

Ифбатли бўлиш кишига тинчлик ва хотиржамлик бахш этади. Зино бегона аёлга жинсий яқинлик қилиш, деб таърифланади. Бу улкан гуноҳлардан бири бўлиб, шундай қаттиқ жазога сабаб бўладиган оғир жиноят тўсатдан, ўз-ўзидан содир бўлмайди. Аввал кўрилади, яъни шаҳват назари тушади, шу маънода гапирилади, иккинчи томоннинг гапи эшитилади, зино жойига юриб борилади, қўл билан номаҳрам шахснинг аъзолари ушланади ва охири зино содир бўлади. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай деган: **“(Эй Муҳаммад,) мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта Аллоҳ улар қилаётган ишлардан хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!”**⁹⁷ Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. зинодан қайтариб айтадилар: **“Эй инсонлар! Зинодан кўрқинглар, унда 6 та зарар бор. Шундан 3 таси бу дунёда, 3 таси охиратда бўлади. Бу дунёдагилари: зино рухий гўзалликни кетказди, камбағаллик келтиради, умрни қисқартиради. Охиратдагиларга келсак, улар – Аллоҳнинг ғазаби, ҳисобдан ёмон ўтиш ва жаҳаннам азобидир”**.

⁹⁷ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. *Нур сураси, 30-31-оятлар*. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 406– б.

Хожагий Косоний оила куриш учун ҳар бир киши албатта ўз вақтини кутмоғи, яъни вояга етмаган бўлса, никоҳ ёшига тўлиши ёки бирон касалликка учраган бўлса даволаниб, кейин никоҳга кириш кераклигини таъкидлайди. Оила муқаддас маскан бўлиб, ундан кутилган натижа Аллоҳ амрини давом эттириш ва соғлом авлодни вужудга келтириш вазифаси юклатилгандир⁹⁸.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари оила кодекслари ва қонунларида қизларни қонуний турмушга чиқиш *ёши кўрсатилган*. Эронда–9, Саудияда–10, АҚШда–12, Ҳиндистонда–18, Францияда–18, Хитойда–20 ёшдан белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддаси биринчи қисми билан никоҳ ёши эркалар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланмоқда. Амалда эса аёллар учун 17 ёш эди. Оилавий муносабатларни тартибга солиш эрка ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларни ўзаро келишув йўли ҳал қилиниши, оилада болалалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади⁹⁹.

Махдуми Аъзам XV асрда ҳам никоҳ ёши масаласи муҳим аҳамият касб этганини таъкидлайди. Хожаги Косоний оила куришнинг биринчи талаби сифатида никоҳни қайд этади. Агар никоҳ ношаръий бўлса, пок ва ҳалол бўлмайди, бу оила ҳисобланмайди. Балки, эр ёки аёл ўз шахвоний нафсини қондириш учун ўзаро келишуви бўлиб ва бу катта гуноҳ эканлигини айтади.

Соғлом муҳит қарор топган оилалар юрт корига ярайдиган, эл хизматиға камарбаста бўла оладиган фарзандларни тарбиялаб, камолға етказишнинг энг асосий омилларидан биридир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда оилалар

⁹⁸Саматов Хуршид Ўлмасжонович “Махдуми Аъзам Косонийнинг илмий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири” мавзусидаги диссертацияси. Самарқанд. 2017

⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги Оила кодексининг 15 моддаси. 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сонли [Қонуни таҳририда](#) — [Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси](#), 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон)

мустаҳкамлигини таъминлаш, уни моддий ва маънавий жихатдан кўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлиқ”¹⁰⁰.

Махдуми Аъзам эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни қуйидагича таҳлил этган: “Эй толиби содиқ, билгилким, ул ўзини хотинининг қўлидан ўйнаш учун тутган инсоннинг сирру ҳикмати унга ниҳоясиз савоб ёзилади. Зероки, ўйнашдан мақсад у шахснинг дилига завқу шавқу сурурга киргизишдир, нафсоний лаззат эмас”¹⁰¹. Бу масалани ёритишда ҳадисга таянади:

“Идхолу ус—суруру фи қалб ул—мўъмин хайр мин ибодат ал—сақалайн” савобга лойиқлар туганмас бўлади, шу жихатдан эканким, ҳеч ким ўз оиласи билан бунақа тоза бўлмади. Асарда Ҳазрат Расул (с.а.в.) бир кун шундай даражада Ойша разиоллоҳ анҳо бихум билан югурдилар, токи у олдинга ўтмагунча. Ҳазрат Расул салоллоҳу алайҳи вассаллам олдинда бўлди, қайтадан яна югурдилар, Ойша разиоллоҳ анҳо олдинга ўтди. Ҳазрат Расул салаллоҳу алайҳи вассаллам деди:

- Бирга-бир, яъни баробар бўлдик, деган ибратли мисол келтирилади. Бу билан эр-хотин бир-бирини шод этиши, завқ шавқ билан яшаши ибодат эканлиги уқтирилади.

Ижтимоий-сиёсий шиорлар таъсирида аёл билан эркак тенг ҳуқуқли, улар меҳнат турини танлаш, фикрлаш ва оила қуришда эркиндирлар, деган қарашлар шаклланган. Хожагий Аҳмад Косоний фикрича: “Эркак ўзининг хотини билан худди гўдакдек бўлиши лозим ва агар (хотини) хўжайинликни истаса ўша пайт эркаклардек бўлмоғи керак”¹⁰². Аслида ушбу қарашлар негизида

¹⁰⁰Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 102 б.

¹⁰¹ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-у н- никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501/1; Б. 12.

¹⁰²Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-у н- никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501/1; Б. 12.

аёлни ижтимоий ҳаётнинг субъектига айлантиришдек эзгу ният ётади. Бироқ инсон миллион йиллар давом этган тарихий-маданий ва биоантропологик тараққиёт маҳсули, айнан ушбу омиллар аёл ва эркакда ўзига хосликларни, улар ўртасида фарқларни келтириб чиқарганини унутиб бўлмайди.

Тарихий манбалар кўрсатадики, миллион йиллар давомида эркак овчилик, аёл ўчоқни асраш билан шуғулланиб келган. Бу турни асраб қолиш имкони эди, аёл ва эркак ушбу заруриятни инстинктив сезган. Натижада эркак фаолияти ва ҳаётини оиласини зарур неъматлар, озиқ-овқатлар билан таъминлашга, аёл эса оиласини боқиш, ўчоқни асрашга ихтисослашган. Ушбу дифференциация эркакни кўча, дала, қирда кезиб овчилик қилишга, аёлни оиласини тўйдириш, фарзандларининг соғ-саломат ўсишини таъминлашга ўргатган. Шунинг учун ҳам ташқи муҳитни куч билан ўзига итоат эттириш ёки ўзгартириш ташаббускорлари эркаклар, оилани кўриқлайдиган, фарзандларининг қорни тўқ, уст-боши бут яшаши ҳақида қайғурадиган аёллардир.

Хожагий Аҳмад Косоний айни вақтда муридларни куз шабадаси сингари дарахтларнинг япроғини хазон қилиб уларни ғафлат томон етакловчи ноқобил “пирлар” нинг беҳосият нафасларидан огоҳ бўлиш лозимлигини уқтиради¹⁰³. Хожагий Аҳмад Косоний ҳар бир жамиятнинг келажагини унинг қўйнида ўсиб, улғаяётган ёшларнинг етарли ва тўлиқ парвариш олишга боғлиқ деган ғояни илгари сурган. Бу масалада лоқайдлик қилиш ёки эътиборсиз бўлишнинг оқибати ҳалокат эканлигидан огоҳ этганлар.

Дарҳақиқат, глобаллашув даврида энг катта муаммога айланиб бораётган оила муносабатлари нафақат Ғарб давлатларини, балки ўз миллий анъана ва қадриятларига эга Шарқ давлатларини ҳам қийнаб келаётган долзарб муаммога айланиб бормоқда. Жамиятимиз ва давлатимизни шу муаммолар таъсиридан сақлашнинг энг тўғри йўли бу оила фаровонлигини таъминлаш ҳамда фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдир. Бу масалага оид маънавий меросимиздаги қимматли фикрларни ўрганиб, жамоатчиликка етказиш олимларнинг бурчидир. Ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб

¹⁰³ Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-у н-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501/1; В. 12.

мамлакатларида содир бўлган “маданий инқилоб” эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг емирилишига сабаб бўлди. Ҳукмронликни қўлга олган “оммавий маданият” кечаю-кундуз азалий қадриятларни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий, ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан ҳам кулиб келди¹⁰⁴.

Бугунги кунда аёлни оналик вазифасидан буткул маҳрум этишга интилаётган кучлар ҳам пайдо бўлди. Бундай вазият вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида кўп Ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг “хизмати” катта бўлган. Уларнинг фикрича: “Никоҳ бу – қулликнинг бир шакли. Шундай экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир”. Афсус, бу ғоялар таъсирида миллион-миллион ғарблик аёллар оила қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда, оиланинг барча динларда қораланган ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда. Тадқиқотларга кўра, 1970 йилдан ҳозирги вақтгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,5 миллионгача, яъни 100 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ оила истиқомат қилаётгани, бир жинслилар “никоҳи” кўпайиб бораётгани, якка ўзи яшаётган америкаликлар мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этаётгани фикримизни тасдиқлайди¹⁰⁵. Ғарб мамлакатларида “эркинлик” мартабасининг берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқарди, яъни оила-никоҳ муносабатларининг инқироzi ғарбона турмуш тарзининг эски қадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, имон-эътиқод каби фазилатларнинг шахсий манфаатлар кондирилишини ёқловчи қарашлар қуйидагича кўриниш олади:

1. Бир жинслиларнинг никоҳланишига қонун доирасида йўл очиб қўйилгани.
2. Оила қурмай, ёлғиз яшашга интилиш кучлилиги.
3. Хотин эрни ёқтирмай қолгани учун уни ташлаб кетиши¹⁰⁶.

¹⁰⁴ Ҳамдамов Сардорбек Сафар ўғли. “Оммавий маданият”нинг тараққиёт ва миллий маънавиятга таъди. Бухоро. 2012. <https://uz.denemetr.com/>

¹⁰⁵ Ўша манба

¹⁰⁶ Ҳамдамов Сардорбек Сафар ўғли. “Оммавий маданият”нинг тараққиёт ва миллий маънавиятга таъди. Бухоро. 2012. <https://uz.denemetr.com/>

Барчамиз биламизки, Шарқ маданиятида оила муқаддаслиги қадим-қадимдан алоҳида эътиборга олинган мезон ҳисобланган. Дунёдаги тенденцияларнинг ривожланиши натижасида оила муносабатларининг баъзи бир тамойиллари жиддий зарар кўрмоқда. Хусусан глобаллашув ва манфаатлар тўқнашуви асрида яшар эканмиз, давлат қолаверса, миллат эртаси унинг келажаги учун курашмоғимиз даркор. Зеро, Президентимиз “Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса... Бир боланинг йўлдан адашиши-бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан, аввало, шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак. Биз эса, афсуски, улардан ўзимизни олиб қочамиз. Тўйга чақирмаймиз, маросимга чақирмаймиз, у фалончининг акаси ёки ўғли, деб уларнинг нафратини баттар авж олдирамиз, айбсиз одамларни ашаддий душман қиламиз. Натижада нима бўлади? Кулфат камайиш ўрнига кўпаяди. Бошқа оилалар ҳаётига ҳам кириб боради. Бугун шу масалани кўндаланг қўядиган вақт келди,”¹⁰⁷ деб бежизга таъкидламаганлар. Дарҳақиқат, оилада бошланган оддий келишмовчиликлар, вақт ўтиши билан катта бир муаммога айланиши ва оилаларнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Бахтли оила” асарида жамиятдаги ва оилаларимиздаги муаммоларнинг ўрганиб, ёшларимизга катта ҳаётий тажриба етишмаслигини айтиб ўтади. Қолаверса, бутун жамиятнинг дахлсизлиги айнан оиланинг жипслигига боғлиқ. Демак, жамиятдаги оилалар мустаҳкам эмас экан, бу жамият ҳарбий қудрати ва бойлигидан қатъи назар, ҳалокатга маҳкумдир. Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Махдуми Аъзам “Асрор ун-никоҳ” рисоласида оила қуришнинг фарзлиги ҳақида қуйидаги фикрларини таъкидлаб

¹⁰⁷Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик.-Т.:Ўзбекистон, 2017.

ўтади: бу сирлардан айримлари шудирки, Ҳазрати Ҳақ субҳонаху таъоло дунёни яратди, токи дунё маъмур (обод) бўлсин. Шу сабабдан Ҳазрат Одам алайҳиссаломни яратди. Фақатгина Одам алайҳиссаломнинг ўзи билан дунё обод бўлмаслигини инобатга олиб, Ҳазрати Ҳаввони ҳам яратди ва унга жуфт этди, уларни халқнинг касрати ва кўпайиши учун юборди ҳамда муқаддас оят билан никоҳга амру таҳрис (хирсли) этди.

Ислом динида никоҳ қуриш кишининг жинсий қуввати, эркаклик масъулиятини адо эта олишига кўра беш хил бўлади:

1. Фарз. Маҳрга, аёл нафақасига етарли моли бор, хотинга зулм қилмайдиган, уйланмаса, зинога кетиши аниқ, фақат уйланиш билан зинодан сақлана оладиган кишилар учун уйланиш фарздир. Бундай эркаклар уйланмай юрсалар, каттик гуноҳкор бўладилар.

2. Вожиб. Маҳрга, аёл нафақасига етарли моли бор, уйланса, хотинини боқа оладиган, унга зулм қилмайдиган, уйланмаса, зинога кетиш хавфи бор кишилар учун уйланиш вожибдир. Бундай кишилар ҳам уйланмасалар, гуноҳкор бўладилар.

3. Суннат. Маҳрга, аёл нафақасига етарли моли бор, хотинини боқишга қодир, унга зулм қилмайдиган, жинсий муносабатга лаёқатли, уйланмаса ҳам ўзини зинодан сақлай оладиган кишилар учун уйланиш суннатдир. Бундай кишилар уйлансалар, савобга эришадилар, уйланмасалар, гуноҳкор бўлмайдилар.

4. Ҳаром. Маҳрга, аёл нафақасига қурби етмайдиган, уйланса, хотинини боқа олмайдиган, унга зулм қилиши, жинсий лаёқатсизлиги аниқ кишилар учун уйланиш ҳаром. Бундай кишиларнинг уйланиши жоиз эмас. Агар жинсий алоқага қодир бўлса-ю, бироқ етарли маблағи бўлмаса, уйланишга имкон топгунича рўза тутати. Чунки рўза инсонни ножоиз ишлардан сақлайди.

5. Макруҳ. Уйланса, аёлини керакли нарсалар билан таъминлай олмаслик, жинсий алоқага ярамаслик эҳтимоли кўпроқ кишилар учун уйланиш макруҳдир.

Маҳдуми Аъзам “Асрор ун-никоҳ” асарида оилада эр хотин ўртасидаги муносабатга оид қуйидаги фикрни беради: “Билгил, эй садоқатли ўқувчи, банда бу амрнинг давом этиш вақтини

кутмоғи лозим, токи улар ўртасида адолат ўрнатилсин, агарда у адолат қилишдан қўрқса, улардан бирини ихтисор қилиши (қисқартириши) зарур”¹⁰⁸.

Шарқ мамлакатларида: “Эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эркаклар учун сўнггиси бўлишни орзу қилади”¹⁰⁹, деган гап бор. Бунинг маъноси бундай: эр уйланмоқчи бўлган қизнинг аввал бошқа эркак билан бўлмаганини орзу қилади. Хотин эса, “Эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин”, деб орзу қилишидир¹¹⁰. Бу тушунча турли маданиятларда ҳар хил қабул қилинади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёлни тўрт нарса – мол-мулки, насл-насаби, гўзаллиги, дин-диёнатини учун никоҳлаб оладилар. Сен диёнатлисини танла, барака топкур!”, деганлар. Хожаги Аҳмад Косоний фикрича, агар адолат ўрнатиш қўлидан келмаса ва бошқасини танласа, қарши амал қилган бўлади ва ўзини ўз қўли билан улкан ҳалокат гирдобига солган бўлади.

Мазкур сифатлар эркакларга ҳам хос. Зеро, қиз ҳам йигитнинг келишганлиги, бойлиги, обрўси, насабига алданиб қолмай, диёнатли йигитни танлаши керак. Диёнатли, солиҳ йигит жуфт бўлиш учун энг муҳим сифатларга эга саналади. Диёнатли йигит хотинини ҳар томонлама ҳимоя қилади, у билан тотув яшайди, унча-мунча инжиқликларини кўтаради. Энг муҳими, уни яхши кўрса, эъзозлайди. Борди-ю ёмон кўрса, зулм қилмайди. Агар аёл бирга яшашни истамаса, уни қийнаб ушлаб турмайди, йўлини очиб қўяди.

Хожагий Аҳмад Косонийни фикрича, агар аёлларнинг улуғворлигидан заррача сенга маълум бўлган бўлса, уларга асло ҳақорат кўзи билан боқмайсан, зеро айтишган:

Гуфт Пайғамбар, ки: - Зан бар оқилон,

Ғолиб ояд сахт бар соҳибдилон.

Пири ту Ҳақ аст, он маъшук нест,

Холиқ асту гўйе махлуқ нест.

Мазмуни:

Деди Пайғамбар: - Оқилларга аёл,

¹⁰⁸ Ўша жойда

¹⁰⁹ Ҳамдамов Сардорбек Сафар ўғли. “Оммавий маданият”нинг тараккиёт ва миллий маънавиятга таҳдиди. Бухоро. 2012. <https://uz.denemetr.com/>.

¹¹⁰ Ўша манба

Устун келар қаттиқдир покдилларга.
Сенинг пиринг Ҳақ эрур, маъшук эмас,
Холиқдир у гўё махлуқ эмас.

Шу жиҳатдан Ҳазрат Расул с.а.в. буюрган экан: “Хайр кум хайру кум ла ҳавла ва ано хайру кум лиаҳли”. Яъни: “Сизларнинг энг яхшиларинг улдирким, ўз оиласига азизроқдир. Ва мен ўз оиламга ҳаммадан азизроқман”. Имом Ғаззолий “Никоҳ одоби” асарида жуфт танлашда қуйидаги жиҳатларга аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган: Бўлғуси келиннинг дин-диёнатли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳақиқий солиҳа, диёнатли аёлда кейинчалик бошқа ибратли, яхши жиҳатлар ҳам жамулжам бўлади. Яхши ахлоқли бўлиши ҳам муҳим. Зеро, маҳмадона, шаллақи, қаноатсиз, бузуқи аёлдан солиҳ фарзанд дунёга келиши даргумон. Шу боис бўлажак куёвларга миннатни хуш кўрадиган, шахватпараст, молпараст, бесабр, кўча учунгина безанадиган хулқи ёмон қизлар билан оила қурмаслик тавсия этилади.

➤ Келиннинг гўзал, хушрўй бўлиши ҳам зарурий шартлардан саналади. Чунки муҳаббатни алангалатувчи омиллардан бири чехра гўзаллигидир. Кўримсиз аёл чехраси кўнгилни тезда зада қилиши мумкин. Шу билан бирга, гўзаллик диёнат, хушхулқликдан айро бўлмаслиги лозим. Диёнатсиз, бадхулқ аёлнинг чехра гўзаллиги бузуқликка етаклаши хавфи бор.

➤ Аёлнинг насл-насабли бўлиши ҳам муҳим ўрин тутади. Ўзбекчиликда етти аждод суриштирилиши бежиз эмас. Зотан, таг-тугли, зоти асл, диёнатли қизларгина келажақда иффатли, ҳаёли муслима аёл бўлиб, солиҳ, соғлом фарзандларни тарбиялашга қодир бўлади. Бу ўринда наслий касалликларни суриштириш ҳам зарур.

➤ Жуфтликка танланган аёл яқин қариндош бўлмагани маъқул. Чунки шахват қуввати ҳам эҳтиросли назар, эркалашга узвий боғлиқ. Замонавий тиббиёт илми эҳтирослар жўшқинлиги аёлнинг нотанишлигига боғлиқ эканини эътироф этмоқда. Аниқланишича, яқин қариндошлардан қурилган оилалардаги эркакларда “руҳий мижоз сустлиги” дарди анча кўп учрар экан.

Ҳозирда кўп одамлар куёв ва қиз танлашда оқибатини ўйламай иш қилишмоқда. Улар имон - эътиқоди, одоб-ахлоқидан кўра отасининг мансабига, бойлигига учиб

фарзандлари бахтига зомин бўлишмоқда. Ўзбекистон Республикаси [Оила кодекси](#)нинг 57-моддасида (Қариндошлик) кўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича қариндошликнинг яқинлиги қариндошлик даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, невара бобосига, бувисига нисбатан-иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан-учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва улар ўртасида никоҳ таъқиқланади, деб белгиланган¹¹¹.

Хожагий Аҳмад Косоний оилада эркакнинг ҳуқуқи ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. “Ва ёхуд кўп ибодат қилишнинг асоси бўла олади, зеро жамият ибодатхонаси огоҳлик сири ва шариат такозосида бўлса эр дейишган. Яъни, эр ўз хотинига ҳар қандай ҳаракат қилса, бунинг ҳаммаси ибодатдир. Масалан, бирор киши ўйнаш учун ўз хотинининг кўлини ушлайди, қанчалар савоб дейишган ва ё унга қараса худди шундай ва савоб юзасидан у Каъба уйининг устунини ўпган ҳисобланади. Ва агар қучоқласа Каъба уйини қучоқлагандек бўлади, чунки сўзлари бир – бири билан келишади, иккалалари ҳам кечириладилар. Агар бирга чўмилишса ҳар бир қатра сув микдорида уларнинг қилган ишлари дафтарига савоб ёзилади. Кўп вақт шундай бўлса уларнинг бу ишдан мақсади ибодатнинг кўплиги бўлади, чунки уларнинг ҳамма ибодатда катта ғамхўрликлари бор, халқнинг қарашлари нуқсонлидир, шу жиҳатдан бу олий тоифани таъна қиладилар ва ўзларига қиёслайдилар¹¹².

Шарқ мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний «Минерология» асарида оиладаги тинчлик-тотувлик, бахтиёрлик кўпроқ аёллар зиммасига тушишини қуйидагича таъкидлайди: «Эй қизим! Сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олийжаноб бўлади. Осмон шифобахш ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру

¹¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 йилдаги Оила кодексининг 15 моддаси. 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сонли [Қонуни](#) таҳририда Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон)

¹¹² Аҳмад Хожагий Косоний. Асрор-ун-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501/1 ; В. 15

шафқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга канизак бўлсанг, у сенга хизматчи булади. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзларгина эшитсин, ярамайдиган ёки эски либосда ёки юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма¹¹³.

Эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва масъулиятларни ёритишдан олдин ижтимоий ошкор ҳақиқатни баён этиш лозим. Бу, Аллоҳ таоло эркакларни аёлларга нисбатан кўтарган даражадир. Бақара сурасининг 228-оятида шундай дейилган: “Аёллар зиммаларидаги масъулиятларига тенг, инкор этилмас ҳуқуққа эгалар. Эркакларнинг аёлларга нисбатан даражаси бор”.

Бу даража бошқариш, йўналтириш мартабасидир. Бошқариш ҳуқуқи эркакларга берилган. Нисо сурасининг 34-ояти мазмуни бундай: “Эркаклар аёлларга ҳомийдир. Бунинг боиси Аллоҳ таоло эркакларни аёллардан фазилатли қилгани, эркаклар молларидан нафақа беришларидир”.

Эркак аёлдан ақлан, жисман, идрокан кучлидир. Бунга шубҳа йўқ. Эркакларнинг аёллардан ортиқча фазилати ҳеч бир ақлли инсонга махфий эмас.

Махдуми Аъзам “Асрор ун - никоҳ” асарида Пайғамбаримизнинг: “Агар мен бир кишини иккинчи кишига сажда қилишга буюрганимда, эрнинг хотин зиммасида ҳаққи кўп бўлганидан, хотинни эрига сажда қилишга буюрардим,”¹¹⁴ фикрларини келтирган. “Эркаклар аёлларга ҳомийдир”. Бу ҳомийлик аёлларга таълим-тарбия бериш, уларни молиявий таъминлаш, ҳимояга олиш, ғамхўрлик қилиш билан бўлади¹¹⁵, деб таъкид этади мутасаввиф.

Аёл эрига итоат этиши, унинг топшириқларини – Аллоҳнинг амрига зид бўлмаса – бажариши лозим. Аммо эр топшириқлари Аллоҳ амрларига зид бўлса, уни бажармайди. Зеро, Холиққа гуноҳкор бўлган ҳолда махлукқа итоат этилмайди. Лекин эркакларнинг аёллардан афзаллигини, баъзи жоҳиллар ўйлаганидек, эр аёл устидан мутлақ ҳоким, унга истаган нарсасини юклайди, хоҳлаганини буюради, аёлнинг

¹¹³ Арапбаева Д. К., Арапбаева В. К. Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари. Т.: “Замонавий таълим”, 2015. -Б. 68

¹¹⁴ Ахмад Хожагий Косоний. Асрор-ун- никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501/1 ; В. 15

¹¹⁵ Ахмад Хожагий Косоний. Асрор-у н – никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501/1 ; В 16

йўқ, дейишга, эрининг буйруғига қарши чиқишга ҳаққи йўқ, чунки у хато қилса ҳам, золим, қўпол бўлса ҳам, эрдир, деб тушуниш тўғри эмас.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Ганжнома” (Бойлик ҳақида) рисоласида одамзод аслида пок яратилганлиги ҳақида куйидаги фикр берилган: “Эй толиби содиқ, билгилким бизнинг Ҳазрати Пайғамбаримиз с.а.в. шундай буюрадилар: “Кулл мавлуд яъуд ʔало ал - фитрата ал - аслияти абвоҳ яъуддкна ва юнсарона ва ямжассона”, яъни: Аслида Одам фарзандлари тоза ва покизадирлар, худди оппоқ карбосдек, чунки унда ҳеч қандай ранг йўқ. Ундан кейин уларнинг ота – оналари ҳар қайси дин ва миллатда бўлмасинлар шу рангни яратадилар ва ранг ҳар хил одамлардан иборатдур. Яъни, агар фарзанднинг ота–онаси мусулмон бўлса у мусулмондир ва агар насроний (христиан) бўлса, у насронийдир, агар жухуд бўлса у жухуддир. Бу ҳамма зиддиятлар Худо халқининг орасига шу ердан бошланди. Қачон бу ранглар орадан кетса ҳамма келишади ва бошқа ҳеч ким ҳеч киши билан уришмайди¹¹⁶.

Чун ба беранги раси к-он дошти,
Мусо бо Фиръавн доранд ошти.

Мазмуни:

Рангсизликка етсанг тутасан уни,
Мусо Фиръавн ила ярашган куни.

Аллоҳ таоло ўзининг бениҳоя ҳикмати билан бандаларини покланишга чақирган экан, бу покликка ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда риоя қилиш лозим ва лобуддир. Баданни пок тутиш ҳам, уйни тоза тутиш ҳам, табиатни, атроф-муҳитни тоза сақлаш ҳам поклик бўлганидек, ёлғон, ҳасад, ғийбат каби маънавий иллатларни, ўғрилиқ, рибохўрлик, порахўрлик, ичкилибозлик, гиёҳвандлик, одам савдоси, қотиллик, фитна-фасод каби гуноҳларни тарк қилиш ҳам покликдир.

Аҳвол аксинча бўлса, бунинг оқибати қанчалик оғир бўлиши барчага маълум. Замонавий илм-фан ривожини туфайли маълум бўлдики, касалликларнинг деярли барчаси нопоклик туфайли тарқалар экан. Ёмон ниятли одам эса ахийри ўзининг бошини ер экан. Ишлаб чиқариш ва табиий ресурслардан

¹¹⁶ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи букоийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VII; В 16.

фойдаланиш миқдорининг ошиб бориши, атроф-муҳитни ифлосланиши ва турли хил касалликларни келтириб чиқарди. Европа Бубон ўлати ёки қора ўлим билан XIV-асрда тўқнаш келган. Касалликнинг асосий белгилари – бу интоксикация, иситма, ўпканинг зарарланиши, шунингдек лимфа тизимининг шикастланиши. Лимфа тугунларининг яллиғланиши туфайли «бубонлар» пайдо бўлган. Вабонинг асосий манбаи каламушлар бўлиб, уни кемирувчиларда яшайдиган бургалар тарқатишган. Айнан шу даврда ўлат шифокори пайдо бўлди, ҳозирда у арт-маданиятнинг бир қисмига айланган. Ўша пайтлар фақат угина одамларни даволай олишига, ҳеч бўлмаганда азобларини енгиллаштиришига ишонишган. XIX асргача бу касалликнинг тарқалиши фақат Ҳиндистонда қайд этилган. Касаллик иссиқ ҳаво, сув ифлосланиши ва дарёлар атрофида одамлар тўпланиши туфайли тарқалган. 1817 йилдан 1961 йилгача етти та вабо пандемияси бўлган. Касаллик Япония, Сурия, Саудия Арабистони, Туркия, Миср ва Россиядан Европага ўтган. 1961 йилда вабо Африка ва Америкага етиб боради. Ҳолатлар Ғарбий, Жанубий ва Марказий Африка, Гаитида аниқланган. Вабодан 40 миллионга яқин одам вафот этган. Касаллик ўткир овқат ҳазм қилиш бузилиши, кучли сувсизланиш, мушаклар тонусининг бўшашиши ва йўқолиши, мушаклар тиришиши билан ифодаланади. Агар даволанмаса, бир неча соатдан кейин ўлим ҳолати кузатилади. Касаллик чекка аҳоли пунктларида санитария шароитлари ёмонлиги туфайли юзага келади. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили 21 дан 143 минггача одам вабодан вафот этади.

Хожагий Аҳмад Косоний фикрича, “Сен аслида пок эканлигининг билган пайтинг бу ҳамма гуноҳ ва нопоклик сенга бу ердан пайдо бўлган ҳамда сенинг ҳақиқий маҳбубдан узоқлигингга сабаб сенда пайдо бўлган сифатлардирким, унинг чора ва тайёргарлигини қилиш лозим.

Чораи ин чист? Дар хур омадан,
Аз вужуди хеш берун омадан.

Мазмуни:

Бунинг чораси не? Муносиб бўлиш,
Ўз вужудидан ташқари чиқиш.

Бугунги кунда аср вабоси деб номланган даҳшатли касаллик – ОИТС маънавий нопокликдан келиб чиқани фикримизнинг

ёрқин далилидир. Аслида бундай касаллик пайдо бўлишининг ўзи инсон зоти учун шармандалиқдир. Чунки, коинотга парвоз қилаётган, симсиз алоқани кашф қилиб, бутун дунёни улкан ахборот омборига, мулоқот майдонига айлантираётган инсон ўзининг тийиқсиз нафсини жиловлай олмай, ўзининг аслиятига зид бўлган разолат ботқоғига ботиб, оқибатда ота-боболарининг етти ухлаб тушига кирмаган бедаво дардга чалиниб ўтирибди. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз маънавий покликнинг ҳаё, ибодат, иффат каби кўринишларидан узоқлашишнинг ана шундай оқибатларга олиб келиши ҳақида XIV аср муқаддам огоҳлантирган эдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки,

- “Никоҳ” эр-хотин ўртасини боғловчи битим бўлиб, икки инсон ўртасини меҳр-муҳаббат риштаси билан боғловчи, зурриёт қолдиришга ҳамда, бузуқликдан сақлаш йўлидир;

- Хожагий Аҳмад Косоний фикрича, оила қуриш учун ҳар бир киши албатта ўз вақтини кутмоғи, яъни вояга етмаган бўлса, никоҳ ёшига тўлиши ёки бирон касалликка учраган бўлса даволаниб, кейин никоҳга кириш кераклигини таъкидлайди. Оила муқаддас маскан бўлиб, ундан кутилган натижа наслни давом эттириш ва соғлом авлодни вужудга келтириш вазифаси юклатилгандир;

Оилавий муносабатларни тартибга солишда эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиши муҳим аҳамият касб этади.

2.2. “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” (“Фарзанд отасининг сиридир” деган ҳадис шарҳи)” рисоласидаги фарзанд тарбиясига оид фикрларнинг фалсафӣ-ахлоқӣ таҳлили.

Фарзанд–инсон ҳаётининг мазмуни, насл-насабини давом эттирувчиси, оиланинг мустаҳкам занжири. Яхши, солиҳ фарзанд–ота-онанинг бахт-иқболи, икки дунё саодатига етказувчи дилбанди. Фарзандлар «жаннат райҳонлари» деб тавсифланиши бежиз эмас. Аммо у одобли,

яхши фазилатлар соҳиби, итоаткор ва қобил бўлгандагина ота-онасига раҳмат ва бахт-хурсандчилик келтиради.

Президент Ш.М.Мирзиёев фарзандлар тарбияси ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида одоб-ахлоқнинг ўрни катта эканини таъкидлаб: “Ёшларимизга бугуннинг ўзида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Улар нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшлар–бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Яъни эртанги кун кутганимиздек бўлиши учун бугуннинг ўзида ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз зарур”,¹¹⁷ деганлар.

Дарҳақиқат, оила, маҳалла, мактаб болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларимизни чиройли одоб-ахлоқ, яхши таълим-тарбияли инсонлар қилиб вояга етказиш давлат миқёсидаги долзарб масала эканини ҳар биримиз яхши тушунамиз.

Умумбашарий тараққиёт ривожига ва миллий тарихчилигимизга унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг, оила, фарзанд ва унинг тарбияси ҳақида қолдирган мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганмоқ даркор. Шу боис халқимизнинг асраб–авайлаб, ривожлантириб келган қадриятларини тиклаш ва янги жамият қуришга тадбиқ этиш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. “Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, яъни фуқаролик онгини шакллантирмоқда, ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айлантирмоқда”¹¹⁸.

Шайхул раис Абу Али ибн Сино бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Болани тарбиялаш ота–онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота–она тарбиячи бўлиши мумкин.

Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама–якка суҳбатга бўлиш унга насиҳат қилишдир. **Ибн Сино** болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний, ақлий тарбия билан узвий

¹¹⁷ Мирзиёев Ш.М. «Камолот» ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи; 2017 йил 1 июл, Тошкент.

¹¹⁸ Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997. – Б. 140.

бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.¹¹⁹

Жалолиддин Давоний ҳам ота-онанинг болани тарбиялашдаги аҳамиятига кенг тўхталган. Унинг фикрича, фарзанд тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқли, тенг иштирок этиши боланинг яхши хулқ-одоб қоидаларини муайян бир касбни эгаллашига кўмаклашиши илм-фан ва касб-хунар эгаллашининг моддий асоси бўлмиш озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш учун жозибалик кўрсатиши керак¹²⁰.

Ислом дини таълимотида фарзанд Аллоҳ таоло инсонга берган энг улуғ неъматлардан бўлиши баробарида, у омонат ҳамдир. Бу буюк неъматга сазовор бўлган ота-оналар унинг кадрига етишлари, шукрлар айтиб, фарзанд олдидаги ота-оналик бурчларини пухта адо этишлари, яъни унга чиройли исм қўйишлари, яхши таълим-тарбия беришлари ва охир-оқибатда Аллоҳ розилигини топадиган, миллати, Ватани, ота-онасига муносиб ўғил-қиз, тенгдошлари ҳурмати ва муҳаббатини қозонган етук бир инсон бўлиши борасидаги масъулиятли вазифаларини чин ихлос ва садоқат билан адо этишлари лозим бўлади.

Ўзбек халқи тарихида миллатнинг тарбиясига улкан ҳисса қўшган хожагон – нақшбандия таълимотининг пири Хожагий Аҳмад Косоний одоб-ахлоқ, оила, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро муносабатларини ўзининг хос услуби билан ўрганган.

Мутасаввиф ахлоққа оид асарларининг таснифи шуни кўрсатадики, у ахлоққа умумий таъриф бериш билан бирга унинг кўринишлари бўлган оила, никоҳ, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро муносабатларини ҳам таҳлил этган. Хожагий Аҳмад Косонийнинг фарзанд тарбиясини тизимли ўрганган ва шу масалага оид қарашларини энг мукаммал тасвирлаган асарларидан бири «Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи («Ўғил отасининг сиридир») ҳадисининг шарҳидир¹²¹.

¹¹⁹ Ўрол Назар Мустафо. Оилада фарзанд тарбиясида одоб-ахлоқ ўрни. Олий Маҳад, 2017. Б.2.

¹²⁰ Жалолиддин Давоний . Ахлоқи жалолий. Б.135.

¹²¹ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи” таржима, 2020. Б. 3.

Рисола Муҳаммад с.а.в. нинг “Аммо баъд, набий алайҳиссалом айтдилар: “Фарзанд отасининг сиридир”, деган ҳадислари билан бошланади.

Мутасаввиф мазкур ҳадисни қуйидагича таҳлил қилган: Нега мазкур ҳадис “(Аллоҳ) ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур”¹²² оятининг ҳукмига хилоф келмоқда? Айрим ҳолатларда баъзи бир анбиё ва авлиёларнинг фарзандлари ўлик вужуд¹²³да дунёга келса, айрим кофиру зиндикларнинг фарзандлари эса тирик вужуд¹²⁴да дунёга келади. Бутун олам унинг вужудга келганидан бахтиёр бўлган тирик инсон – бу Муҳаммад расулуллоҳдир (У зотга Аллоҳнинг салом ва саловотлари бўлсин). Бутун олам унинг вужудга келганидан бадном бўлган тириклигида ўлик инсон бу Нух алайҳиссаломнинг ўғлидир.

Махдуми Аъзам фикрича, бу “сир”дан мурод – бу Илоҳ руҳи пуфланган одамзоднинг ҳақиқати бўлиб, руҳ пуфланганига ҳеч бир ихтилоф йўқдир. Ҳақ субҳанаҳу ва таъоло аввало Одам қолипига пуфладики, буни Аллоҳ таъолонинг ўзи айтиб: “Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан пуфладим,¹²⁵ деди.

Байт:

Сирри руҳ аз олами Амр асту бас,
“Нафахту фийҳи мир руҳи” нафас.

Мазмуни:

Руҳнинг сирӣ Амр¹²⁶ оламидандир, бас,
“Нафахту фийҳи мир руҳи”дан нафас.

Хожагий Аҳмад Косоний фикрига кўра, фарзанд отадан саробият (нусхаланиш) йўли билан зоҳир бўлади. “Фарзанд

¹²² Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Рум сураси : 19- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 406– б.

¹²³ Ўлик вужуд – шаклан одам вужудига ўхшаса ҳам, иймони ва инсонийлик сифатлари бўлмаган одам назарга олинади.

¹²⁴ Тирик вужуд – ҳақиқий комил инсон вужуди. Махдуми Аъзам инсонларни икки хил: ўлик вужудли ва тирик вужудли деб тафсир этганлар. Рисолада тирик вужуд Муҳаммад с.а.в. Ўлик вужуд Нух а.с нинг ўғли.

¹²⁵ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ҳижр сураси : 29- оят Сод: 72. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 263– б, 457-б.

¹²⁶ Амр- Аллоҳнинг амри билан яратилган бирламчи, абадий ва асосий олам. Қаранг: Наврӯзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласи хусусида/ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод (тўлдирилган қайта нашр) макола, изоҳ, шарҳлар муаллифи ва таржимон Г. Наврӯзова. Т.: “Sano- standart” нашриёти, 2019. 46- б.

отасининг сиридир”нинг ҳақиқати шудир. Шунга кўра, ҳар қандай фарзанд шаксиз, саробдир. Аҳли зоҳирнинг наздида зоҳирий ҳукмга кўра сароб бу оталардан зоҳир бўладиган ҳар қандай сифатлардан бир сифатдир, яъни отадан туғиладиган ҳар қандай бола бу унинг фарзандидир. Ботин унвонига кўра фарзанд бир сувдирки, ундан ҳам ўша нарсалар зоҳир бўлади. Агар унинг хилофи зоҳир бўлса, унда бу фарзанд ундан эмас. Бунга айрим анбиёларнинг фарзандларини, жумладан, Нух алайҳиссаломнинг фарзандини айтиш мумкин. Шундайки, ҳазрат Нух алайҳиссалом тўққиз юз эллик йил ўз қавмини динга даъват қилди, бироқ озгина одамгина унинг динига кирди. Бу қавмдан бисёр ранжлар етганидан ҳазрат Нух алайҳиссалом бу дуони қилдиларки, Аллоҳ таъоло хабар қилади: “Нух айтди: “Эй, Роббим! Ер юзида кофирлардан бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин!”¹²⁷. Яна “Эй, Роббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма, (Меросхўр фарзанд ато эт!) Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан”¹²⁸.

Яъни, отадан туғиладиган ҳар қандай бола бу унинг фарзандидир. Ота-оналар боланинг табиати, хулқ-атвори, оиладаги муҳитга қараб шаклланишини эсдан чиқармасликлари зарур. Уларнинг вазифаси худди тажрибали табибнинг беморга нисбатан муносабатига ўхшаш бўлиши керак. Маълумки, солиҳ фарзандлар осмондан тушмайди. Балки ота-она назоратида оила ичида тарбияланиб, вояга етишади. Болалар ёш вақтларида уларнинг тарбиясига бепарво бўлиш, ёмон кишиларга араллашиб юришларига йўл қўйиш зарарли оқибатларга олиб келади. Бола қалби ҳар турли ёзув ёзиш мумкин бўлган бир оқ қоғозга ўхшайди. Унга мумкин қадар яхши ёзувлар ёзиш керак. Улар тарбиясига астойдил киришиш, яхши кишилар бўлиб етишишлари учун бутун имкониятларни ишга солиш зарур,¹²⁹ деб ўйлайман.

¹²⁷ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Нух сураси: 26- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 571– б.

¹²⁸ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Анбиё сураси: 89- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 329– б. Анбиё сурасининг бу оятидаги сўзлар Закариё томонидан айtilган бўлиб, Нух пайғамбар дуосига маънодош бўлгани учун келтирилган бўлса керак.

¹²⁹ Абдулазиз Бобамирзаев. Баркамол авлод – ота-она, жамият саодати ва зийнати. 2017. <http://muslim.uz/>

Ота-она хизматини қилиб, уларни эъзозлаган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди. Динимизда ота-она ва ёши улуғ кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, баракотли дуоларини олишга буюрилган. Афсуски, ҳаётимизда ота-она ҳаққини танимай, уни адо этишга лоқайд қарайдиган фарзандлар ҳам учраб туради. “*Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи*” рисола шундай фарзандларга айтиш ҳақ-ҳуқуқларни ва уни адо этиш улуғ ажр-савобларга муяссар этишини танитади. Шундай экан, ёши катталарнинг тер тўкиб, рўзғор ташвиши деб юришини, қўлларидан келадиган барча яхшиликларни фақат фарзандларига аташини яхши билишимиз, бунинг шукронаси учун уларни ранжитмай, айтганларини бажаришимиз, отамиз чарчаган пайтда ва унга ёрдам керак бўлганида дарҳол кўмакка шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташга ҳамиша шай туришимиз лозим. Адолат мезони уларнинг бу ғамхўрлик ва хизматларини муносиб тақдирлашни тақозо этади. Зеро, Аллоҳ таборака ва таоло марҳамат қилиб айтади: “Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир”¹³⁰.

Мутасаввиф «Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи» (“Ўғил отасининг сиридир” ҳадис шарҳи) рисоласида Ҳақ субҳанаҳу таъоло ҳазрат Нухнинг дуосини ижобат қилиб, унга “Қавминг устига бир тўфон қиламан. Ўзинг ва ўз аҳлинг учун бир кема ясагинки, у билан сен ва сенинг аҳлинг тўфондан нажот топасизлар”, дея ишорат қилди. Ҳазрат Нух ўзининг оиласи ва ўзига иймон келтирганлар билан у кемага чиқдилар. Фақат унинг фарзандларидан биттаси ёмонларга қўшилганидан, ўз отасининг миллати ва динидан чиққанлигидан кемага чиқмади. Ҳазрат Нух ҳарчанд муболағалар қилиб, ялиниб-ёлворса ҳам, ҳужжатлар келтирса ҳам барибир кирмади. Тўфон воқеъ бўлиб, кофир қавм ва ўша фарзандни ҳам ҳалок қилди.

Байт:

Писари Нух бо бадон бинишаст,
Хонадони нуббуваташ гум шуд.

Таржимаси:

Нухнинг ўғли ёмонлар бирла ўтириб-тургач,

¹³⁰ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Нух сураси : 26- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 571– б.

Нубувват, яъни пайғамбарликнинг хонадони аҳлидан ҳисобланмади.

Шундан сўнг ҳазрат Нух муножот қилдиларки, “Эй, Раббул олабийн, Сенинг ўзинг “Сен ва сенинг аҳлинг тўфондан нажот топади”, деган эдинг, фарзандим ҳалок бўлдику?!”. “(Аллоҳ) деди Эй, Нух! У сенинг аҳлингдан эмас¹³¹!”, яъни у сенинг аҳлинг эмас эди, агар аҳлингдан бўлса эди, барча сифатларда сен каби бўлар эди.

Шу жойдан маълум бўладики, ботин аҳлининг йўли билан қараганда фарзанд барча сифатларда отасининг сифатлари билан сифатланмагунича “отасининг сири” бўлиб қолади.

Маҳдуми Аъзам рисоласида айтган сифатлардан мурод марзий (яъни, Аллоҳ рози) бўлган умумий сифатлардирки, бу сифатлар анбиёю авлиёларда бўлади. Ғайри марзий (яъни Аллоҳ рози бўлмаган) сифатлар бу фосиқларнинг ва кофирларнинг сифатларидир. Марзий сифатлар нубувват, валоят, зуҳд ва тақво каби нек сифатлар бўлиб, улар анбиё ва авлиёларда бўлади¹³².

Носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан “маънавий касал”¹³³ инсонлар шаклланади. Бугунги ғоят таҳликали, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий инқирозлар кучайиб бораётган, ёшлар онгини ёлғон ва сохта ахборот хуружлари дахл қилаётган, уларнинг қалбига дин ниқоби остидаги зарарли таъсирлар ортиб бораётган хатарли замонда барчамиздан уйғоқлик, хушёрлик талаб қилинади. **Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олийжаноб фазилатларни намоён эта билиши керак.** Чунки бола табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Шунинг учун унинг атрофдагилари ўз одатлари билан баъзан ўзлари сезмаган ҳолда уларга таъсир қиладилар. Оиладаги кўпол муносабатлар, кўп ёлғон гапириш, ёқимсиз хатти-ҳаракат бола тарбиясига салбий таъсир қиладиган носоғлом муҳитни келтириб чиқаради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг муомаласи муҳим ўрин тутди. Бола ота-она томонидан

¹³¹ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Ҳуд сураси :46 - оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 227– 6.

¹³² Маҳдуми Аъзам инсонларга хос сифатларни иккига бўлган: 1 Марзий, яъни Аллоҳ рози бўлган умумий сифатлар бўлиб, набий, валий зуҳд ва тақво аҳлига хос бўлган эзгу сифатлардир. 2 Ғайри марзий, яъни Аллоҳ рози бўлмаган сифатлар бўлиб, бу фосиқлар ва кофирларга хос иллатлардир.

¹³³ Д.А.Ибрагимов. Оила, маҳалла ва ўқув муассасаларида ёшлар тарбияси. Техника. Технология. Инженерия. 2017.

кўпол, дағал сўзлар эшитиб, **калтак еб катта бўлса**, бу унинг табиатига салбий таъсир қилади. Бу эса ўз навбатида оиладаги носоғлом муҳитда тарбияланаётган боладан **“маънавий касал”** инсонлар шаклланади. Улар эса жамият маънавиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оилада ота-оналар **“оммавий маданият”** таъсирига берилиб кетиши оқибатида фарзандларнинг тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Албатта бола тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам камраб оладиган мураккаб жараёндир¹³⁴. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяди.

Пайғамбаримиз: *“Бирортангиз ўз фарзандларингизни тартиб-интизомга ўргатса, бу ҳар кун садақа бергандан яхшироқдир”*, дея марҳамат қилганлар. Болаларни интизомга ўргатиш оила мустаҳкамлигига асос бўлади. Ислон шу маънода ота-оналарни ўз фарзандларига соғлом тарбия беришга рағбатлантиради. Ҳадиси Шарифда *“Фарзандларингизни ҳурмат қилинг ва уларни яхши хулқ билан хулқлантиринг,”*- деб таъкидланган.

“Танбиху-л-уламо” рисоласида Махдуми Аъзам одам болалари аслида пок-покиза бўлганлар, дейилади. Уларда ҳеч ҳам занг ва ғубор (улар қалбида) бўлмаган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сўзи кабидир: «Ҳар бир туғилган бола аслий фитратда (фитрий иймонда) туғилур. Лекин унинг ота-онаси уни яхудий қилади, мажусий қилади ва (ёки) насроний қилади». Яъни, одам фарзандларидан бўлган ҳар бир бола худди ҳеч қандай ранги йўқ оппоқ кийгизга ўхшаш аслида пок ва покизадир. Лекин оталар ва оналар воситасида (унда) ранглар

¹³⁴ Д.А.Ибрагимов. Оила, маҳалла ва ўқув муассасаларида ёшлар тарбияси. Техника. Технология. Инженерия. 2017.

пайдо қилинади. Бу ҳар хил динлардир. Агар ота насроний бўлса, улар ҳам насроний бўлурлар¹³⁵.

Насаблардан юзага келадиган хўжазодалик, саййидзодалик ва касблардан юзага келадиган муллолик, котиблик, деҳқонлик исмлари бор. Бунга ўхшаш мисол ва сифатларнинг ҳаммаси борлиқ вужуди бўлиб қолган, уларнинг иззатиға, таъзимиға сабаб бўлиб қолган. Ана шулар сабабли улар бошқаларға нисбатан такаббурлик ва тафаззулик (афзаллик) қиладилар¹³⁶.

Фанда шажара, силсила, насабнома каби талаффузи турлича, зоҳирий мазмуни ҳам бир-бириға мутлақо ўхшамайдиган сўзлар мавжуд. Аммо кишилик жамиятининг тарихий ривожланиши жараёнида улар ўзаро яқинлашиб, мазмунида муштараклик хусусиятлари пайдо бўлди. Бу учала сўз ҳам арабийдир. Шажара-ўзбек тилида дарахт, силсила-занжир маъноларини англатади. Насабнома эса арабий ва форсий сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган. Яъни, насаб-наслий келиб чиқишини ифодаласа, нома-битик мазмунини билдиради.

Уларнинг тарихий ривожланиш жараёнидаги умумий мазмуни - бирорта сулола ё ижтимоий ҳаётдаги бирор мактабнинг муайян давр оралиғидаги давомийлигини англатишидир. Бу борада уларнинг маъноси ўзаро яқин бўлса-да, ушбу мазмунни ифодалаш даражаси турличадир.

Шажара – асосан ҳукмдор, саййидлар (Расуллуллоҳ авлодлари) ё машҳур тарихий шахсларнинг наслий келиб чиқишини кўрсатади. У айрим ҳолларда алоҳида ҳужжат шаклида мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Насл – насабнинг бу хилда ифода этилишини алломалар дарахтга (шажараға) ўхшатишган.

Насабнома – шажара каби маънони англатса-да, у кейинчалик китоб тарзида берилга бошланган ва кўпроқ шажаралар тўпламиға ўхшаб кетади.

Демак, пайғамбарлар ва валийларнинг фарзандлари ўз оталарининг сифатлари билан сифатланган бўладилар. Аҳли зоҳир бунга Пайғамбар (с.а.в.)нинг “Ҳар бир тақводор ва покдомон менинг оиламдандир,” деган ҳадисларини далил қилиб келтирадилар.

¹³⁵ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. Танбех ул-уламо. қўлёзма, Б. 7.

¹³⁶ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. Танбех ул-уламо. қўлёзма, Б. 8.

Хожагий Аҳмад Косоний “Фарзанд отасининг сиридир” ҳадисида зоҳирӣ ва ботинӣ мақсад борлигини таъкидлайди. Яъни, пайғамбаримиз с.а.в. бир куни ўз асҳоблари билан ўтириб, илоҳий маърифат ва ҳақиқатлардан уларга сўзлаб ўтирганларида, улар мажлисига зоҳир аҳлидан бўлган бир жамоат келди. Уларга ишорат орқали: “Идишларингиз оғзини беркитинглар”, дедилар, яъни сизлар зеҳнларингиз истеъдодини кўрсатманглар, негаки, бу келган жамоат сизларга айтилаётган бу гапларни тушуниш қобилиятига эга эмаслар, дедилар. Ва мажлисдагилар: “Идишларингиз оғзини беркитинглар” дейилгандаги маънони тушундилар ва зеҳнлари кўзасининг оғзини заҳарли жониворлар заҳрини солмасинлар дея беркитдилар.¹³⁷

Ҳозирги пайтда дунёдаги мустанлакачи кучлар маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, юртимиз ёшлари онига маънавиятимиз ва ахлоқимизга бутунлай ёт бўлган энг хатарли иллатларни, “оммавий маданият”ни сингдириши, агар олди олинмаса, катта фитналарга сабаб бўлиши аниқ. Ёшларни худбин ва лоқайд кимсаларга айлантириш, ахлоқий бузуқлик ва зўравонликни тарғиб қилиш, бир жинслилар никоҳи, зино, гиёҳвандлик, бузуқлик, нима қилиб бўлса ҳам, қандай йўл билан бўлса ҳам фақат бойлик орттиришга интилиш, оилани тан олмаслик, кўнгил истаган ишларни қилиш орқали “эркин бўлиш” каби зарарли иллатларни ёйишни асосий мақсад қилиб олган бу жирканч “маданият” жамият маънавий ҳаётини издан чиқаради, ёшлар ахлоқига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат: “Ким бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга катта душманлик қилган бўлади”, деган эди.¹³⁸

Саъдий Шерозийнинг фикрича, оила, боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У маъсулиятли тарбиячидир. Ота ўз болаларини тарбиялаши, ўқитиши, ҳунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтириши керак.

Бола қобилиятли ва камқобилиятли бўлиши мумкин. Қобилият ўз–ўзидан ривожланмайди. Боланинг ривожланиши

¹³⁷ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи. қўлёзма, 2020.

¹³⁸ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. 1915. Б. 24

учун болани тарбиялаш керак, тарбия бўлмаса, боладаги қобилият сўнади.

Мутасаввиф “Танбиҳу-л-уламо” (Уламоларни огоҳлантириш) асарида ҳазрати Румийнинг қуйидаги фикрлари келтирган:

Ҳеч касро аз ҳуд ангизе нашуд,
Ҳеч кас аз хештан чизе нашуд.
Донаи ангуру тухми харбуза,
То бар деҳқон нарафт чизе нашуд.
То бурун наоранд оҳанро зи санг,
Ҳеч оҳан ханжари тезе нашуд.
Ҳеч ҳалвойи нашуд устои кор,
Токи шогирди шакаррези нашуд.
Номи Мавлоно нашуд Султони ишқ,
То ғуломи Шамси Табризий нашуд¹³⁹.

Мазмуни: Ҳеч ким ўзидан ўзи улуғ бўлган эмас, ҳеч ким ўзидан ўзи бир нарса бўлган эмас. Узум донаси билан тарвуз тухми деҳқонга етмасидан туриб бир нарса бўлмаган. То тошдан, харсанглардан темирни чиқармагунча, ҳеч бир темир ўткир ханжар бўлган эмас. Ҳеч бир иш устасини шакаррез-шакар қуёвчига шогирд бўлмасидан ҳалвойи (ҳалвопаз уста) дейилмади. Шамс Табризийга шогирд бўлмагунча, Мавлононинг номи Султони ишқ бўлмади.

Аммо ота-онанинг вазифаси фарзандни дунёга келтиришдангина иборат, деган фикр тўғри эмас. Улар фарзандларини ақлли, эс-ҳушли, жисмонан соғлом, диёнатли, эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида қайғуришлари керак.

Оталар оилани моддий жихатдан таъминлаш мақсадида кўпинча кўчада бўлиб, фарзанд тарбияси билан эса асосан оналар шуғулланадилар. Шунинг учун фарзанд тарбияси фақат онанинг вазифасидек туюлиб қолган. Шариат кўрсатмасига кўра, фарзандлар тарбиясида ота-она бирдек масъулдир. Пайғамбаримиз отанинг фарзандига қиладиган моддий таъминотидан маънавий таъминоти устун туришини таъкидлаб шундай марҳамат

¹³⁹Ҳожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. “Шарҳи ал-валаду сирру абийҳи. Қўлёзма. 2020. В. 4.

қилганлар: “Ҳеч бир ота ўз фарзандига гўзал одобдан ҳам ортиқроқ ҳадя бера олмайди”¹⁴⁰.

Ота–оналарга характерини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбияни боланинг ёшлигидан бошлашни тавсия этилади, характер шакллангач, болага таъсир этмайди.

Хожагий Аҳмад Косоний фикрича, ҳар қандай фарзанд ҳақиқатдан бир саробдир. Аммо зоҳир йўлидан борилса, барча сифатларда мос бўлмаса, сароб эмасдир. Мана шулардан келиб чиқиб, кўрмайсанми анбиёю авлиё ва солиҳларнинг фарзандлари номарзий сифатлар билан сифатланган бўлсалар ҳам уларнинг шариати бўйича фарзанддирлар ва ўз оталарининг молидан мерос оладилар.

Мутасаввиф рисолада Ҳақ субҳанаҳу ва таъолонинг Нух билан содир қилган воқеасидан ва Пайғамбаримиз с.а.в.нинг “Ҳар бир тақводор ва покдомон менинг оиламдандир” деганларидан кўзланган мақсад бу пайғамбарлару валийлар ва бошқаларнинг фарзандларига улар оталарига мансубликдан мағрурланиб кетмасликлари, ибодатларида ва Аллоҳ таолога бандачиликларида қўрқиб туришлари зарурлигини таъкидлайди. Чунончи, Ҳазрат Пайғамбар с.а.в. ҳазрат Фотимага шундай дедилар: “Эй, фарзанд, амалингни қил, менинг пайғамбарлигимга суянма. Дунё амал уйидир, охираат эса қурб уйидир. Карам ҳасабу насаб ёки бошқа нарсалар эмас, қурбга қараб бўлур”¹⁴¹.

Махдуми Аъзамнинг фикрича, инсоннинг гавҳари ва ҳақиқати айтиб ўтилганидек, ўша илоҳий руҳдир. У мутлақ инсон авлодида бўлади. Марзий (Оллоҳ рози бўлган) сифатлар эса шу гавҳарга (яъни, руҳга) тегишлидир. Улар эгалланади ва суҳбатдошлар суҳбатида ҳосил бўлади. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло кимга ўз зоти шарифининг васлига етишда тавфиқ берса, уни ўзининг солиҳ бандалари ва дўстлари суҳбатига мушарраф қилур ва ундай киши номарзий сифатлардан марзий сифатларга эга бўладилар. Мурзий сифатлар, Махдуми Аъзам фикрича, икки йўл билан ҳосил бўлади. Биринчиси бундай сифатлар эгалланади, яъни инсоннинг ўз устига ишлаб, ўқиб, изланиб, тажрибалар ва амалиётлар ўтказиб ўрганади. Иккинчиси

¹⁴⁰ Абдулазиз Бобамирзаев. Баркамол авлод – ота-она, жамият саодати вазийнати. 2017. <http://muslim.uz/>

¹⁴¹ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. “Шарҳи ал-валаду сирру абийхи” таржима, 2020.

сухбатдошлар сухбатидан ҳосил бўлади. Яхши ҳамсухбат мурзий сифатларни эгаллашга ёрдам беради. Махдуми Аъзамнинг фикридан маълум бўладики, мурзий сифатлар шаклланишининг ички ва ташқи омиллари бор. Ички омил инсонни яхши, мақбул фазилатларни эгаллашидир, ташқи омил ҳам сухбатдошлар сухбатининг таъсири.

Назм:

Саги асҳоби Каҳф рўзи чанд,
Пайи некон гирифту мардум шуд.
Писари Нух бо бадон бинишаст,
Хонадони нубувваташ гум шуд.

Мазмуни:

Асҳоби Каҳфнинг¹⁴² ити бир неча кун,
Яхшилар бирла қолиб, мардум саналди.
Нухнинг ўғли эса ёмонлар билан бирга бўлиб,
Нубувват, яъни пайғамбарлик хонадонидан чиқарилди.

Махдуми Аъзам бу билан фарзандларимизнинг кимлар билан ҳамсухбат бўлишларига эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди. Қуръони Каримда марҳамат қилинганидек, Қаҳор асҳобига бир чет қўшилиб, яхшилар шарофатидан эъзозга муносиб бўлди. Аммо Нухдек пайғамбарнинг ўғли ёмонлар билан ҳамсухбат бўлиб нубувват хонадони файзу барокатидан махрум бўлди. Махдуми Аъзам шунинг учун ёзади:

Назм:

Бо бадон кам нишин, ки сухбати бад,
Гарчи поки туро палид кунад.
Офтобе бад ин бузургиро,
Зарраи абр нопадид кунад.

Мазмуни:

Ёмонлар билан кам ўтирки, ёмоннинг сухбати,
Гарчи пок бўлсангда, сени ифлос қилур.
Офтобни кўр, қанча катта бўлмасин,
Бир парча булут уни тўсиб қўяди.

Инсониятнинг яралиш тарихидан биламизки, Иблис Аллоҳнинг амрига итоат этмаслик оқибатида илоҳий даргоҳдан қувилиб, тавқи лаънатга йўлиқди. Қуръони Карим сураларида бу масала жуда кўп баён қилиниб, кибрли кишиларни шайтонга

¹⁴² Қуръони Каримдаги 18- сура – Каҳф сурасида баён этилган воқега ишоратдир. Унда ит иймонли инсонлар билан қўшилиб ҳақиқий инсон сифатида шаклланади.

ўхшаб қолишдан огоҳлантирилган. Чунки, кибрли киши ҳам Ҳаққа бўйсунмайди, пайғамбарлар олиб келган ҳукмларни инкор этади, одамларни камситиб, ҳақларини поймол қилади. Тарбия давомида тарихий мисолларни келтириш, Мусо алайҳиссалом даврларида Фиръавн, Ҳомон ва Қорун молу давлатлари ва обрў-эътиборларига ортиқча ишониб, унинг қулига айландилар, одамларга паст назар билан қарадилар. Оқибатда уларнинг ҳаёти аянчли якун топди. Бирови денгизга ғарқ бўлди, яна бирини ер ютди. Ҳеч бири илоҳий жазодан четда қолмади. Ақлли мўмин банда камтарлик ва тавозеъни ўзига шиор билади, кибр тўнини ечиб, асло унга яқин йўламайди. Шунда Аллоҳ таоло унинг дунё ва охиратдаги мартабасини янада кўтариб, ўзига махбуб бандалар қаторига қўшади. Зеро, улуғлик камтарликда, хорлик кибр иллатига яширинганини кўпчилик билмайди. Доно халқимиз: “Камтарга камол, манманга завол”, деб бежиз айтмаган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, инсон ўз нафсидан мамнун бўлиб, манмансираб, кеккайиши катта мусибатдир. Афсуски, кўпчилик ўз қалбини мана шу иллатга мубтало бўлганини ва ундан қутулиш осон эмаслигини англамай ҳаётини бой беради. Қалби бундай иллатлардан покланмас экан, комил мўмин бўлиши ва қиёматда нажот топиши мушкулдир.

Махдуми Аъзамнинг фарзанд тарбиясига оид фикрларидан маълум бўладики, ҳар бир оилада фарзандлар ўз инсонлик моҳиятини англашлари лозим. Махдуми Аъзам аввало инсон ким? Нега яралган? Уни яратишдан мурод нима? каби масалаларни ёритиб, кейин тана ва руҳ алоқадорлигига тўхталган. Мутасаввиф фикрича, инсон руҳ ва бадандан ташкил топган борлиқ, бўлиб, унинг руҳи “илоҳий руҳдан” ва “раббоний Амр”дан, бадани эса “тупроқ” ва “балчик” дан ташкил топган. Латиф руҳ жисм бўлган баданга киргач, моддий унсурларнинг унга кўрсатган таъсирлари натижасида асл софлигига зиён етказганлигидан ва инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлиги ва руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўриш тасаввуфнинг ғоясидир,¹⁴³ деган фикр мавжуд.

¹⁴³ Мохир Из. Тасаввуф. Истанбул. 1969. – Б.73.

Эркин Зойиров “Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари” монографиясида инсон танасида икки хил руҳ борлигини айтади.¹⁴⁴ Биринчи ҳайвоний руҳ, иккинчи илоҳий руҳ. Бу ҳақда “Рисолаи вужудия” да шундай ёзилган: “Дар дунё бaсе руҳи ҳайвониро дар вaж oдaм хaлқ кaрд вa ўрo мaркaби oдaм coхт. Oдaмрo бaр вaй cувoр кaрд вa фиристодaш бaр рўйи дунё тo мулoҳaзa кунaд дар дунё. Бубинaдки дунё муносиби он aст, ки мaҳбуби ҳaқиқи дар вaй жилвa кунaд, яъни бaъзe жoйҳoя, ки нoмунoсиб бoшaд, яъни бaлaнд – пaсти дoштa бoшaд муносиб cзaд”¹⁴⁵. Мaзмуни: “Ҳaқ тaолo ҳайвоний руҳни oдaм учун яратди. Уни oдaмнинг мaркaби (яъни, миниб юриш кyрoли) қилди. Oдaмни унгa миндирди вa уни дунёгa тoмoн юбoрди тoким, у мулoҳaзa қилсинки, дунё ҳaқиқий мaҳбуб (Ҳaқ) жилвa қилишгa aрзийдими, кaерлaр нoмунoсиб бўлcа пaст ми, бaлaндми уни тўғрилacин”. Яъни инсон бу дунёдаги ишларни илоҳий сифaтгa мoслaштириш учун яралган. Бу ишларни бaжaриш учун унгa мaркaб қилиб, яъни миниб юриб, ундaн фoйдaлaниш учун вoситa қилиб ҳайвоний руҳ яралган.

Руҳ, қaдимги фaйлacуфлaр вa мaшoйиxлaримиз нуктaи нaзaричa, бир лaтиф (ғoят нoзик) жaвҳaр бўлибгинa, бaлки oлий бир мaънaвий қуввaт, Aмр oлaмидaн нузул бўлгaн рaҳмoний нaфaс. Тириклик, ҳaёт жисм вa руҳ тaнoсубиятидaн ҳoсил бўлгaн¹⁴⁶. Яъни тaнaнинг руҳ билaн ҳaмoҳaнглигини унинг ривoжлaниш жaрaёнидa кузaтиш мумкин.

Бугун инсоният ғoявий урушлaр, мaънaвий зиддиятлaр, зўрaвoн ғoялaрнинг дунёни қaйтa тaқсимлaшгa қaратилгaн ўйинлaри aвж oлгaн шиддaтли зaмoндa яшaяпти. Ҳoзир зулм, истибдoд вa бузғунчилик, aхлоқcизлик вa мaънaвий инқирoзлaр ҳaр қaчoнгидaн ҳaм хaтaрли тус oлмoқдa. Фaрзaндлaримиз бундaй шарoитлaрдa ҳaмишa хушёр вa oғoҳ бўлиши, дўст ким, душмaн кимлигини яхши aжрaтa олиши, ғaнимлaр фитнacигa учмaслиги, ёвуз кучлaр қўлидa қўғирчoққa aйлaниб, юртдошлaри ҳaётигa зoмин бўлмaсликлaри зaрур. Чунки ҳaр бир

¹⁴⁴ Эркин Зойиров . Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари. Тошкент. 2015.

Б.73

¹⁴⁵ Ҳoжaгий Aҳмaд Кocоний. Рисoлaи вужудия. Тaрж. Э.Зoйирoв.Мaхдуми Aъзамнинг фaлcaфий вa ижтимоий –cиёcий қaрaшлaри. Тoшкeнт. 2015. Б.75

¹⁴⁶ Комилов.Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Т., 1999 . – Б. 13.

фитна ва фасод иш ортида ғаразли мақсадлар, манфаатдор кучлар турганини бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

Маънавий меросимиз инсонларни доимо бир-бирлари билан яхши муомалада бўлишга буюрар экан, уларнинг муомалалари беғараз бўлиши учун ўзаро муносабатлари ҳам самимий бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Зеро, инсон табиатан киришимли қилиб яратилган, яъни у жамиятдан ажралиб, алоҳида яшай олмайди. Шундай экан, ҳақиқий инсон диний ва дунёвий ишларини тўғри йўлга қўйишда солиҳ дўсту ёрларни танлаши лозим. Модомики, инсон кундалик ҳаётида ўзгалар билан биргаликда ҳаёт кечирар, суҳбатлар қураар, ҳамроҳ бўлиб йўл юрар экан, у доимо оқилу доно кишиларга яқин юришга интилмоғи, жоҳилу нодонлардан узоқлашишга ҳаракатда бўлмоғи зарур.

Буюк ватандошимиз шайхур раис Абу Али ибн Сино ёш авлод тарбиясининг ибтидоси қандай ва нималар билан бўлиши ҳақида қуйидагиларни айтган эди: «Ёш бола бошланғич таълим ва тилга доир қоидаларни ёд олганидан кейин у машғул бўлиши мумкин бўлган касб-ҳунар ва санъатга мойиллигига қараб, уни шунга йўллаймиз. Агар у котибликни хоҳласа, тил, хат ёзиш, нутқ сўзлаш ва одамлар билан муомала қилиш кабиларга далолат қиламиз. Албатта, бу ўринда, боланинг майли аҳамиятга эга».¹⁴⁷

Махдуми Аъзам фикрича, одам фарзандларидан ҳеч ким Ҳақ субҳанаҳунинг дўстлари суҳбатини ва дўстлигини топмасдан туриб, бирон амал билан нубувват ва валоят мақомини тополмас.

Суҳбати пир беҳ з - ҳар амал аст,

Ҳар ки бо ў нишист дар амал аст.

Ин амал ҳам чу рози пинҳон аст,

Раҳбарат сўйи васли жонон аст.

Мазмуни:

Пирнинг суҳбати ҳар қандай амалдан яхшироқдир,

Ким у билан бирга ўтирса, демак у амалдадир.

Бу амал пинҳоний розга ўхшайди,

Демак, раҳбаринг жонон васли сари етаклабди.

¹⁴⁷ Мухаммад Ати, Исломи тарбия ва унинг фалсафаси. Б. 197.

Фарзанд тарбияси ва унинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ота-оналар билан бирдай масъул бўлган устозларнинг ҳам аҳамияти юқори даражададир.

Махдуми Аъзам фарзандларимизни ким билан ҳамсухбат бўлаётганига эътибор бериш лозимлиги ва яхшилар суҳбатига уларни жалб этиш кераклигини айтадилар. Мутасаввиф яхши одам билан ҳамсухбат бўлган ит ҳам валий бўлиши мумкинлигини қуйидагича баён этадилар:

Назм:

Як назар афкан, ки мустасно шавам 3- абнойи жинс,
Саг, ки шуд манзури Нажмиддин, сагонро сарвар аст.

Мазмуни:

Бир назар ташлаки, борлиғимдан йўқ бўлай,
Бир итга Нажмиддин (Кубро)¹⁴⁸ назари тушгач, итларнинг сарварига айланди.

Махдуми Аъзам таъкидлайдилар: “Билсангки, ёмонлар ва бадкирдорлар суҳбатидан қочишнинг имкони бор—шердан қочгандек қоч” ва бу мисраларни ёзадилар:

Маснавий:

3 - аблахон бигурез, чун Исо гурехт,
Суҳбати аҳмақ баса хунҳо, ки рехт.

Мазмуни:

Аблахлардан Исо қандай қочган бўлса, шундай қоч,
Аҳмоқнинг суҳбатида бўлмоқлик қанча қонлар тўкилишга сабаб бўлган.

Бу фикрлар асосида Махдуми Аъзам “Неклар ва некмардонлар суҳбати билан бўл” деган хулосани ҳукм қиладилар.

Назм:

Аз ин бедавлатон бигурез чун тир,
Саро дар кўйи соҳибдавлатон гир.

Мазмуни:

Бу бедавлатлардан камон ўқи камондан қочганидек қоч,
Йўлни соҳибдавлатлар томон бур.

Бола ота-она қўлида бир омонатдир. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қилади, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва

¹⁴⁸ Нажмиддин Кубро (1145- 1221) Кубравия таълимотининг асосчиси. Итга назари тушгани учун итнинг ҳолати тўла ўзгаради шунинг учун ҳам уни Шайх Валиятарош деб эъзозлайдилар.

ўргатилса, дунё ва охиратда саодатли бўлади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Накшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз”,¹⁴⁹ деганларида фарзанд тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини таъкидлаб ўтганлар.

Махдуми Аъзам фикрича, Ҳақ субҳанаҳу ва таъоло одамзотни шундай қобил қилиб яратганки, у ким билан ўтирса, унинг рангини олиб, уни қабул қилади. Шунинг учун агар қўлингдан келса, ошиқлар билан, орифлар билан ва ғолиблар билан бирга ўтириб тургин, улардек бўласан, деб таъкидлайди.

Бо ошиқон нишин ҳам ошиқий гузин,
Бо он ки, нест ошиқ як дам машав қарин!

Мазмуни:

Ошиқлар билан ўтир ҳам ошиқликни танла,
Кимки, ошиқ эмас, унга бир дам бўлсада яқин борма!

Бу борада мутасаввиф куйидаги насиҳатни беради, зинҳор ва зинҳор бу тоифадан бўлмаганлар билан суҳбатлашмасинлар. Уларнинг суҳбати бу йўл толибларини ҳалок қилувчи захри қотилдир.

Нахуст насиҳати пири суҳбат ин ҳарф аст:
«Ки аз мусоҳиби ножинс эҳтироз кунед!».

Мазмуни:

Суҳбатдош пирнинг биринчи насиҳати шудир:
«Ножинс суҳбатидан сақланинг!»¹⁵⁰.

Демак, ёшлар юриш-туриш, салом бериш одобларига риоя этишлари, ўзларидан катталар ҳузурида оёқларини чалиштириб ўтирмасликлари, сергап ва сўкувчи бўлмасликлари, беҳаё сўзларни айтмасликлари, хусусан, ёмон хулқли тенгдошларига аралашидан эҳтиёт бўлишлари керак. Одамлар орасида, ҳатто толиби илмлар ўртасида бўлаётган адоват, кин, ҳасад, риё, одамлар эътиборини қозониш каби иллатларга қарасангиз, унинг

¹⁴⁹ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1999 йил, 6 март.

¹⁵⁰ Хожа Аҳмад Жалолиддин Косоний Махдуми Аъзам. Шарҳи ал-валаду сирру абийхи. Қўлёзма, 2020. Б.5

негизи битта – дунё ҳаётига ҳирс, охират ҳаётидан ғофиллик турганини кўрасиз. Баъзилар эса ёмон иллатлар қалбга ин қуриб, ғовлаб кетса ҳам уни сезмасликга олиб, яхши хислатлар соҳибиман, деб юраверади.

Аллоҳ Одам ва Момо Ҳавони яратгач, уни ер юзига истиқомат қилиши учун юборди. Шайтонни эса итоатсизлигидан лаънатланади. Яна йўлдан урувчи, пасткаш нафси ҳам яратиб, уни ҳикмату маслаҳат билан Одамнинг вужудига жойлади. Бу икки душман одабийлардан кўпчилигини тўғри йўлдан оздириб, ўзларининг йўлига солишда ғолиб бўлдилар. Бу борада Махдуми Аъзам қуйидаги байтни келтиради:

Ҳар киро дев аз каримон во бурд,
Бекаш монд, сарашро ў хўрд¹⁵¹.

Мазмуни:

Кимники, шайтон карамли инсонлар сафидан чиқарса,
Уни бекас қилиб, охири бошини ейди.

Нафс инсоннинг моддий ўзлиги “мен”лигидир. “Бизнинг ботинимизда бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир”¹⁵². Профессор Г.Н.Наврўзова нафс тарбияси натижасида инсон камолотини қуйидагича изоҳлайди:

1. **Нафси аммора** – ваҳший ҳайвон ҳолатида
2. **Нафси лаввома** – ҳайвон ҳолатида
3. **Нафси мулҳима** – шайтон ҳолатида.
4. **Нафси мутмаинна** – малакий сифат.
5. **Нафси розия** – валий.
6. **Нафси марзия** – набий.
7. **Нафси сафия** – илоҳий¹⁵³.

Мустақиллик йилларида болалар ва ўсмирларнинг жисмонан соғлом бақувват, руҳан ва маънан етук инсон бўлиб улғайишлари учун катта эътибор қаратилаётгани ҳаммамизга маълум. Биринчи Президентимиз ташаббуслари билан 2005 йил «Оналар ва болалар йили», 2008

¹⁵¹ Ўша асар Б. 6.

¹⁵² Жўшон. М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 1998. – Б.13.

¹⁵³ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. -Т.: 2002. – Б 28 - 29.

йил «Ёшлар йили», 2010 йил эса «Баркамол авлод йили», 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди ва Давлат дастурлари доирасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. 2017 йил 20 сентябрь куни бўлиб ўтган БМТ нинг 72 сессиясида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”¹⁵⁴ деганда, бутун дунё ҳамжамияти орасида биринчилардан бўлиб Халқаро ёшлар конвенциясини яратиш лойиҳасини илгари суришлари ҳам муҳим омилдир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун катта эътибор қаратилаётгани ҳаммамизга маълум. Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. Ёшлар иттифоқи, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» ҳамда «Мактаб таълими» каби жамғармаларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Айнан давлатимизда раҳбари томонидан юқоридаги ғояларни ҳисобга олган ҳолда 2019 йил 20 мартда “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус” лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Президент Ш.М.Мирзиёев “турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини

154 Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. 2017 йил.

мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди” деб таъкидлаганлар.¹⁵⁵

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Махдуми Аъзамнинг “Шарҳи Ал-валаду сирру абийҳи” асаридаги фарзандлар тарбияси учун фойдали асосий ғоялар қуйидагилардир:

- Хожагий Аҳмад Косонийнинг фикрича, ота-онанинг вазифаси фарзандини дунёга келтиришдангина иборат эмас, балки ўз фарзандларини жисмонан соғлом, эс-хушли, диёнатли, эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашдир;

- Махдуми Аъзамнинг фикрича, фарзанд-отасининг сири эканлиги шундаким, ота ундаги илоҳий фазилатларни ривожлантириши, шакллантириши лозим;

- Мутасаввиф фарзандларимиз марзий хислатлар, яъни Аллоҳ рози бўладиган илоҳий сифатлар руҳида тарбиялаш ва номурзий сифатлардан асраш кераклигини уқтиради;

- Махдуми Аъзам фарзандларнинг марзий сифатларни эгаллаши учун ички имконият, унга берилган руҳий ва жисмоний қувват асосида уни эгаллашнинг талабда бўлиши ва ташқи имконият яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиш кераклигини уқтиради;

- Махдуми Аъзам фарзандларимизни ёмон ҳамсуҳбатлар таъсиридан асраш лозимлигини таъкидлайди. Бу ғоялар ҳозирги кун учун жуда долзарбдир;

- Фарзанд тарбияси шунчаки, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир.

- Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада болага эстетик, жисмоний тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифати ва кўламини ошириш талабини қўяди.

¹⁵⁵ Мирзиёев Ш.М. Ёшлар масаласида ўтказилган видеоселектор, нутқи, Т.: 19.03.2019

III. БОБ. МАХДУМИ АЪЗАМНИНГ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ

Ушбу бобда Нақшбандия таълимоти назариётчиси Махдуми Аъзамнинг оила фаровонлиги асослари, инсон унинг генезиси масалалари тизимли ўрганилиб ва шу масалага оид асарларидан бири “Рисолаи шайбийя” (Кексалик ҳақида рисола) таржима ҳамда таҳлил этилган. Асарда оила фаровонлигини мустаҳкамлашда инсоннинг болалик, ёшлик ва кексалик давларидаги ўрни ҳамда тарбияси ҳақида маълумотлар берилган.

Ислом таълимотида тарғиб қилувчи фазилатларидан бири, оила фаровонлигини таъминлашдаги асосий мезонлардан ёши катталарнинг қадрини билиш, кексаларни улуғлаш, ҳақларига риоя қилиш, улар билан камоли одоб билан муомала қилиш ва уларни эъзозлашдан иборатлиги ёритилган. Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларини, эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандларини, тарбиялаган шогирдлари улуғлаган. Зеро, умрнинг узунлиги унда қилинган яхшиликлар салмоғига қараб фойдали бўлиши тўғрисидаги ғоялари таҳлил этилган.

Шу билан бирга ёшлар ва қариялар, яъни, ота-она ҳамда фарзанд, эру-хотин, ака-ука, қавму-қариндошлар орасидаги меҳр-муҳаббат, оқибат жамият тараққиётидаги муҳим омил эканлиги таҳлил этилган. Тасаввуф таълимотида инсон қалби ва руҳий камолоти масаласи асосий тадқиқот объекти ҳисобланиб, унда бу масала жуда чуқур ва кенг ўрганилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлиб, тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари тўғрисида кенг таҳлил берилган.

3.1. Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик ҳақида рисола”) асарининг оилани мустаҳкамлашдаги аҳамияти.

Инсон зотини давом эттириш ва болаларни тарбиялаш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишда оиланинг ўрни муҳимдир. Оила аҳли аҳил, дўст, каттаю кичик ўзаро ҳурматда бўлса бу оила мустаҳкам ва фаровон бўлади.

Президент Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳар бир

инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифа ҳам халқчил, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш, фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини кафолатлаш саналади. Бундай жамият пойдеворини эса, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади. Шу боис юртимизда оилага мунтазам равишда ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ҳамда маънавий кўмак бериш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Нақшбандия таълимоти назариётчиси Махдуми Аъзамнинг оила аъзоларининг даражалари, уларнинг генезиси масалаларини ёритган, тизимли ўрганган ва шу масалага оид қарашларини энг мукаммал тасвирлаган асарларидан бири “Рисолаи шайбийя” (Кексалик ҳақида рисола) ҳисобланади. Асарда оила фаровонлигини мустаҳкамлашда инсоннинг болалик, ёшлик ва кексалик даврларидаги ўрни ҳамда тарбияси ҳақида маълумотлар берилган.

Мутасаввиф фикрича, одамзодга халқ бўлмоқлик адвор¹⁵⁶ ва атворидан насиба етгандан сўнг кавн (мавжудлик, борлик) ва фасод оламида унинг унсурий (тўрт унсурдан яралган) суратининг зуҳури уч даражада бўлади. Булар болалик, ёшлик ва кексаликдир.

Демак, Махдуми Аъзам инсон умрини қуйидаги болалик, ёшлик ва кексалик даражаларига бўлади¹⁵⁷. Буни илмий тилда қуйидагича тавсиф этиш мумкин:

1. Сабийлик, норасидалик. Бу мавсум гўдакликдан то 15 ёшга етгунча ўтадиган умрдан иборатдир.

2. Йигитлик, ўсмирлик мавсуми. Бунинг интиҳоси то 35 ёшга тўлгунча.

3. Ўрта ёшлик мавсуми. Бунинг миқдори то 50 ёшга етгунча.

¹⁵⁶ Адвор араб тилидан олинган бўлиб, давр сўзининг кўплигидир. Адвор – даврлар маъносини англатади. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 30-б.

¹⁵⁷ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 1

4. Кексайиш мавсуми. Бунинг интиҳоси то 70 ёшга киргунча.

5. Қарилик даври. Бунга 70 ёшдан кейинги умр киради¹⁵⁸.

Инсон дунёга келар экан, дастлаб жуда заиф ва нимжон бўлади. Аста-секин улғайиб, қувватга тўлади. Махдуми Аъзам фикрича, биринчи даража гўдакликда жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзини англаш ва камолот касб этишда заифлик ва нуқсон устун бўлади. Шунинг учун бу даражада одам ақлнинг барча масъулиятдан озод ва шариатнинг барча «кун ва макун»лари («қил ва қилма», яъни буйруқ ва қайтариқлари) дан фориғ бўлади. У вужуд оламига боғлиқлигидан қурбдан узоқ, адам оламига муносабат билдиришдан холи, табиат сурати билан қоришиқ ғафлатда бўлади. Оқиллар бу даврларини хайратда қийналган ва муҳаббат ипи билан боғланган давр деб, бошларидан ўтказган ҳолларини эслаб, «Кошки, яна ўша мартабамга ва ўша ҳолимга қайтсам эди»¹⁵⁹, деб орзу қиладилар.

Йиллар ўтиб ёшига ёш кўшилган сари яна қуввати кетиб, заиф бўлиб қолади. Бу ҳақда Қуръони Каримда бундай дейилган: “Аллоҳ шундай зотдирки, сизларни заиф нарсадан (бир томчи сувдан) яратди, сўнгра (сизларга) заифликдан кейин (қувват пайдо) қилди. Сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қариликни (пайдо) қилди. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Билимдон ва Қудратлидир”¹⁶⁰.

Бу дунёда инсонни қилган яхшиликларини, эккан дарахтлари, вояга етказган фарзандларини, тарбиялаган шогирдлари улуғлайди. Инсон дунёга келиб, яқинлари, оила аъзолари ва атрофини ўраб турган ёр-дўстлари билан бирга умргузаронлик қилади. Кечаги гўдак бугун йигит. Вақт ўтиши билан ёшлик ҳам бевафо дўст сингари ташлаб кетади уни. Бу ҳаёт қонуни. Аммо инсон мана шу умри давомида қанча кўп яхшилик қилса, савоб захирасини кўпайтурса, ана шу ҳақиқий ютуғидир. Зеро, умрнинг узунлиги унда қилинган яхшиликлар салмоғига қараб фойдали бўлади. Бу ғояни Махдуми Аъзам “Рисолаи фанойия” (“Фано рисоласи”) сида ҳам батафсил ёритиб, дунёнинг бебақолиги, ундаги барча нарсаларнинг

¹⁵⁸ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 1

¹⁵⁹ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 2

¹⁶⁰ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Рум сураси : 54- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 406 б.

фонийлиги, инсонга умр ҳам ўлчаб берилганлиги, шунинг учун дунёга ортиқча муҳаббат қўймаслик, балки боқий ҳаёт маскани саналмиш охират учун кўпроқ хайрли ишлар қилиб қолиш зарурлигини таъкидлайди.¹⁶¹

Инсон абадий дунё умидида яшамоғи, бу фоний дунё икир-чикирлари билан ўралашиб қолмаслиги, ғафлат ва ғофилликни тарк этиши, вақтинча ҳузур-ҳаловатлар, ҳою ҳаваслар илинжида, инсонни ёмонликдан завқлантирадиган нафс-нафси аммора тузоғига тушиб қолмасдан, Аллоҳ амрига бўйсунити лозим бўлади. Фано бўлиш ибораси, аслида, инсонларнинг ўткинчи ҳаёт ташвишларидан озод бўлишини, маънавий ахлоқий покланишни, илоҳий амрни тўла-тўқис ва бажонудил бажарилишини билдиради¹⁶².

Инсон дунёда фақат мавжуд бўлиб қолмасдан, балки у ўз-ўзини англайди. Инсоннинг ўзини англаш жараёни оиладан бошланади. Инсон ўзи яшаётган дунёни билади ва унга таъсир қилади; инсон умри давомида дунёни ва ўзини ўзлаштириб, ўзгартириб боради; маънавий ижодиётда иштирок этади. Инсон бунда, аввало ўз борлигини билиш учун, ўз борлиғи учун қайғуради. У бир бутун борлиқ тизимида ўзининг зиддиятли ролини англаб олиши, ўз борлиғи ва дунё борлиғи олдида ўз масъулияти, жавобгарлиғини сезиши, ҳис қилиши муҳимдир.

Махдуми Аъзам “Рисолаи шайбийя” асарида оқиллик ва ғофилликни қуйидагича тушунтиради:

Байт

پيشتر از مرتبه عاقلی

Пештар аз ма ртабаи оқили

Ғофили бувад хуш он ғофили

Мазмуни:

Оқиллик мартабасидан олдинроқ,

Ғофиллик эди, хуш ўша ғофиллик¹⁶³.

Яъни, оқил киши роҳатни севиб, талабдан холи бўлишдек ғофилликни истамайди.

Маълумки, дунё ҳаёти ҳар бир инсонга берилган ўткинчи синов муддатидир. Ундаги ҳар бир кун, соат, дақиқа ва ҳатто

¹⁶¹ Хожাগий Аҳмад Косоний. Рисолаи фаноийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXVIII – В. 7

¹⁶² Ўша қўлёзма. В. 8

¹⁶³ Аҳмад Хожাগий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 3

сония инсон учун кўп фойда келтирадиган ғанимат бир фурсатдир, бунда инсон онадан туғилиб, вафот этгунча охират учун саъй-ҳаракат қилади. Умр бўйи қилган яхши амаллари эвазига савоб, ёмон амаллари учун гуноҳ ёзилиб турадиган бир муддатдир. Ёшлик ва ўспиринлик даври эса ҳаётнинг энг жўшқин ва ғанимат даври ҳисобланиб, унда тана аъзолари куч-қувватга тўлган ва ҳаракатлар жўшқин бўлиб, киши кўп ютуқларни қўлга киритиши мумкин бўлади. Ёшлик даври ғаниматлиги ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай марҳамат қилганлар: “Ёшлик, ўспиринлик даврини кексайиб, мункиллаб қолишдан аввал ғанимат билинг ва бўш вақтни бирор иш билан машғул бўлиб қолишдан олдин ғанимат билинг!”

Бу тамойил ва қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур тасаввурлар оиладан шакллантирилса, ёшлар онги, тарбияси, уларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида жиддий ижобий ўзгаришлар ясаши шубҳасиз. Қолаверса, оилада ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга инновацион ёндашув жамиятнинг маънавий-ахлоқий, таълим-тарбия тараққиётида муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда¹⁶⁴. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “... юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади”, деган фикрлари ёш авлод тарбиясига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ масъулиятли ва бефарқ бўлмасликни талаб этади¹⁶⁵.

Махдуми Аъзам инсон ҳаётининг иккинчи даражаси бўлган ёшликни одам умрининг хулосасини ясовчиси ва ўтказган вақтининг танқидчисидирки, бу даражада барча жисмоний ва ақлий қувватлари мўътадил, идроки жойида, камолотга эришишга тайёр, нафсини камолга етказишга қобилиятли, умрининг қуёши бошининг тепасига келган, куни энди ярмига

¹⁶⁴ Давронова Д.С. Оилада ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш тизимига инновацион ёндашув муҳим ижтимоий масала сифатида. Замоновий таълим. 2017. Б. 24

¹⁶⁵ Давронова Д.С. Оилада ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш тизимига инновацион ёндашув муҳим ижтимоий масала сифатида. Замоновий таълим. 2017. Б. 25

борган, комронлиги устувор бўлган даврдир, деб тушунтиради¹⁶⁶.

Оилада урф-одатлар, анъаналар туғма ҳис-туйғу сифатида эмас, балки аجدодлардан мерос сифатида ёшларга ўтиб, уларнинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Тарбиянинг ижтимоий моҳияти ҳам шундаки, ҳар бир даврнинг кекса авлоди меҳнат ва кураш жараёнида ҳамда турмуш синовлари, ҳаётини тажрибалари асосида бой мерос тўплаб боради, кейинги авлод эса уни ижобий ўрганиб, ривожлантириши керак. Бу пайтда унга агар бахтиёр бўлса, ҳар қандай ишни бажаради ва агар иши муваффақият топса, мурод келинчагини қучоғига олади, яъни мақсади ҳосил бўлади. Бу даражада ҳар қандай орзу-умид қилган бўлса, эришадиган ва хоотири тасалли топадиган, ҳаёли завқ берадиган ва вақти нақд бўлган даврдир.

Байт:

مرا امید وصال تو زنده میدارد

ذکر نه صدر هم هجر تست سم هلاک

Маро умеди васли ту зинда медорад,

Зикр на садр ҳам ҳажри туст сам ҳалок.¹⁶⁷

Мазмуни:

Висолингга етишмоқлик умиди мени тирик сақлайди, ҳаёт беради,

Сени ёд этмасам бир дам, бу ҳижрон мени ҳалок этади.

Ёшликда қилинган ишлар пухта ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам юртнинг келажаги, унинг мустаҳкамлиги, куч-қудрати ва тараққиёти юрт ёшларининг салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Оилада болалар тарбиясида ҳаётини тўғри ташкил этиш, уларни ҳар дақиқадан унумли фойдаланишга ўргатиш, шахсий намуна кўрсатиш орқали, ўз-ўзини тарбиялашни йўлга қўйиш муҳимдир. Шахснинг ўз-ўзини билиши асосида унинг жамиятдаги ўрни қадрланади. Бу ўринда ўз-ўзини тарбиялаш муҳим ўрин эгаллайди. Бу каби тарбияланган ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданият даражаси ҳам юқори бўлади. Бу сифатлар жамиятдаги ижтимоий қатлам вакилларида турли даражада кўринади ва биз бунда улуғ алломалар, буюк тарихий шахслардан намуна оламиз ва улар мисолида ёшларнинг ғоявий-

¹⁶⁶ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 3

¹⁶⁷ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 4

сиёсий маданиятини шакллантирамиз, ижтимоий ҳаётга тайёрлаймиз.

Ана шу мақсад йўлида, оила ва ота-она зиммасига: фарзандларимизда дунёда бўлаётган ҳодисаларини фикрда акс эттириб, кучли характерга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ўз тенгдошларини мақсад-муддао сари етаклайдиган, теран тафаккур қила оладиган, ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш, яъни, янги Ўзбекистонни ривожлантириш вазифалари қўйилади.

Махдуми Аъзам фикрича, одам ҳаётининг мояси (асоси) мақсадни қачон қўлга киритиш умидидадир. Мақсад ва талаб болаликдан шаклланиб, ёшликда бу йўлда жидду жаҳд билан ҳаракат қилинади. Ёшлик даражаларида инсон суратда тағофул¹⁶⁸, нодонлик каби ғафлатга жуда кўп дучор бўлади. Бунда дунё ҳаёти фириб бериб, кеча ва кундуз макр қилади. Ғафлат пардаси қалинлашиб, қулоғу ҳушини ибрат олишдан тўсади. Қулоғи эшитишдан, кўзи кўришдан тангу тор қолиб, бунинг тадбирини қилиш ва чора кўриш фурсати қўлдан бой берилади. Мастлик ва ғурур уйқусидан бош кўтаролмай турганида ногоҳ ёшлик туни қоронғулиги тугаб, кексалик тонги оқариб бошлайди ва ўрин алмашади.

Таъкидлаш жоизки, ХХІ асрда маънавий қашшоқлик, мустабид тузум асоратларидан қутулдик, дея оламиз, бироқ унинг ўрнига “оммавий маданият”, худбинлик, эгоизм, “ахборот хуружи”, “миллатчилик” каби янги ҳафв-хатарлар кўпайиб бормокда. Бу эса ёшларимиз тарбиясига янада масъулиятни талаб қилиши, моддийликдан маънавийлик сари интилишимиз зарурлигини кўрсатади. Айнан бугун, ёшларни “алдов” йўллари билан ўз таъсир доирасига олиш сиёсати янги асрда йўқолмаган, балки ўзининг позициясини ўзгартирганлигига гувоҳ бўламиз.

Муҳаммаджон Қуроновнинг фикрича, “Маънавиятга четдан бўладиган салбий ва ўта салбий таъсирлар бор ва бўлади. Яқин келажакда бу хавф-хатарлар камаяди, деб ўйлаш, камида – соддадиллик, росмана айтганда–жинояткорона бепарволик бўлар”¹⁶⁹. Дарҳақиқат, ташқаридан келадиган ахборот хуружларию-тахдидларни тўхтатиш, ёшлар онгида ҳуқуқий,

¹⁶⁸ Тағофул – билиб - билмасликка солиш. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санаът нашриёти, 1972. 604-б.

¹⁶⁹ Қуронов М. Мафкуравий тахдидлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: «Академия», 2008. Б. 17-18.

ғоявий-сиёсий онг ва маданиятни янада ривожлантириш тизимини такомиллаштиришимиз, ҳар бир маълумотни ақл тарозисида ўлчашни ўргатишимиз, дўст ва душманни фарқлашни ўргатишимиз лозим. Бу талаб оилаларни ижтимоий трансформация жараёнида ҳаётга уйғун қараш муаммосини муҳим қилиб қўймоқда. Айнан оила ёш авлодни шакллантиришга фаол таъсир этадиган асосий ижтимоий институт ҳисобланади. Ёшларга тарбия бериш бу фақатгина ота-она ёки мураббийнинг иши эмас, балки ўз келажагига бефарқ бўлмаган инсонлар ишидир.

Махдуми Аъзам “Рисолаи шайбийя” асарида болалик тўғрисида қуйидаги фикрни келтиради: “менга ҳали бу икки даража ҳосил бўлмаган болалик давримда кексалик ва ёшликнинг қандайлигини ва унда қилиниши лозим бўладиган ишларни билмас эдим. Ёшлик ўзи нима, ундан кимлар қандай баҳраманд бўлиши керак. Ёшлик даври етиб, ҳолини кўрсатганда эса уни таҳқиқ қилиб билганим шу бўлдики, унинг ўтмиш ва келажак деган икки тарафидан бошқа нарсаси йўқ экан.”¹⁷⁰

میند انم که زندگانی چیست
 کامرانی چه جوانی چیست
 روزگار خوشی کرا گویند
 دل خوش در جهان گجا جویند
 وصل با کام دل چه می باشد
 کام کار از جهان که می باشد
 آنکه او دیده چهره مقصود
 کیست در عالم که خواهد بود
 آنکه مقصود یافت در عالم
 که بود ربا به أعلم

Минадонам, ки зиндаги чист?
 Комрони чист, жавони чист?
 Рўзгор хуш киро гўянд?
 Дилхуш дар жаҳон кужо жўянд?
 Васл бо ком дил чи мебошад?
 Комкор аз жаҳон ки мебошад?
 Он, ки ў дида чехрайи мақсуд.
 Кист дар олам, ки ҳоҳад буд?

¹⁷⁰ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 7

Он, ки мақсуд ёт дар олам,
Ки бувад раббано ба аълам.

Мазмуни:

Билмайман, тириклик ўзи нимадир?
Бахт ўзи нимаю ёшлик нимадир?
Рўзғори хуш кимни айтарлар?
Дили хуш жаҳонда кимни изларлар?
Дил истагила висолга етиш нима?
Жаҳондан истаганини олганлар ким?
Мақсадининг юзини кўрган пайтида
Ким у хоҳлаганини қилолган?
Ким бу оламда истаганини топибди
Уни Парвардигоримиз билади¹⁷¹.

Оиладаги ёшлар ҳамиша катталардан ўрнатқ олиши керак. Ҳатто олдингиларнинг хатолари ҳам кейингилар учун аччиқ сабоқ бўлиб хизмат қилиши лозим, чунки тарбияда шахс намунасининг ўрни каттадир. Одамда бошқа бир одамнинг яхши фазилатларига интилиш мавжуд. Махдуми Аъзам ёшликни хушҳоллик айёмидир-дейди. Бироқ, унда тавфиқ ёр бўлмаса, узундан узоқ умидлар, ботил орзулар, бўлмағур хаёллар ва ёлғон ваъдалар димоғни қитиқлаб, янгилари кетидан яна янгиси ва илиғи кетидан иссиғи келаверадиған айёмдир. Бир йўлдан юрса ва бир манзилга етса ва бир мақомда тўхтасаю висолга етмаса, маҳбуб юзини кўрмаса. Шундай бўлгач, дил нимага қарор қилсин ва хотир нима билан тасалли топсин?. Агар маҳбуб бир манзилда бўлсаю қаёққа боришни билмаса, унга сафар қилиш иштиёқи бўлмаса, у манзилга қандай етсин? Манзилга етмай йўл ўртасида оёғи толиб, дили ҳалок бўлиб, ҳасратлар билан нолиб қолади. Бу жойда матлуб ўзи эгаллаб турган мақомидан тушади ва пастлайди. Вақтда адашиб, ўзини Удир дейдиған манзилда жойлашиб, ўзини шундай мақомда кўрадики, “Иннаҳу ъала кулли шайъин қодир” “Зеро, У барча ишга қодирдир”¹⁷².

Инсон бу ёруғ оламда яшар экан, ўз умрини мазмунли ўтказишга, эзгу ва хайрли ишлар қилишга бахшида этади. Мана шу эзгу ишлари энг аввало унинг ўзидан кейинги амалларини

¹⁷¹ Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 8

¹⁷² Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. Фусиллат сураси: 39- оят. Таржимон ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. Тошкент: “Тошент Ислон университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. 481 – б.

давом эттирадиган издошлари, шогирдлари, фарзандлари зиммасига қолади. Лекин ҳамма инсонлар ҳам яхшилик ва эзгулик билан ном қолдира олмайди. Бунинг учун оила муҳити соғлом, мустаҳкам бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: “ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”¹⁷³.

Махдуми Аъзам инсон ҳаётининг учинчи даражаси бўлган кексаликни “бу бедаво дард етганидир”, - дейди. Яъни, моя хамирига (вужудда, инсон танасида) юзлаб заифлигу нотавонлик пайдо бўлганидир. Бу болаликдаги заифликка ўхшасада, унда бу заифлик давосига ишонч бор эди ва қувват кундан кунга зиёда бўлар эди. Бу заифликда эса қувват адам (йўқлик) га юзланар ва вужуддан қувватнинг кета бошлаши умиднинг белини синдирар, талабнинг оёғини боғлар. Махдуми Аъзам ёзадиларким, Махдумимиз ва муршидимиз Мавлоно Муҳаммад ал-Қози¹⁷⁴ айтганларидек:

Байт:

آنرا که به بند عشق اسیری کردند
در عهد شباب دستگیری کردند
صد علت بی علاج بیتابی ضعف
در هم بسر شته نام پیری کردند

Онро-ки ба банди ишқ асири карданд,
Дар аҳд шабоб (ёши) дасгири карданд.
Сад иллат беилож бетобе, заъф,
Дар ҳам бесаришта ном пири карданд.

Мазмуни:

Кимники қилсалар ўшал ишққа асир,
Қилсинлар ўшал ёшлигида бўлиб дастгир.
Юз иллатла бетобу ноилож қолур,
Буларни ҳаммасини кексалик деган ном бердилар.

¹⁷³ И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008.

¹⁷⁴ Мавлоно Муҳаммад ал- Қози - Хожа Убайдуллоҳнинг муриди ва издоши, Нақшбандия тариқатининг атокли шайхларидан бири, XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган, “Силсилат ул-орифин”, “Ҳукмдорларга ўғитлар” каби асарлар муаллифи.

Қариш-қарилик, яъни ёш улғая бориши билан организмда пайдо бўладиган ўзгаришларнинг қонуний тарзда рўй бериш жараёнидир. Умуман олганда, бугунги кунда қарилик муаммоларини ҳар томонлама ўрганадиган турли фан соҳалари пайдо бўлди ва улар жадал ривожланмоқда. Хусусан, дунё аҳолиси сонининг қариялар ҳисобига ошиши “Геронтология” фанининг ривожланишини янада тезлаштирди.

Кексалик даври болалик ва ёшлик давридек ҳаётнинг босқичларидан бири саналади. Фақат фарқ шундаки, болалик ва ёшлик даври куч-қудрат ва қувватдан тўла бўлса, аммо кексалик даври эса жисмоний фаолият мезонининг камайиши ва куч-қудратнинг заифланиши билан юзма-юз бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1982 йилда кексаларнинг Бутунжаҳон кенгашини ташкил этди ва кексалар учун халқаро бир кунни белгилаш учун бир лойиҳани тақдим этди. 1990 йилда бу кенгаш октябрь ойининг биринчи кунини кексаларни ҳурмат-эҳтиром қилиш ва уларнинг мушкулотларини ҳал этиш йўлида ҳаракат қилиш учун Халқаро кексалар куни деб эълон қилди.

Хожагий Аҳмад Косоний “Рисолаи шайбийя” да ёшликда инсоннинг ҳаёти ва мақсадни қуйидагича таҳлил қилади: бу даражаларда суратда гўзаллик, маънода нодонлик каби ғафлатга жуда кўп дучор бўлади. Бунда дунё ҳаёти фириб бериб, кеча ва кундуз макр қилади. Ғафлат пардаси қалинлашиб, ақлни ибрат олишдан тўсади. Қулоғи эшитишдан кўзи кўришдан қолиб, бунинг тадбирини қилиш ва чора кўриш фурсати кўлдан бой берилади. Мастлик ва ғурур уйқусидан бош кўтаролмай турганида ногоҳ ёшлик туни қоронғулиги тугаб, кексалик тонги оқариб бошлайди ва ўрин алмашади,¹⁷⁵ деган фикрини баён этган.

بسالها شب و صلی گر اتفاق افتد
شفق فرو نشد هصبجدم کند آغاز

Басолҳо шаби васли гар иттифоқ афтод,
Шафақ фуру нашуда ҳам субҳидам кунад оғоз.

Мазмуни:

Йиллар ўтиб, висол туни энди юз кўрсатай деганда,
Ҳали шафақ кетмай туриб, тонг оқара бошлар.

¹⁷⁵ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 8

Кексалик – одам ҳаётининг инсоний хислатларини энг теран даражада акс эттирадиган, ҳаётнинг моҳиятини яхши англаган даври, қолаверса умр сарҳисоби. Келгуси авлоднинг келажагини ўйлайдиган, амалга оширишга улгурмаган эзгу орзу-истакларини келгуси авлодлардан умид қиладиган, уларда шунга муносиб хислатларни тарбиялашни кўзлайдиган даври. Шунинг учун кексалар ҳар бир миллатда ҳурмат қилиниб, давраларнинг тўридан жой олишади. Ёшлар уларнинг ҳаёт хотираларини севиб тинглашади ва ўзига хос сабоқ олишади.

Хожагий Аҳмад Косоний рисоладан мақсад инсон умрининг даражаларини иншо қилмоқликдирки, кексалик вақтида бошимга ажиб бир кун келди ва ғариб бир ҳайронлик тушти. Бу фақир нима қиларини билмай қолди. Болалик қаерга кетдию, ёшлик қаёққа ўтди?! Кексалик етди! Во вайло, во ҳасрато, бу нимадир ва қандай умрдир?! Ё ҳаёлий шаробми ё тушми?!- деб куйидаги байтни келтирган:

جوانى نشد و زندگانی نماند
جهان کوهمان چون جوانى نماند
جوانى بود خوبى آدمى
چو خوبى رود کى بود خرمى

Жавони нашуд ва зиндагони намонд,
Жаҳон куҳамон чун жавони намонд.
Жавони бувад хуби одами,
Чу хуби равад кай бувад хуррами¹⁷⁶.

Мазмуни:

Тириклик қолмагай ёшлик бўлмагач,
Жаҳон даричаси ёпилгай ёшлик бўлмагач.
Ёшлик одамзоднинг энг яхши даври,
Хуррамлик кетгай яхшилик бўлмагач.

Ҳасан Басрий ҳазратлари демишлар: “Қуёшнинг ҳар ботишида бир парча камайишинг бор....”, яъни, инсон тақдирига шу ажиб уммоннинг бир соҳилидан наригисига ўтиш битилган. Қизиғи шундаки, бу уммондан эсон-омон ва соғу саломат ҳолда ўтиб олиш осон эмас. Бунинг учун маълум даражада иқтидор, малака, илм ва моддий озуқа бўлиши зарур. Йўлга тушган киши қаршисида довул кўтарилиб, ҳар тарафда тўлқинлар ғужғон ўйнаб, эмин-эркин сузиб ўтишга халақит беради, қолаверса,

¹⁷⁶ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 8

уммонга ғарқ бўлиш хавфи ҳам йўқ эмас. Шу боис, ҳаёт сирли ва жумбоқ деб қаралади. Ривоятга кўра, Жаброил алайҳиссалом Нух алайҳиссаломдан: “Эй узоқ умр кўрган набий, дунё ҳақида нима дейсан?”, деб сўради. Нух алайҳиссалом: “У икки эшикли уйга ўхшайди, биридан кириб, бошқасидан чиқдим”,¹⁷⁷ – деб жавоб берибди. Бир эшик – туғилиш бўлса, иккинчи эшик – ўлим. Шу икки эшик оралиғида кечган вақт ҳар бир киши яшайдиган умрдир. Аммо шу имконни, берилган умрни қандай яшаб ўтишни ҳар кимнинг ўзи ҳал этади. Энг муҳими, бу оламдан ўтгандан кейин бахтли ёки бахтсиз бўлиш ҳам ана шу икки эшик орасида яшаб ўтилган ҳаётга боғлиқ. Шунинг учун бу дунёга келган ҳар бир одам дунёга нимага келдим, нима учун яшайман ва бу дунёдан ўтганимдан кейин мени нималар кутиб турибди, дея ўзига-ўзи савол беради. Бироқ бу каби саволларга инсон фақат ўз ақлига суяниб жавоб топиши амри маҳол. Агар буни ўзи ҳал эта олганида, бу дунёда ҳамма бахтли инсонга айланиш сирини билиб олган бўларди.

Кексалик – инсон умрининг донишмандлик палласи. Чунки умрнинг бу довонига етиб келгунга қадар киши не-не сир-синоатларни англаб етади, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўради. “Қариси бор уйнинг париси бор” ҳикматининг мазмуни ҳам шунга ишора.

Барча умуминсоний қадриятларда тарғиб қилувчи фазилатларидан бири ёши катталарнинг қадрини билиш, кексаларни улуғлаш, ҳақларига риоя қилиш, улар билан камоли одоб билан муомала қилиш ва уларни эъзозлашдан иборат. Пайғамбар: “Одамлар билан уларнинг мартабаларига мувофиқ равишда муомала қилингиз!,” деганлар. Шунга кўра, мусулмон киши одамлар билан уларнинг мақому мартабалари, ёшлари ва обрўларини туширмаган ҳолда муомалада бўлмоғи лозим.

Маҳдуми Аъзам кексаликни: “умидлар умидсизлик билан қўшилиб кетади ва бутун ўй-хотири муродга эришиш исагига айланади. Талаб ҳаддан ошади ва муҳаббат васвасаси шу қадар кучаядики, умрининг охиригача, балки қиёматгача ҳам сўнмайди. Абадул абад ниҳоясиз давом этаверади. Талаб ва

¹⁷⁷ Ахмад Хожажий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - В. 8

умид дарди агар чўзилиб кетса, унинг ҳосил қилиш истагини қирқиш керак”,¹⁷⁸ – деб қуйидаги байтни келтиради:

Унинг юзининг фироқида бу жисм мушк ранги билан тўлди,
Кўз эса энди қиёматгача кўз ёш тўкади.

Ҳаётнинг ўзига хос аччиқ ва ширин томонлари бор. Айниқса, кексалар эътиборга, меҳр-мурувват ва шафқатга муҳтож бўладилар. Етмиш ёш довонидан ошган киши янада табарруклашади. Бундай инсонлар сўзига қулоқ тутмоқ ва панд-насихатларини олмоқ лозим. Оилани оёққа турғазган, ўғил-қизларни едириб-ичирган, уларни деб елиб-югурганлар ҳам шулар. Кексаликнинг ҳам ўзига яраша оғирлиги бор. Бундай кишиларда беморлик, кўз хиралашиши, оёқ-бел оғриши, кучдан қолиш, аввалги завқ-шавқнинг сусайиши юз беради. Қарияларимизга ғамхўрлик қилиш, уларнинг парвариши ёшларнинг бурчи бўлиб, бунга катта ажрлар берилади. Атрофимизда яхши кишилар борлигидан, улар билан ёнма-ён яшаётганимиздан қувонишимиз керак.

Хожагий Аҳмад Косоний: “Инсон умри поёни давомида бирорта мақсад ва ёки орзу унга монъелик қилолмас ва шавқ ғалабаси, васлга чанқоқлик шу чегарага етадики, олимларнинг ақллилари ҳукмига кўра Ҳақнинг васлига етишиш ва бу мақсадга эришиш имконсиздир. Бу гапни толиб қанчалар эшитмасин, бу гаплар асло унинг дилига таъсир қилмайди, қанча айтилмасин, уни матлубни қидиришдан бир қадам ортга қайтаролмайди. Бу талаб ундан кетмайди ва у маҳбуб васли орзусида ўзи билан ўзи бўлиб кетган, худо билади, қачон етади, қошки етса эди. Қаерга етмасин, қандай етмасин барибир талаб қилавериш керак дейди, талабга интизор, ҳушга интизор бўлиб орзу билан ҳақга етолмайди. Талабнинг ҳақиқати шуки, у матлуб чанқоғидан жидду жаҳд талаби толибнинг жонига чунон ғолиб келадики, уни истило қилгач, ундаги сабр ва тасалли одам манзилига тўкилади”¹⁷⁹ деган фикрларни келтиради.

Талаб бу сенинг матлубларингнинг калитидир,

Талаб бу сенга кўрсатиладиган оят-ишораларнинг сардафтаридир.

Талаб бу эрта тонгда қичқираётган бир хўроздирки,

¹⁷⁸ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; В. 8

¹⁷⁹ Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; В. 9

“Тонг келмокда” деб нолаю афгон қилади.

Инсон нафақат болалик ва ўсмирлик чоғларида, балки умрининг йигитлик, кексалик палласида ҳам меҳр шавқат, мурувват оғишида яшамоғи учун оилага муҳтождир. Кимки илк ёшлик чоғида соғлом, аҳил оилада яшашдан маҳрум бўлса, бу камчилик унинг бутун ҳаётида салбий из қолдиради, киши умр бўйи меҳру шафқат, лутфу марҳамат ва оилавий соғинчга ташна бўлиб яшайди.

Жамиятнинг маънавий даражаси кексаларга бўлган муносабат билан ҳам ўлчанади. Демократик, инсонпарвар жамиятда кексалар ҳеч қачон ижтимоий-сиёсий ҳаётдан узилиб қолмайди, уларни жамият албатта фойдали фаолият билан таъминлайди, тажрибаларидан ёш авлодни баҳраманд қилади.

Шу маънода 2019 йил 2 апрель куни Президентимизнинг “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан барча маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари тўғрисидаги Намунавий низомнинг тасдиқланиши қарияларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этишга хизмат қилади. Уларнинг катта ҳаётий тажрибасидан оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда унумли фойдаланишга кенг йўл очади. “Кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Нуроний” жамғармасининг энг фаол аъзолари мунтазам равишда “Меҳнат фаҳрийси”, “Мўътабар аёл” ва “Маҳалла ифтихори” каби кўкрак нишонларига тавсия этилиши эса бундай хайрли амалларга янада куч-ғайрат бағишлайди. Оила фаровон бўлса, унда тинчлик хотиржамлик ҳукмрон бўлади. Оиланинг фаровон яшаши учун кўп моддий ва маънавий омиллар мавжуд. Булар ичида барака тушунчаси энг муҳимдир. Шунинг учун оила кураётган ёшларга ёши улуғлар дуо қилиб, барака тилайдилар.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

-Маҳдуми Аъзам инсон ҳаётини уч даражага: болалик, ёшлик ва кексаликка бўлади;

-мутасаввиф оила аъзоларининг уч даражаси: болалик, ёшлик ва кексаликнинг ўзига хос томонларини очиб, буларни

ўзаро бир-бирини тушуниб, аҳилликда яшашини илмий асослаб беради;

-гўдаклик ва кексалик даражаларининг умумий ва хусусий томонларини тавсифлаб, уларга эътиборли бўлиш лозимлигини уқтиради;

-ёшлик даражасини жуда батафсил ёритиб, талаб этиш ва мақсадни тўғри қўйишга эътиборни қаратади;

- му тасаввиф ёшликнинг қадрига етиш, вақтни қадрлаш ғояларини илгари сурган;

-мутасаввифнинг фикрича, кексалик бу инсон ҳаётининг донолик қисмидир ва ҳаёт мазмунини англаш давридир ҳамда кексаларни эъзозлаш ва уларни авайлаш қадриятларни келажак авлодга етказишнинг асосий воситасидир;

- Ин сон умри давомида ўрганган илму-амалини кексаликда юрт равақи ва тараққиёти йўлида сарфлаши умр мазмунидир;

- Ои ла аъзоларининг уч даражасининг синов, ўзаро ҳурматда, бир-бирини тушуниб яшаши оила фаровонлигининг асосидир.

3.2. Маҳдуми Аъзам таълимотида қалб поклигининг инсон камолотидаги ўрни.

Инсон умри давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш инсон борлигини бирламчи шарти ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат моддий неъматлардан баҳра олиш, моддийликка-бойликка ружу қўйишдан иборат эмас. Инсон руҳияти ҳам ўзига хос озиқага эҳтиёж сезади. Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон – эътиқодини мустаҳкамлайди.

Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди.

Қалб бир нарсани ағдаришни англатади. У бир хил турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам «қалб» деб аталган.¹⁸⁰

¹⁸⁰ Араб-ўзбек луғати. Т.2008.

Ислом таълимотида қалб икки хил: зоҳирӣ ва ботинийга бўлинади. Зоҳирӣ қалб кўкракнинг чап томонида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчасидир. Ботиний қалб эса нуроний, латиф, билувчи, инсонни инсон қилувчи нарсасидир. Зоҳирӣ қалб инсоннинг зоҳирида-жисмида жон вазифасини ўтайди. Ботиний қалб эса инсоннинг ақлий, руҳий-маънавий ҳаётида жон вазифасини ўтайди.

Қалб танадаги барча аъзоларнинг подшоҳи ва йўлбошчисидир. Агар қалб тўғри бўлса, бошқа аъзолар ҳам тўғри бўлади. Агар қалб эгри бўлса, тана аъзолари ҳам эгриликда унга эргашади. Бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Огоҳ бўлинглар, жасадда бир парча гўшт бор. У ислоҳ бўлса, жасаднинг бошқа аъзолари ҳам ислоҳ бўлади. Агар у бузилса, тананинг бошқа аъзолари ҳам бузилади. Огоҳ бўлингларки, ўша бир парча гўшт қалбдир”¹⁸¹.

Демак, қалб танамиздаги энг муҳим аъзо экан, унинг касаллигини ва ўша касалликдан қутилиш йўллари билишимиз лозим бўлади. Қалбнинг энг оғир касал бўлиши, бу унинг қотишидир. Қотган қалбга ҳеч қандай насихат, ваъз таъсир қилмайдиган бўлиб қолади. Қалб қотишининг кўп сабаблари бор.

Тасаввуф таълимотида инсон қалби ва руҳий камолоти масаласи асосий тадқиқот объекти ҳисобланиб, унда бу масала жуда чуқур ва кенг таҳлил этилган. Тасаввуф таълимоти учун бу назария эмас, балки амалий масала бўлган ва тариқатларда инсоннинг камолотга етиш йўли ва услублари ихтиро этилган.

Тасаввуф вужудга келиш вақтидаёқ - «Қалб ва ниятлар ҳақидаги илм» сифатида танилди. Ҳасан Басрий шу соҳада илк ғояларни айтган. Қалбни тасаввуф аҳли турлича таърифлаганлар. Тустарий, Балхий, Нурий, Ҳаким Термизий каби илк сўфийлар қалбни инсон вужудида яшириб қўйилган, қамалган илоҳий сир деб таърифлаганлар. У туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам устун мақомни эгаллади. Қалбни «Арш», «Илоҳий сирлар хазинаси», Аллоҳни билиш воситаси, илоҳий моҳиятни қуриш қувватига эга узв, қалб кўзи - «басират ал-қалб» деган таърифлар билан тилга олиб, изоҳланган.

¹⁸¹ Савол-жавоб. hidoyat.uz

Жалолиддин Румий таълимоти инсонни руҳий ва ахлоқий камол топишига, жамиятда эса соғлом ва покиза муҳитни юзага келтиришига беқиёс ҳисса қўшади. У инсонни ўрганиб, қалб қўридаги энг нозик, энг гўзал яширин сирларини ошкор қилади.¹⁸²

Румий инсоннинг нафси, хирси сабабли келиб чиқадиган ёвузликларни таҳлил қилиб, улардан қутулиш, покланиш йўллари баён этади. У одамлар бир-биридан бойлиги, ирқи, дини, насли-насаби билан эмас, балки комиликка интилиши билан фарқ қилади, дейди. Унинг фикрича, инсон комилликка ўз меҳнати, қобилиятига яраша эриша олади.

Тасаввуф онтологияси қалб борлиғи, моҳиятини муҳокама этса, тасаввуф гносеологияси қалб билан қандай қилиб ҳақиқатни билиш мумкинлиги ва маърифатли бўлиши масаласини муҳокама этади. Қалбни қандай қилиб поклаш, юмшатиш, тозалаш, ғубор ва кирлардан холи қилиш ва уни илоҳий, ладуний илмни қабул қилишга ҳозирлаш, Оллоҳдан ўзга нарсаларга боғланишлар, нафс истакларидан қутулиш масалалари муҳокама этилади.

Тасаввуф гносеологияси ва психологиясида қалб тушунчаси зикр билан боғланган. Қалб зикри инсонни илоҳий сифатларни олишда кўмаклашади. «Қалб Оллоҳни жойлаштира оладиган ягона моҳиятдир», - дейди тасаввуфшунос олим.¹⁸³

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида қалб икки хил маънода тушунтирилади: биринчиси – танада жойлашган, ҳайвонларда ҳам бор бўлган бир парча гўшт парчаси, яъни юрак бўлса, иккинчиси – раббоний руҳ деб аталадиган латоиф қалбдир. Қалб латоиф илоҳий руҳ бўлиб, олам ҳақиқатини идрок этиши, ақллар ҳайратда қоладиган нарсаларни била олиши, жисм билолмайдиган нарсалар ва сифатларни англаши каби имконияти чексиз даражада бўлган борлиқни бир кўринишидир. Қалб раббоний руҳ маъносида асл ҳақиқатини билувчидир. Нақшбандия таълимотида раббоний руҳ деб аталувчи латоиф қалб билан жисмоний гўштпора кўринишдаги юрак орасида махсус боғланиш борлиги таъкидланган.

Юрак жисмни ҳаракатга келтирувчи бўлган қон томирларига жон берса, қалбга олти нарса хослигини Баҳоуддин

¹⁸² Жалолиддин Румий Маснавий-маънавий. Жамол Камол таржимаси Т.2005.

¹⁸³ Зойиров Э.Х.. Маҳдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари Тошкент. 2015. Б.73

Нақшбанд куйидагича таъкидлайди: ҳаёт ва ўлим, соғлиқ ва касаллик, уйқу ва уйқусизлик. Буларнинг мазмуни куйидагича изоҳланади: қалбнинг ҳаётлиги - уни ҳидоят қилувчи эканлигида бўлса, унинг ўлими йўлдан адашиб, залолатга ботишидир; қалбнинг соғлиги унинг поклиги, касаллиги алоқалар, боғланишлар билан ўралашиб қолишида; уйқу ҳолати - қалбнинг ғафлатда қолиши, унинг бедорлиги - ҳушёрлигидир. Нақшбандия қалбнинг дақиқ, нозик, латифлиги таъкидланиб, уни гуноҳ, ёмон нарсалардан асраш лозимлиги уқтирилади. Арзимас гуноҳ ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги айтилади.

Нақшбандия тариқатининг назариётчиси Хожагий Аҳмад Косоний “Миръот ус-сафо” (“Покликнинг кўзгуси”) асари бевосита қалб ва уни покизалиги масалаларига бағишланган.

Хожагий Аҳмад Косоний инсон илоҳий борлиқ эканлиги ва бу моҳиятини очилишида қалб асосий воситалигини кўрсатади. Хожагий Аҳмад Косоний рисолада Аллоҳ аввал оламу Одамни яратиши ва одам фарзандларининг қалбига ўз руҳини жойлаштириши тўғрисида ва бу қалб соҳиби унинг висолига етиш учун юрак ойнасини (миръотни) тоза тутиши, уни соф тутиши тўғрисида сўз юритган.

Дил мақоми Ҳақ, ашё буд,
Гар Худо хоҳи, Худо он чо буд.

Мазмуни:

Дил шундай нарсаки, Худонинг макони,
Гар уни қидирсанг, боргил ул томон.

Хожаги Аҳмад Косоний “Одамзод ўзида қанчалик яхши хусусиятларини намоён қилса, Аллоҳнинг иродаси рўёбга чиқараверади ва бу ишларни Аллоҳ, кўзгуда кўргандек кузатиб туради”¹⁸⁴, - деб инсоннинг доимо пок ишларни қилиши, ҳаром нарсалардан сақланиши, энг асосийси унинг қалби, виждони тоза бўлиши ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Тасаввуфда реал моддий дунё гўзаллиги инкор этилмайди (гарчи дунё ва унинг бойлигига бўлган салбий муносабат сезилиб турса-да), балки реал моддий дунё ўз-ўзича қимматли эмас, деб қаралади. Тасаввуф талқинига кўра, қадрият ва

¹⁸⁴ Аҳмад Хожагий Косоний. Миръоту – с – сафо. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501 / XIX; - Б. 5

арзирли нарса, бу-руҳ билан, Илоҳ билан боғлиқ нарсадир. Ҳаёт ҳам руҳнинг фаолиятидан иборат.

Тасаввуф буюк бир романтик оламдир. Борликни турфа рангларда, шоирона ҳаёлий сурат–тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашида, доимий ҳаракатда ва ижодда деб тасаввур этиш – бир буюк поэзия. Жами гўзалликлар, яхшиликлар, эзгуликлар манбаи – Мутлақ Илоҳ, Қудрат ва куч, ҳаракат ва фаолият ҳам Ундан. Дунёдаги жами ҳусну жамол–Унинг жамолининг акси. Инсон гўзаллиги Унинг жамолининг жилваси, бу жамол оламда қанча кўп жило этган бўлса, у шунча кўп гўзал бўла олади. Инсон руҳининг гўзалликка, нафосатга ташналиги Илоҳ гўзаллигига ташналик натижасидир. Яна бунинг ичида моддий гўзаллик ва маънавий гўзаллик, ғоя ва фикр гўзаллиги ҳам ажралиб, эътиборга олинади. Гўзалликдан мақсад тафаккур гўзаллиги, маънавий гўзалликни англамоқ, олий жавҳар–Руҳи азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилмоқликдир¹⁸⁵.

Хожагий Аҳмад Косоний «Одоб - ус - соликин» (Соликлар одоби) номли рисоласида юқоридаги фикрларини ривожлантириб одамзотнинг яратишдан Аллоҳ у билан дунёни безаш, ўзи истаган эзгу хислатлар, яхши хулқларни одамзод қиёфасида акс эттиришдан ҳамда инсоннинг ўзлигини таниши ва алал-оқибат ўз яратувчиси-парвардигорини висолига етишишдан иборат деган фикрни илгари сурган¹⁸⁶. Шу жойда таниқли тасаввуфшунос олим Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринлидир: “Солик-сўфийнинг сўнгги мақсади ўз вужудини илоҳий зотда маҳв этишдан иборатдир”.¹⁸⁷

Хожагий Аҳмад Косоний Пайғамбаримизнинг: “Арифкум бинафсиҳи арифкум бироббиҳи ва ман аърифа нафсиҳи фақад аърифа роббиҳи”. Яъни, “ҳар кишиким ўзини танибди, бас, албатта у ўз яратувчисини ҳам танибди”¹⁸⁸ деган сўзларини қуйидагича таҳлил этади:

Жаҳд кун жаҳд, ки худро бишноси яқин,
Ки ба ғайр аз ту дам ин дор надида диёр.

¹⁸⁵ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, “Мовароуннаҳр, Ўзбекистон”, 2009. –Б. 140

¹⁸⁶ Аҳмад Хожагий Косоний. Насихату – с – соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501 / VIII; - Б. 13.

¹⁸⁷ Жузжоний А.Ш.Тасаввуф ва инсон.-Тошкент: “Адолат”.2001.-Б. 147.

¹⁸⁸ Аҳмад Хожагий Косоний. Насихату – с – соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р. ФАШИ. № 501 / VIII; - Б. 13.

Мазмуни:

Ўзингни танишликка интилгин, сен интил,
Ки сендан бошқа оламини кўрмаган бу диёр.

Шундай қилиб, тасаввуф таълимотида Оллоҳ чексиз уммон бўлса, инсон унинг бир қатраси, оллоҳ офтоб бўлса, инсон бир қатим нур деб тасаввур қилинади. Инсоннинг нигоҳини билимсизлик пардаси тўсиб турар экан, у ўзини абадий борлиқдан айро алоҳида олам деб ҳисоблаши мумкин. Қалб кўзи очилганда эса зоҳирий тафовутлар йўқолади ва инсон ўзининг абадий борлиқдаги бир лаҳза эканини англаб етади.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг фикрича, олам ва ҳар неки бор ойналар оламидандир, чунки унинг беназир аксу жамоли уларга тушган. Оламдагилар ва оламнинг иззат ва шарафи шу акс туфайлидир. Бундан ўзга олам ва оламдагиларга унинг феълү сифатидан ҳеч улуш(ҳисса) йўқ, шундай экан ойинанинг шараф – иззати унинг дард ҳуснини кўрсатишидадир¹⁸⁹.

Тасаввуфда гўзаллик идеали, қудрат идеали, поклик идеали, абадийлик идеали – жами идеаллар идеали Унинг ўзи, Яратган деб олинади. Ҳайрат ҳам ўшандан, ғайрат ва шижоат ҳам, ҳаёт нафосати ҳам Яратгандан деб қаралади. Жонли ва жонсиз ҳар бир нарсада, ҳаётнинг ўзида, Илоҳ қудратини мушоҳада этиш, Унинг гўзаллигидан ҳайратланиб, жўшиб, олам-олам завқ олиш, Илоҳни ёри азиз, дўст билиб, Унга сиғиниш, суяниш, Унга рози дил айтиш – мана шу сўфий шоирнинг маънавий дунёси, ҳаёт мазмунидир. Тасаввуф эстетикасига доир тадқиқот ишларини олиб борган олим А. Қурбонмамадов тасаввуфда гўзалликнинг уч асосий босқичини қуйидагича кўрсатиб ўтади:

Биринчиси-мутлоқ ўзгармас илоҳий гўзаллик;

Иккинчиси-инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ботиний, маънавий гўзаллик;

Учинчиси-мутлоқ гўзалликнинг акси сифатида намоён бўлувчи нарсалар ва моддий олам гўзаллигидир¹⁹⁰.

Унга ҳусндан бошқа улуш йўқ, негаки унинг ичини муносибидир, ҳол унинг юзида тўғри эмас, шундай экан унинг новдон (тарнов)и шарифидан сув кетади ва унга сувдан ўзга ҳеч қандай улуш йўқ.

Шараф алзарфи бимазруфа ва шараф алмакон билмакин.

¹⁸⁹ Ўша қўлёзма

¹⁹⁰ Қурбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, “Дониш”, 1983. с. 9

Яъни, Аллоҳнинг ҳақиқати олам ва оламдагиларга
Офтобдан минг марта ёруғроқдир, агар унга тўсиқлар бўлмаса.

Бар кунжи ҳужра гар нафитад нури Офтоб,
Аз ҳужра монеъ аст, на хуршед мадҳал аст.

Ойна тира шуд, зи чи тираст ойна?!

Чун рӯ ба рӯи дўст надори ҳар ойна¹⁹¹.

Мазмуни:

Ҳужра бурчагига гар, офтоб нури тушмаса,
Ҳужрага тўсиқ йўқдир, офтоб мадҳал бўлмаса.

Ойна хира бўлди, нимадан хира ойна?!

Ҳар оинани тутманг дўстнинг юзига.

Демак, Хожагий Аҳмад Косоний оламнинг ёруғлиги бу
Аллоҳнинг нури бўлиб, у яхшию ёмонга бир хил вақтда
чарақлайди демоқчи бўлади.

Ба қадри ойна ҳусни ту менамояд рӯй,

Дареғ ойнаи мо нухуфта дар занг аст.

Мазмуни:

Ойна қимматидан ҳуснинг намоён бўлар,

Афсус, бизнинг оинамиз чанг остидадур.

Яъни, Олам ва олам аҳлининг ҳаммаси ҳусну жамол оинаси
ва илоҳий буюклик эканлигини билган бўлсанг, энди билгилким,
илоҳий буюклик ва жамолни қандай бўлса шундай кўрсатадиган
энг яхши оина - У, Аллоҳ дўстларининг юрагидир.

Баҳри илме дар наме пинҳон шуда,

Дар се газ тан оламе пинҳон шуда

Мазмуни:

Илмнинг улуши намда яширинган,

Уч газ танда бир олам яширинган.

Хожагий Аҳмад Косоний “Ганжнома” (Бойлик) рисоласида
ҳам бу фикрларни давом эттирган. “У ўз (ҳазинаси) ганжи нинг
бўлишини истадиким, ўзининг Зоти Шарифини ҳамма васфи
билан шу ганжга қўйса ва дунёга юборса токи дунёда
жилвалансин.

Аввал Ҳазрати Одам алайҳиссаломни яратди ва унинг
юрагини бу тугамас ганжнинг ганжинаси (махзани) қилди,
чунки фаришталарнинг ҳаммаси ҳозир нозир эдилар,
истадиким бу ганжи ниҳоний (сирли хазина)ни улардан Одам

¹⁹¹ Аҳмад Хожагий Косоний. Миръоту – с – сафо. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501 / XIX; - В 5.

юрагининг ганжинасига яширса, то фаришталар бундан огоҳ бўлмасинлар. Фаришталарга ҳаммалари Одамга сажда (бош эгиб таъзим) қилишни ошкора амр этди, токи улар сажда билан шуғуллансинлар ва ул жаноб (Одам а.с.)дан беҳабар бўлсинлар. Ва унга мадҳу санолар бўлсин, бу ганжи ниҳонийни Одам юрагига ўрнатди, чунончи шайтон билимда тенги йўқлигидан ҳамма фаришталарнинг устози эди, ўз акли билимининг тақозоси билан бу ерда катта сир борлигини англади, фаришталарнинг ҳаммалари сажда қилдилар ва у сажда қилмади ва бу сирдан хабардор бўлди.¹⁹²

Сар ниҳоданд он ҳама бар рўи хок,
Ложарам, як тан бидид он сирри бок.
Чун набуд Иблисро сар бар Замин,
Сир бидид ў 3-он ки буд андар камин.

Мазмуни:

Бош эгдилар ҳаммаси тупроқ юзига,
Битта тан кўрди у сирни, бинобарин.
Иблис боши Ерга эгилмаган эди,
Сир билди у панада тургани учун.

Шайтон ва инсон ўртасидаги адоват фаришталарни инсонга сажда қилишга буюрилган вақтдан бошланган. Шу боис, бу адоватни азалий дейилади. Ана ўшанда Иблис кибр-ҳавоси туфайли Одамга сажда қилмагани учун Аллоҳ таолонинг қаҳрига учраб, лаънатга гирифтор бўлади. Ана ўшандан бери шайтон инсонларни адаштиришга ваъда беради. У башарият орасига низо ва фитна-фасод уруғини сочиб, разил ниятига эришишни илгаридан ваъда берган. Аммо қалб кўзи ёпиқ одамлар ашаддий душман – шайтонга бўйсуниб, унга итоат этган сари хорликка юз тутади, адоват ва ёмонликка йўлиқади. Бунга Иблиснинг ҳасади – лойдан яратилган инсон зотига ўзини тенг кўрмагани сабаб бўлган. Шу боис, ҳасади қўзиб, лойдан яратилган инсонни менсимади, сажда қилиш буйруғидан бош тортди. Ҳаётда ҳам Иблис йўлини тутган иблисифат бандалар йўқ эмас. Ўзи бир томчи нутфадан дунёга келган бўлса ҳам, ўзига ўхшаш дунёга келган яна бир инсондан бурун жийиради, унга паст назар билан қарайди ва уни ўзига тенг кўрмайди. Бундай қилиқни Иблисдан мерос қилиб олган издошлари давом

¹⁹² Ахмад Хожагий Косоний. Ганжнома. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501 / ВИ; - Б. 13

эттириб келмоқда. Аслини таниган инсонлар бундай одатни тарк этади. Ким бўлишидан қатъи назар, инсонлар бир-бирига биродар ва оға-ини эканини унутмайди. “Шайтон одам боласини нафси аммора (ёмонликка буюрувчи нафс) орқали гуноҳларга бошлайди. Унинг маркаби, яъни қувватлантирувчи манбаи қондир. Бу васвасани фақат очлик ва ташналик ҳамда рўза тутиш орқали қон йўллари бекитиш билан даволанади. Ана шундай қилинса, шаҳват ва ҳою ҳаваслар ўти сўнади. Натижада, шайтон қурол яроғсиз қолади”¹⁹³, деган фикрига асос бўлади.

Инсон руҳ ва бадандан ташкил топган борлик, бўлиб, унинг руҳи “илоҳий руҳдан” ва “раббоний амр”дан, бадани эса “тупроқ” ва “балчиқ” дан ташкил топган. Латоиф руҳ жисм бўлган баданга киргач, моддий унсурларнинг унга кўрсатган таъсирлари натижасида асл софлигига зиён етказганлигидан ва инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлиги ва руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўриш тасаввуфнинг ғоясидир,¹⁹⁴ деган фикрни айтади.

Хожагий Аҳмад Косоний инсон танасида икки хил руҳ борлигини айтади. Биринчи ҳайвоний руҳ, иккинчи илоҳий руҳ. Бу ҳақда манбада шундай ёзилган: “Дар дунё бaсe руҳи ҳайвониро дар вaж oдaм хaлқ кaрд вa ўрo мaркaби oдaм coхт. Oдaмрo бaр вaй cувoр кaрд вa фиристoдaш бaр рўйи дунё тo мулoҳaзa кунaд дaр дунё. Бубинaдки, дунё муносиби он aст, ки мaҳбуби ҳaқиқи дaр вaй жилвa кунaд, яъни бaъзe жoйҳoя, ки нoмунoсиб бoшaд, яъни бaлaнд – пaсти дoштa бoшaд муносиб cозaд”¹⁹⁵.

Мазмуни: “Ҳақ таоло ҳайвоний руҳни одам учун яратди. Уни одамнинг маркаби (яъни, миниб юриш қуроли) қилди. Одамни унга миндирди ва уни дунёга томон юборди токим, у мулоҳаза қилсинки, дунё ҳақиқий маҳбуб (Ҳақ) жилва қилишга арзийдими, қаерлар номуносиб бўлса паст - ми, баланд – ми уни тўғриласин”. Яъни инсон бу дунёдаги ишларни илоҳий сифатга мослаштириш учун яралган. Бу ишларни бажариш учун унга маркаб қилиб, яъни миниб юриб, ундан фойдаланиш учун восита қилиб ҳайвоний руҳ яралган.

¹⁹³ Одилхон қори Юнусхон ўғли. Эзгулик қушандаси. Тошкент. Шарқ, 2018. 18-19 б.

¹⁹⁴ Мохир Из. Тасаввуф. –Истанбул., 1969. – Б.73.

¹⁹⁵ Зойиров Э.Х. Махдуми Аъзамнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари Тошкент. 2015. 73 б.

Хожагий Аҳмад Косоний рисоаларида ёзилишича: “Чун одамро фиристодем берун жамоли хеш ба саҳро ниҳодем. Ҳамчуноне, ки подшоҳони мажози вақте, ки хоҳанд, ки ба вилояте раванд, он шаҳрро биёроянд ва чаҳорбоғҳо. Бад аз ин подшо биёяд ва худро жилва диҳад бар халқи он шаҳру диёр. Ҳамчунин Ҳақ субҳона ва таоло хост, ки худро дар дунё жилва диҳад аз **хок** таркиби ў сурате сохт ва он суратро одам ном ниҳад”¹⁹⁶.

Мазмуни: “Одамни юбориб ўз жамолимизни саҳрога чиқардик. Бу шунга ўхшайдики, мажозий подшоҳлар бирор вилоятга бормокчи бўлсалар шаҳар ва боғларга оройиш берадилар. Шундан кейин подшоҳ ўша шаҳру диёрнинг халқига ўзини жилва этади. Худди шунингдек Ҳақ субҳона ва таоло бу оламда ўзини тажаллий этмокчи бўлди. Шунинг учун тупроқдан сурат ясади ва бу суратга одам деб ном қўйди.” Яъни, одам асли илоҳий, танаси тупроқ ва ҳайвон руҳидан иборат. Шундан кейин қуйидаги мисралар манбада келтирилган:

Сайёди азал, ки дона бар дом ниҳод,
Сайде бигирифтун, одамаш ном ниҳод.
Ҳар некию бадие, ки меравад дар олам,
Худ мекунаду, баҳона бар он ниҳад¹⁹⁷.

Мазмуни:

Азал овчиси домга донни қўйди,
Овни ушладию, унга одам деб ном қўйди.
Оламда нима яхшилик ва ёмонлик бўлса гар,
Ўзи қиладию, уни баҳона сифатида қўяди.

Яъни, Ҳақ таоло ўз мақсад–муродига етиш, ўзининг сиру асрорини жиололаш учун инсонга тупроқдан тана, тананинг ҳаракатланиши ва инсонга маркаб бўлиб хизмат қилиши учун ҳайвоний руҳ ва оламни илоҳийликка уйғун қилиш учун илоҳий руҳни киритди.

Инсон қалбини Ҳақ ўз тахтгоҳи ва иморати қилиб ясади. Ҳақ шу тахтни – инсон қалбига ўгирди. Ҳайвоний руҳни уни маркаби этди ва унга миниб юришни буюриб, дунёга юборди токи, ўзини дунёга жилва этса. Демак, инсон илоҳий хилқатдир

¹⁹⁶ Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи вужудия. Қўлёзма.– Б. 33

¹⁹⁷ Ўша асарда. -В. 33 а.

ва у илоҳий Амр билан яралиб Аллоҳ жамол ва жалолени намоиш этиш ва уни билиш учун дунёга келган¹⁹⁸.

Хожагий Аҳмад Косоний таълимотида ҳайвоний руҳ ейиш, кийиш каби ишларга муҳтожлик сезиб, натижада кўнгул оинасига зангу ғубор юктириб олади. Чунки, (уларнинг) ғаразу мақсудлари шул эдиким, У (Оллоҳ)нинг Зоти шарифида мавжуд бўлган адлу инсоф, илму ҳикмат, эшитиш ва кўриш каби комил сифатлари у (одам)нинг кўнгул оинасида зоҳир бўлғай; то ким, у халифа бўлиб, халифалик вақтида мувофиқлашсин. Бас, зоҳирий ва ботиний кўнгул оинасига сайқал берувчи - Унинг ибодатидан ҳеч кимга чора йўқким, то унга бир қадар сайқал беришда икки маҳал Зоти шариф зухур этгай ҳамда (Оллоҳнинг) жамии Исм ва сифатлари жило этса, зухур ортидан зухур, маърифат ортидан маърифат, муҳаббат ортидан муҳаббатга эришилиб камолга етишади.¹⁹⁹ Чунки, одамнинг комиллиги, кўнгул оинасида Дўст-маҳбубнинг зухур этиши натижасидир. Негаким, маҳбубнинг Зотиға ниҳоя йўқлиги каби, муҳаббат камолиға ҳам ниҳоя йўқдур.

Ҳамчуниин мерав бапоёнаш марас,

В-аз चुниин дарди бадармонаш марас.

Мазмуни:

Юриб поёниға етмассан,

Дарднинг дармониға етмассан.

Ҳайвоний руҳни ҳам бир маслаҳат (яхши маънода) унга илова қилди, унга зийнат қилиб берди. Чунки, ҳайвоний руҳда юк кўтаришдан ўзга чораси йўқ. Ейишу ичиш ва бошқа башарият эҳтиёжларни унга ҳадия қилди. Эҳтиёж миқдорида булар билан алоқа қилиш пайдо бўлди. Буларга бўлган тааллуқ ва алоқалар миқдорида дил ойнасида ғубор ва занг юзага келади. Илоҳий жамол ва жалолнинг зухур қилишиға бир монё (парда) бўлади²⁰⁰.

Ибодатдан мурод бу ерда зоҳирий ибодатдир. Токи зоҳир ибодат билан ўзининг ҳайвоний руҳдан иборат бўлган зоҳирини мусаффо қилур. Ботиний ибодат билан эса ўзининг инсоний руҳи бўлмиш ботинини покиза ва мужалло (жилоланган) қилур. Шунда, жило ва сафо миқдорида ул зоти шариф уларнинг дил

¹⁹⁸ Аҳмад Хожагий Косоний. Ганжнома. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501 / VI; - Б. 13

¹⁹⁹ Маҳдуми Аъзам Косоний Рисолайи Бобурий, қўлёзма 287а

²⁰⁰ Маҳдуми Аъзам Косоний. Рисолайи Бобурий, қўлёзма 287а

ойналарида зухур қилгай. Зухур миқдорида эса ўша зотга нисбатан маърифат пайдо бўлур.²⁰¹

«Миръот ус-сафо» асарида инсон қалби илоҳий пок нурлар кўзгуси дейилган. Қалб тасаввуфдаги энг асосий тушунчалардан биридир. Исломда қалб тушунчаси муҳимлигидан унинг Қуръонда 133 марта тилга олинганлиги далолат беради²⁰². Қалб Қуръон ва Хадисларда диний ҳақиқатга етиш ва уни англаш асоси, иймонни макони ва тақвонинг асоси сифатида баҳоланади.

Ғаззолий таълимотида қалб масаласига алоҳида эътибор берилган. У қалбни ҳам инсондаги жисмоний тана қисми лаҳм - юрак, ҳам ярим руҳоний бўлган латоиф моҳият сифатида баҳо беради. Қалб ўзида инсондаги, ҳам жисмоний қуйи, ҳам руҳоний юқори қисмлардаги моҳиятларни бирлаштирган. Ғаззолий қалбни давлатдаги ҳукмдор билан тенглаштириб, у бутун бадандаги узвларни бошқаради деган. Нафсоний истаклар қалбга қаршидир. Хожагий Аҳмад Косоний қалбни илоҳий пок нурни, файзни қабул этувчи кўзгу деса,. Ғаззолий қалбни инсон хулқ-атвори, ҳолати, фаолиятини акс этувчи кўзгу дейди. Яхши амаллар қалбни поклайди, ёмон амаллар эса уни ифлослантиради дейди²⁰³.

Хожагий Аҳмад Косоний, фикрича Аллоҳ Ўзининг азалий ва абадий дўстига кўплаб дуруд ва саломлар йўллаб, йўқлик оламидаги Ўзининг энг яхши шарафлик жамолий ва жалолий бузrugлигини ҳамда унинг кўнгул оинасида жами исм ва сифатларини акс эттиради.

Он кони ҳусн буду набуд аз чаҳон нишон,

Ал она ан арафта ала ма алайҳи кана.

Мазмуни:

Ҳусн маҳзани эдию, жаҳонда нишонсиз эди

«Аввал не булганини ҳозир сен албатта билдинг».

Демак, Пайғамбарнинг қалб кўзгусида илоҳий ғайбнинг ҳамма сири мавжуд эди.

Ибн Арабийнинг ваҳдат ал вужуд таълимоти асосида қалб ягона вужудни иккита бир-бирига умуман қарама-карши, бир-

²⁰¹ Аҳмад Хожагий Косоний. Ганжнома. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ. № 501 / VI; - Б. 13

²⁰² Махдуми Аъзам Косоний. Рисолайи Миръот ус сафо, қўлёзма. В.4

²⁰³ Абу Ҳомид Ғаззолий, Ихёи улумид-дин, 1-жуз

бирини инкор этувчи илоҳий, абсолют, трансцендентал ва жисмоний, моддий томонлари учрашадиган жойдир.

Хожагий Аҳмад Косоний инсон калбини Арш билан тенглаштирилган ва шу маънода қуйидаги байт келтирилган:

Дил Арши азим хаст, Худоро бо иттифок,

Он жост жои.салтанат, он жост жои роз.

Мазмуни:

Қалб азим Аршдир, Худо билан иттифокда,

Удир салтанат жои, удир роз-жойи.

Яъни, қалб Аллоҳ билан бўлса, уни таниса салтанат жойи бўлади, инсонни улуғлайди, шоҳликка етказади. Қалб Оллоҳ билан роз айтиш жойидир.

Махдуми Аъзамнинг “Миръот ус-сафо” рисоласида ёзиладики, «Бас, маълум шуд, ки қароргоҳи жойи бошиши он зоти шариф жуз дар дил зарроти олам намебудаст». Мазмуни: «Бас, маълум бўлдики, ул зотнинг бор бўлиши жойи, қароргоҳи (Оллоҳ манзили) юрак бўлиб, унда фақат У бор бўлади, оламдан бошқа бирор зарра ҳам бўлмайди.²⁰⁴»

Хожагий Аҳмад Косоний ўз издошлари, яъни сўфийларни сафо аҳли ва вафо аҳли деб юксак баҳо берган:

Дар аҳли сафо нури сафо мебинам,

Чун нури сафо меҳру вафо мебинам.

То сохт аз аҳли басират моро,

Дар ҳар чй назар кунам туру мебинам.

Мазмуни:

Сафо аҳлида кўрдим нури сафони,

Нури сафо эрмас меҳру вафони.

Басират аҳлидан лойимни қорди,

Кўрарман ҳар нега боксам Худони.

Басират аҳли-қалб кўзи билан кўра оладигандир. Хожагий Аҳмад Косонийнинг, “инсон кўнгил кўзгусини ҳар қандай занг, ғуборлардан покиза қилса, ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида кўнгилнинг кўзгусида тажаллий қилади”, -деб таъкидлайди.

Демак, мутасаввиф мукаммал инсоннинг дил кўзгусида одиллик, илм-ҳикмат каби камолот сифатлари зоҳир бўлгандагина, у кўзгунинг софлигини сақлагандагина ва ҳар

²⁰⁴ Махдуми Аъзам Косоний. Миръот ус сафо. Қўлёзма. В.5

қандай, ғуборлардан асрагандагина келгуси авлод учун муносиб инсон бўла олади, деган ғояни илгари сурган.

“Миръот ус-сафо” рисоласида ёзиладики, Аллоҳ яширин хазина ва чексиз файз сифатида адам-йўқликда эди. Бу чексиз файзни қабул қила оладиган мавжудот йўқ эди. Ҳеч ким Аллоҳни таний олмасди.

Қобиле бояд, ки то аз Ҳақ кунад файзро қабул,

З-он, ки мумкин нест, фоил бе мунфаол.

Мазмуни:

Шундай қобилиятли зот керакки, то у Аллоҳдан файзни қабул қила олсин, чунки фаолиятга қодир бўлмаган фоил мумкин эмас. Яъни, файз Ҳақ Таолодан етувчи бениҳоя, чексиз олий нур. Илоҳий файз, нурни қабул этиш учун шунга мос, уйғун илоҳийлик сифатли мавжудот лозим. Аллоҳ ўзининг зоти, бутун исми ва сифатларни инсон қалб кўзгуларида зухур этди. Шуларнинг зухурроти миқдорича ҳар бир киши Аллоҳни танийди. Аллоҳ амри билан ўн саккиз минг олам ва одам яралди. Уни, яъни Аллоҳни таний оладиган хилқат шу оламда инсон қалбидир.

Нақшбандия таълимотидаги ғояларни, хусусан «хилват дар анжуман» тамойилини давом эттирган Хожаги Аҳмад Косоний бу ерда қалбни Оллоҳ хилватгоҳи дейди. У Баҳоуддин Накшбанднинг фикрини давом эттирмоқда:

Зи ғайрат хонаи дилро, зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд, дар ин хилват сапо будан.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйини ғайрдан (Оллоҳдан ўзгадан) бўшатдим,

Чунки ўзга - ғайр бу хилват саройига муносиб эмас.

Рисолада Хожагий Аҳмад Косоний Аллоҳ ҳар бир кўнгилда унинг истеъдодига яраша тажаллий этишини ёзиб, шундай байт келтиради:

Ба қадри оинаи ҳусн ту менамои рўй,

Дариғ, ки оинаи мо низ каме дар занг аст.

Мазмуни:

Ҳусн кўзгуси (қалб) имкониятига уйғун сен (Оллоҳ)

юз кўрсатасан,

Эссизки, бизнинг кўзгумизни (қалбимизни) бир озгина занги бор.

Кимгаки, (яъни, пирга) ибодат қилиш амр этилган бўлса, ўз фойдаси учун эмас, балким бошқаларнинг фойдаси учундир. Негаки, у (яъни, пир) хоҳлайдики, барча оламларни Яратувчиси (жамоли)га эришиш мақсуди унинг асосий мақсади бўлиб, қолганларни ҳам шу йўлдаги камоли маърифат ва муҳаббатга чорлайди. Ва бу саодатга бошқаларни ҳам мушарраф эттиради; зеро У-Субҳона таоло жамии нуксонли сифатлардан покдир. У Ўз камолида ҳеч кимга ва ҳеч кимнинг мададига биз каби муҳтож бўлганимиздек, муҳтож эмасдур.

Хожагий Аҳмад Косоний қалбни поклашда муҳаббат ва устозларнинг ўрни беқиёс эканлиги таъкидлайди. Яъни, Муҳаббат уларнинг кўнглини ҳар вақт тозалайди. Усиз муҳаббат эса, унинг кўнглидан эзгуликни узоқлаштиради. Чунончи, иш шу жойга бориб етадики, ўзга муҳаббат кўнгулда кир бойлайди. Пирга муҳаббат эса кўнгулда ғалаба қилиб, дилни эгаллайди ва пирга бўлган муҳаббатдан ўзгани топмайди, кўрмайди ва билмайди. Ва ҳарчанд, энди пирга бўлган муҳаббатни, хоҳлаган тақдирда ҳам, кўнгулдан чиқара олмайди. Бу замонда унинг учун ҳамма нарса – пирдир; ва бу замонда унинг маъбудиди пирдан ўзга ҳеч ким эмас.

Байт:

Пири ману Худои ман,

Аз ту ба Ҳақ расидам.

З-он рўй, ки чашми туст аҳвал,

Маъбудиди ту- пири туст аввал.

Мазмуни:

Менинг пирим ва менинг Худойим,

Сен туфайли Ҳақга етишдим.

Ул юздан кўзинг ғилай бўлди,

Аввало маъбудинг – пирингдур.

Мутасаввиф толибларнинг «Алиф» ва «бо» (Алифбо) ни ўрганиши, деб аташган. Чунки, тариқ-йўллар турлича бўлиб, ўрганувчи (толиб) лар ҳам турличадир.

Хожагий Аҳмад Косоний “Рисолаи Бобурия” да қуйидаги фикрни келтиради: “Бас, маълуму онгимизга фаҳмли бўлдимки, Ҳақ Субҳона ва таолонинг барча зоҳирий ва ботиний ибодатлардан мақсади шулким, кўнгул оинасини поклаш, Ўз Зоти шарифини англатиш, Ўз бандаларини бу бениҳоя саодатга

эриштириш ва бундай шарафга Унинг инояти ила дўстларидан бошқа ҳеч кимса эришмаслигини англатишдир.”²⁰⁵

Хожагий Аҳмад Косоний пок зот бўлган Оллоҳни кўриш учун қалб ҳам шунга мос, уйғун покланган бўлиши лозим деб, ўз қалбида хали занг - ғубор, кир борлигини ёзади. Занг кўзгу юзига Илоҳий Файз, нурни инъикосига тўсиқдир. Бундай кир, ғубор тасаввуфий тилда ҳижоб парда, тўсиқ деб айтилади. Хужвирийни «Кашф ул-махжуб» асари шу ҳижобларни очишга бағишланган. Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳдан ўзгага боғланишни энг асосий ҳижоб дейди:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосини,
Гар аз ин бандхо бигзари восили.

Мазмуни:

Боғланишлар ҳижобдиру хосилсизсан,
Шу бандларни уза олсанг восил бўласан (Оллоҳга етишасан).

Хожагий Аҳмад Косоний “Миръот ус—сафо” рисоласида инсон зоти Оллоҳни шу марҳаматига етишгани, уни таниш, маърифатли бўла олиш имкони борлиғи учун доимо шукр қилиши ва талабда бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Мавкиби Хуснат нағунжат дар замину осмон,
Дар ҳарами сийна ҳайронам, ки чун жо кардаи он.²⁰⁶

Мазмуни:

Сенинг Хуснинг (Оллоҳни) бутун еру осмонга сиғмайди,
Мен ҳайронманки, қандай Уни кўкрак ҳарами, яъни қалбимизга жойлаштиргансан.

Хожагий Аҳмад Косонийнинг “Миръот ус—сафо” рисоласининг таҳлилидан маълум бўладики илоҳий борлиқдаги яралган энг гўзал хилқат инсондир. Инсон борлиғининг энг мукаммал узвий бу қалб, кўнгилдир. Инсон қалбини Илоҳий моҳиятини инъикос этадиган кўзгу десак, уни оддий кўзгу билан қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, оддий кўзгу инсон қиёфасини, инчунин бошқа нарсаларни ҳам оддий, пасив инъикос этади. «Юзинг қийшиқ, бўлса, кўзгудан ўпкалама», деган мақол, сенда нима бўлса кўзгу фақат уни акс эттиради дейди. Инсонлар дўстини, мусулмонлар мўъмин биродарларини ҳам, кўзгуга қиёс этиб, улардаги нуқсонларни айтишини

²⁰⁵ Ўша қўлёзма В.5

²⁰⁶ Махдуми Аъзам Косоний Рисолайи Миръот ус сафо, қўлёзма Б.10

инобатга олганлар. Фалсафада ҳозирги кунгача онг юксак тараққий этган инсон миясининг хоссаси бўлиб, борлиқни мураккаб, фаол акс этишини тан олган.

Инсон онги моддий борлиқ, унинг маънавий томонларини акс эттирса ҳам, унинг чеки, чегараси, имкониятларининг охири бор. Фақат инсон қалбигина макон ва вақтдан ташқарида бўлган руҳий олам, илохийликни акс эттира олади. Шунинг учун ҳам фалсафий таълимотларимиздаги инъикос ва унинг даражалари масалаларига янгича кўз билан қараш лозим.

Қалбда инъикос этган илоҳий нурни бугунги кунда маънавият деб таъриф берган. «Маънавият инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир» дейилган таърифларда асос бор. «Миллий маънавиятимиз асослари»-да муаллифлар Нажмиддин Доянинг «Мирсод ул-ибод мин-ал-мабдаъ илал-маод» («Аллоҳ бандаларининг бошланғичдан тугалланишгача бўлган ҳаёт йўли») асаридан бизнинг тадқиқотимиз мазмунига уйғун бўлган қуйидаги рубоий келтирилган:

Максуди вужуди инсу жон оина аст,
Манзури назар дар ду жаҳон оина аст.
Дил ойнаи жамоли Шоҳаншоҳ аст,
В-ин ҳар ду жаҳон ғилофи он оина аст.
Мазмуни:

Инсон вужудидан мақсад кўзгудир,
Назарга манзур, арзигулик икки жаҳонга кўзгудир.
Кўнгил, қалб Шоҳаншоҳ (Оллоҳ) жамолини акс эттирувчи кўзгудир,

Бу икки жаҳон бу кўзгунинг ғилофидир.

Рубоийдан маълум бўладики, кўнгил борлиқ ҳақиқатини акс эттиради, лекин бунинг учун икки жаҳонга ҳам боғланмаслик кераклигини таъкидлайди. **“Агар дунё Аллоҳ таоло назарида чивиннинг қанотичалик қадрли бўлганида эди, кофирга бу дунёда бирор бир нарса берилмас эди”.**²⁰⁷

Қалбимиз ҳам баданимиз каби соғ бўлиши керак. Чунки агар танамиз соғ бўлса, бошқа дунё ишларига қувватимиз етади. Аммо касал бўлса, ҳеч бир ишга қўлимиз бормай, ётиб қоламиз.

²⁰⁷ Абу Ҳомид Ғаззолий, Ихъёи улумид-дин, 1-жуз

Худди шу каби, холис Аллоҳ таоло учун қиладиган савобли ишлар учун ҳам саломат қалб зарур.

Абу Ҳаким Ат-Термизий розияллоҳу анҳу “Манозилул ибод” номли китобларида қалб хасталигининг давосини зикр эканлигини таъкидлаб, шундай дейдилар: “Билгилки, қалб қаттиқлиги, Аллоҳ таолони зикр этиш билан кетади. Аллоҳ таолони зикр этиш, қалбни хотиржам қилади ва юмшатади. Қалб зикрдан тўхтаса, зикрсиз қолса, нафс ҳарорати ва шахват оташи аланга олади, натижада қалб қотади, қурийди, аъзолар ҳам қалбга итоат этмай қолади”.²⁰⁸

Демак, Роббимизнинг ҳузурида энг эътиборли нарса бу бизнинг қалбимизнинг салоҳияти экан. Хожагий Аҳмад Косонийнинг фикрича, нафс покланиб, зийнат топаркан, қалб бамисоли шаффоф кўзгуга айланади. Энди, унда ҳамма нарса акс этади. Қалбдан атрофга илоҳий нур порлайди. Энг асосийси басират очилади. Худди шу басират Аллоҳнинг жамол ва жалол нурларида сайр қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд қалб тарбиясини нафсни жиловлаш, бошқариш, меъёрга солишнинг асосий йўли деб билганлар. Инсонни камолоти учун қалбдан огоҳ, воқиф бўлиши зарур деганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукаммаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: «Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман».

Баҳоуддин Нақшбанд қалбга “руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир”²⁰⁹ деб баҳо беради ва шунга асосланиб тариқатга “вукуфи қалбий” деган талабни киритади. Баҳоуддин Нақшбанднинг «вукуфи қалбий» таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: «ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳаққдан огоҳ бўлиб туриши. Буни ёддошт деб айтадилар»²¹⁰. Шу маънода яна у «Вукуфи қалбий» қалбнинг Ҳақдан шу даражада огоҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди»²¹¹, деб айтади.

²⁰⁸ Абу Ҳаким Ат-Термизий, Манозилул ибод, Янгиер шаҳар жоме масжиди имом хатиби Х. Асланбаев, muslim.uz

²⁰⁹ Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсия. Тошбосма, -Б.87

²¹⁰ Фаҳриддин Али Сафий. Рашахот. (Оби ҳаёт томчилари) Т. 2003. –Б.41

²¹¹ Рашахот. Б.41

Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни шухуд, вусул ва вукуфи қалбий деб номлайди.

Инсоннинг тириклик манбаи таом бўлгани каби, қалбнинг тириклиги илм, маърифат биландир. Зеро, инсон қалби илму маърифат билан суғорилиб турилмас экан, доимий узлуксиз равишда илм билан озиқлантириб турилмас экан, у албатта ўлади. Бизга аждодлар меросидан маълумки, қалби ўлган кишининг ҳар қандай зулмга ёмонликларга мойил бўлади. Демак, ҳар бир киши ким бўлишидан қатъий назар, улуг мутафаккирларнинг ибратли ҳаётига амал қилиб, илм ўрганишга астойдил киришиши керак.

Мутасаввиф ўзининг “Миръот ус-сафо” (Софлик кўзгуси) рисоласида “Одамзот ўзида қанчалик яхши хусусиятларни намоён қилса, Аллоҳнинг иродаси рўёбга чиқаверади ва бу ишларни Аллоҳ кўзгуда кўргандек кузатиб туради”, – деб инсоннинг доимо пок ишларни қилиши, ҳаром нарсалардан сақланиши, энг асосийси, унинг қалби, виждони тоза бўлиши ҳақидаги фикрлари орқали комил инсонга хос бўлган фазилатларни айтиб ўтади.²¹²

Туркиялик тасаввуфшунос олим Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий шундай ёзади: “Тасаввуфнинг инсон ҳаёти билан боғлиқ томони – инсоннинг ички дунёсини разолатдан тозалаб, уни фазилат ва гўзал ахлоқ билан беэмоқликдир. Ғояси эса инсон қалби ва руҳига Аллоҳга интилиш туйғусини жойлаштиришдан иборат”.²¹³

Хожагий Аҳмад Косоний фикрича, “Инсон кўнгил кўзгусини ҳар қандай занг ва ғуборлардан покиза қилса, ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида кўнгилнинг кўзгусида тажаллий қилади.”²¹⁴

Шу билан бирга, Хожагий Аҳмад Косоний инсоннинг дил кўзгусида одиллик, илму ҳикмат каби камолот сифатлари зоҳир бўлганидагина, у кўзгунинг софлигини сақлагандагина ва ҳар қандай чирк, ғуборлардан асрагандагина келгуси авлод учун муносиб комил инсон бўла олади, деган ғояни илгари сурган.

Хожагий Аҳмад Косоний комиллик файзи Аллоҳ томонидан ер юзида берилган бўлиб, лекин инсонларда бу файз унинг

²¹² Махдуми Аъзам Косний, Миръот ус-сафо.Б. 2

²¹³ Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий.Тасаввуф сирлари. Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2000. Б. 14

²¹⁴ Махдуми Аъзам Косний, Миръот ус-сафо. Б. 3

ахлоқи, маънавияти, қалби поклиги каби сифатлар билан бирга зоҳир бўлишини таъкидлайди. Айнан ўшалар қатъий белгиланган нормалар бўлиб, комил инсонни тарбиялашнинг муҳим талабларидир.

Дарҳақиқат, Аллоҳ томонидан комиллик сифатлари, файзлари ер юзида сочилган бўлиб, ер юзида қобилиятли, бу сифатларни ўзида жо қиладиган кишини топиш мушкулдир. Бунинг учун инсон тинимсиз ҳалол меҳнат ва ибодатда бўлиб, нафс устидан ғолиб келиши лозимдир. Мазкур ниҳоясиз файзлар орқали инсон ўзида зоҳирий ва ботиний сифатларни мукаммаллаштириб, истеъдодлари намоён бўлгандан сўнг, ҳар бир оламда шундай истеъдоди борларга илоҳий файз изҳор қилинади.

Хожагий Аҳмад Косоний ўзининг комил инсон ғояларини мазмунан футувват ғоялари билан тўлдиради. Комил инсонни инсон учун фойда келтирувчи шахс сифатида таърифлаб, ҳақиқий комиллик маънавий-ахлоқий покланиш эвазига юзага келишини, у ҳақ йўлидан бориб, ҳалққа фойда келтиришини таъкидлайди. Жумладан, кишиларга илми билан фойдаси тегадиган киши икки оламда ҳам ҳурматга сазовор бўлади, дейди мутасаввиф. “Илмсиз киши эса – чироқнинг пилиги кабидир, ёғи йўқ ва ўзи куяди, лекин ёруғлик бермайди. Аммо, илмли барча оламни мунаввар этувчи ёруғлик манбаига эга. Ўзи соф, пок бўлганидан ўзгаларнинг ҳам йўлини ёритиб, тўғри йўл топишларига ёрдам беради”²¹⁵.

Юрак ва қалбнинг ўзаро узвий боғлиқлиги нақшбандиянинг “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорида ўз аксини топган. Инсон фаол бўлиши, яъни қўли ишда, ҳалқ, юрт, эл, ватан манфаати йўлида холис хизмат қилиши, жисмонан кучли бўлиши, тананинг барча қисмлари уйғун ҳаракат қилиши учун юрак соғлом бўлиши лозим. Қалб-маънавий марказда кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат бўлса гўштпора юрак ҳам қисилади, қон ҳаракатидаги уйғунлик бузилади. Булар жисмда турли хил касалликларни вужудга келтиради. Шунинг учун юрак қалбга, қалб юрак ҳолатига боғлангандир.

Хожайи Жаҳоннинг шогирди Ориф Ревгарий–Моҳитобоннинг «Орифнома» асарида қалбни поклашга алоҳида

215Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б. 29

эътибор берилади: «Пок эътиқодли бўл! Зероки, қора юрак, чиркин кўнгил бутун аъзойи баданни палид қилгай. Ахир Тангрини бизни қабул этиши ё этмаслиги айна шу кўнгил туфайли-ку!»²¹⁶ деган ғоялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нақшбандия тариқатига ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи қалбий – қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини киритган. Бу талабнинг вужудга келишида биринчи сўфия аёл Робия Адавиянинг: «Ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзингга созла!» ғояларининг таъсири бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб ҳақидаги фикрлари Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг бу масаладаги қарашларидан озиқланган. Демак, инсон қалбни назорат этиб, ундаги ҳар бир ҳаракатни кузатиб, ниятни поклаб, қалбдаги кина, кудурат, кибру ҳаво сингари иллатларни олиб ташлаб, уни юмшатиб, ундан ўтадиган ҳар бир томчи қонни поклаганлар ва кишиларни шайтоний йўлдан раҳмоний йўлга бошлаганлар. Яъни, ҳақиқатга етиш учун зоҳирий покланиш билан бирга ботиний покланиш шарт деб билганлар.

Қалбни тирилтирувчи восита унинг Ёр-Оллоҳни доимо эслаб, зикр этишидир. Бу маънода Баҳоуддин Нақшбанд шогирдлари Яъқуби Чархийга шундай деганлар:

Дил чун моҳи, зикр чун об аст,
Зиндагии дил ба зикри Ваҳҳоб аст.²¹⁷

Мазмуни:

Қалб балиқ ва Оллоҳни эслаш-зикр сувдир,

Қалб тириклиги Ваҳҳоб (Оллоҳ номи)ни эслаш биландир.

Бу ҳаракат ҳар бир хизматни холис бўлишига “Даст ба кору, дил ба Ёр”ни амалга ошишига ёрдам беради.

Маълум бўладики, кўнгил қанча пок ва илоҳий моҳиятни англашга равона этилган бўлса, шунча асл ҳақиқат унда инъикос этади. Агар инсон мияси моддий оламнигина инъикос этса ва уни англаб, таҳлил этса, қалб бутун борлиқни акс эттира олади. Мияни билиш, инъикос этишнинг чегара, чеки, меъёри бор, аммо қалбнинг билиш даражаси чексиздир. Шунинг учун ҳам қалб инъикос этишини умуман инъикоснинг энг олий даражаси дейиш мумкин.

²¹⁶Ориф Ревгарий. Орифнома. Т.: Наврўз, 1994. Б.4

²¹⁷ Мухаммад Боқир. Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд. Тошбосма. 90-бет.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- Хожагий Аҳмад Косоний инсон ўз-ўзини англай билиши ва камолоти учун қалбдан воқиф бўлиш, огоҳ бўлишни нақшбандия таълимотидаги “вуқуфи қалби” рашҳасини асосий тамойил қилиб киритган;
- Хожагий Аҳмад Косоний инсон ўз нафсини таниш, уни жиловлаш, меъёрга солиш учун қалб тарбиясини асосий восита сифатида тавсия этган.
- Хожагий Аҳмад Косоний қалбни моддий ва руҳий оламни бир-бири билан боғлайдиган, пайваст этадиган асосий марказ сифатида талқин қилган, инсонни мукаммал, уйғунлиги қалб ҳолатига боғлиқ деган;
- Хожагий Аҳмад Косоний қалбни оламни асл моҳияти, мутлақ ҳақиқатни билишга қодир, асл ҳақиқатни инъикос этадиган кўзгу деб инсонларни уни поклашга чақирган;
- Хожагий Аҳмад Косоний қалб инсон танасидаги юрак билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қалб поклиги юрак соғлиги, юрак саломатлиги қалб улғайиши учун асосдир, деган.
- Қалб ҳақидаги Баҳоуддин Нақшбанд ғояси Робия Адавия, Муҳосиби, Абдулқодир Гилоний, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Ориф Ревгарийлар таълимотидан озиқланган.
- Янги Ўзбекистон ривожланишида раҳбар ходимлар инсонлар қалбига йўл топиши, маънавий таҳдидлардан асраши Ўзбекистонимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Шунинг учун ҳам улуғ вазифаларни бажаришда маданий меросимиз – Хожаги Аҳмад Косоний қалб тарбияси ғояларидан фойдаланиш яхши самара беради.²¹⁸

²¹⁸ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. -Т.: 2002. – Б 28 - 29.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”даги устувор йўналишлар тизимида маънавий меросимизга бўлган эътибор, янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Шу маънода Махдуми Аъзам илмий меросига оид қимматли янги қўлёзма манбалар таржима этилди. Тадқиқотда алломанинг меросини ўрганар эканмиз, унинг асарлари, ундаги ғоялар одамларни ҳақиқатни билишга, маърифатли, мустаҳкам эътиқодли, адолатли, руҳан ҳалол-пок ҳаётда фаолликка, меҳнат қилишга, ҳурфикрликка, илм-фан, ислом динининг инсонпарвалик моҳиятини англашга ҳамда диний бағрикенгликка ундаб келган.

2. Бугунги замонавий илмий-техникавий тараққиётнинг мислсиз шиддати таъсирида одамзод асл маънавий-ахлоқий қадриятлардан, баъзан айрим инсоний сифатлардан узоқлашиб қолиш эҳтимолидан хавотирга тушмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун, дунё халқлари фалсафаси тарихи, тасаввуф алломаларининг таълимотлари, жумладан, Нақшбандия тариқати намояндлари айниқса, Махдуми Аъзам меросини янгича ёндошувлар асосида ўрганиш зарур. Чунончи, нақшбандия маънавий-ахлоқий тарбия мактабининг тажрибалари, инсоний жамият маънавий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида дунё халқлари маънавий чанқоғини қондириб келган. Инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, касб-ҳунар эгаллашга, турли узлатпрастликлар, мутаассибликларга мурасасиз бўлишга ундаб келган.

3. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг аждолар меросини ўрганишга қаратаётган алоҳида эътиборлари, тасаввуфнинг илғор ва бунёдкор ғояларини ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этишда биз олимларнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, Махдуми Аъзамнинг оила фаровонлиги ва фарзандлар тарбиясига оид қарашларини чуқур ўрганиш бугунги кунда замонавий оилавий муаммолар ечимида ўзига аҳамият касб этади.

4. Хожагий Аҳмад Косоний тасаввуфий қарашларидаги инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг болалик, ёшлик ва кексалик даври ҳар бир даврнинг фазилатлари, имкониятлари улардан ўз вақтида оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳеч бири

ортга қайтмаслигини англаш, шунингдек, бу инсон учун берилган энг улуғ неъматлар эканлигини билиш каби ғоялари ўз даври ва кейинги даврлар учун ҳам ўзига хос аҳамият қабс этиб келган.

5. Хожагий Аҳмад Косонийнинг фикрича, ота-онанинг вазифаси фарзандини дунёга келтиришдангина иборат эмас, балки ўз фарзандларини ақлли, эс-ҳушли, жисмонан соғлом, диёнатли, эътиқодли, жамият ва миллатга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳаёт давомийлиги умрга мазмун беришдан иборатдир. фарзандларнинг марзий сифатларни эгаллаши учун ички имконият, унга берилган руҳий ва жисмоний қувват асосида уни эгаллаш талабида бўлиши ва ташқи имконият яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлишини таъминлаш зарур.

6. Мутасаввифнинг фикрича, кексалик бу инсон ҳаётининг донолик қисмидир ва ҳаёт мазмунини англаш давридир ҳамда кексаларни эъзозлаш ва уларни авайлаш қадриятларни келажак авлодга етказишнинг асосий воситасидир. Инсон умри давомида ўрганган илму-амалини кексаликда юрт равнақи ва тараққиёти йўлида сарфлаши ҳамда “саодат сармоясига” эришиши лозимдир.

7. Хожагий Аҳмад Косоний таълимоти инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этган бўлиб, инсонпарварлик ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган тасаввуфий қарашлари Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий катлам ва дин вакиллари тинч ва тотув яшашига кўмаклашади, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши курашда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

8. Хожагий Аҳмад Косонийнинг илмий-ирфоний, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий меросини манбалар асосида ўрганиш ва ёшларимиз онгига сингдириш манбашунос, шарқшунос, адабиётшунос, тарихчи, хусусан файласуф олимларимиз олдида турган долзарб масалалардан бўлиб, Президентимизнинг “Ёшлар маънавиятини янада юксалтириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуслари” доирасида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

9. Инсонлар қалбига йўл топиш, маънавий таҳдидлардан асраш ва Ўзбекистонимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Шунинг учун ҳам улуғ вазифаларни бажаришда маданий меросимиз-Хожагий Аҳмад Косонийнинг қалб тарбияси ғояларидан фойдаланиш яхши самара беради.

10. Хожагий Аҳмад Косоний таълимоти инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этган бўлиб, миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод, яъни том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олади.

Юқоридаги хулосалар, фикр-мулоҳазалар ва тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалиётга таклиф этишимиз мумкин:

1. Виртуал оламда кенг китобхонлар оммаси учун Махдуми Аъзам асарларини электрон каталогини ишлаб чиқиш;

2. Ушбу асарлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим-тарбия ва касб-ҳунар эгаллашнинг янги тенденцияларини ишлаб чиқиш;

3. Тасаввуф илми мактаби талабалари ва мударрислари учун тасаввуф истилоҳларига оид манбаларни ўрганиш бўйича махсус курс ташкил этиш;

4. Тасаввуф луғати китобини тайёрлаш асосида Махдуми Аъзам асарларининг изоҳли луғатини ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистонда “Зиёрат туризм” ини ривожлантириш мақсадида Махдуми Аъзам асарлари асосида “Даҳбед” Самарқанд зиёратчилари учун қўлланмалар тайёрлаш ва нашр эттириш.

6. “Асрор ун-никоҳ” асари асосида “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот иснтитутида фойдаланиш учун “Никоҳ оила устуни ” урф-одат ва кадриятларни акс эттирувчи услубий қўлланма тайёрлаш.

7. Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбия” асарида илгари сурилган тарбиявий аҳамиятга эга ғояларини тарбия фани мавзуларига сингдириш мақсадага мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. РАСМИЙ - ҲУЖЖАТЛИ МАТЕРИАЛЛАР.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Куч-адолатда. Ўзбекистон Республикаси судининг ҳуқуқий газетаси. 2018 йил 29 декабрь, №52-53(722). –Б.3.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2018. Б.25-26.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 22 январ 2018 йил.

5. «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Қарори / «Халқ сўзи» газетаси. 2018 йил, 15-май.

6. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик // «Халқ сўзи» газетаси. 2016 йил, 19 октябрь.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – б.5.

8. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» ИМИУ, 2018.

9. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» ИМИУ, 2018.

10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига мурожаатномаси.

13. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берган энг олий баҳодир. Ж-2. – Тошкент: НМИУ, 2018 й.

14. Каримов И.А. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ: “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилиқ маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувида сўзлаган нутқ, 1996 йил 4 сентябрь.- Т.: Ўзбекистон, 1997 - Т.5 - Б. 147-150.

15. Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.

16. Каримов И.А. Миллий мафкура–давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз руҳий маънавий куч-қувват манбаи. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.

17. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил.

18. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамсининг 2020 йил 10 июндаги № 367 сонли Қарори, 2020 йил 10 июн. Тошкент.

II. М А Н Б А Л А Р.

19. Абдурахим Ҳисорий. Тухфатул ансоб. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ, № 9652. – Б 110.

20. Абул Бако ибн Баховуддин. Жомеъ-ул-макомот. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 7638.- Б. 251.

21. Ахмад Хожагий Косоний. Асрор-ун-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501/І; - Б 12.

22. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи самоъийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / ІІ; - Б 20.

23. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи вужудия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / III; - Б 17.
24. Ахмад Хожагий Косоний. Одобу-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / IV; - Б 30.
25. Ахмад Хожагий Косоний. Одобу-с-сиддикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / V; - Б 8.
26. Ахмад Хожагий Косоний. Ганжнома. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VI; - Б 13.
27. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи букоийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VII; - Б 16.
28. Ахмад Хожагий Косоний. Насихату-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / VIII; - Б 13.
29. Ахмад Хожагий Косоний. Шархи саводи-л-важх. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / IX; - Б 6.
30. Ахмад Хожагий Косоний. Шархи ал – валаду сирру абийхи. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / X; - 10 б.
31. Ахмад Хожагий Косоний. Нафахоту-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XII; - Б 12.
32. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи зикр. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XIII; - Б 10.
33. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи баёни силсила. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XV; -Б 7.
34. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи чахор калима. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVI; - Б 3.
35. Ахмад Хожагий Косоний. Силсилаи сиддикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVII; - Б 11.
36. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи баттихия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XVIII; - Б 8.
37. Ахмад Хожагий Косоний. Миръоту-с-сафо. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XIX; - Б 5.
38. Ахмад Хожагий Косоний. Зубдату-с-соликийн ва танбеҳу-с- салотийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX; - Б 14.
39. Ахмад Хожагий Косоний. Гули Навруз. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXI; - Б 9.
40. Ахмад Хожагий Косоний. Меъроту-л-ошикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXII; - Б 27.
41. Ахмад Хожагий Косоний. Муршиду-с-соликийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXIII; - Б 4.

42. Ахмад Хожагий Косоний. Воқеаи ҳаққония. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXIV; - Б 6.

43. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи бобурия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XXV; -Б 15.

44. Ахмад Хожагий Косоний. Танбиху— л — уламо. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXVII; - Б 9.

45. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи фаноийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXVIII; - Б 7.

46. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи шайбийя. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 1443 / XXIX; - Б 7.

47. Ахмад Хожагий Косоний. Рисолаи илмия. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 52391 / III. – Б 16.

48. Ахмад Хожагий Косоний. Дар Маноқиби Хожа Абдулхолиқи Ғиждувоний. Ўз.Р.ФАШИ. № 10330 / I – Б 288.

49. Ахмад ибн Абдулаҳад Сирхиндий. Мактубот. ЎзР.ФАШИ, № 5209.

50. Дўст Муҳаммад Фолизкор. Силсилату—с—сиддикийн ва анис ул - ошикийн. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 2471 / 111.

51. Дўст Муҳаммад Фолизкор. Танбих ад—доллин. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 3711 / III.

52. Қосим ибн Муҳаммад Шаҳр—и Сафойй. Анис ат — толибин. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 3969.

53. Маноқиби Ходжа Убайдуллох Аҳрор. Қўлёзма. Ўз.ФАШИ. Инв № 8237 / I, - Б 92.

54. Муҳаммад Қози. Силсилат ул — орифийн. Қўлёзма. Ўз. Р.ФАШИ. № 11413. – Б 276.

55. Муҳаммад Муфти Охангароний. Маноқиби Мавлоно Лутфуллох. Қўлёзма. Ўз. Р.ФАШИ. № 5785. –Б. 234.

56. Муҳаммад Мусо ад-Даҳбедий. Наводиру-л-маориф. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. №629 - В.136

57. Муҳаммад Раҳим. Сирожус-соликийн ва латоифу-л-орифин. Қўлёзма Ўз.Р.ФАШИ. №629. – Б. 136

58. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. «Қуръони Карим» ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. Т.:“HILOL NASHR”, 2017. 628 б.

59. Насириддин Ҳанафий. Тухфат аз зоирин. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ, № 209. – Б. 64.

60. Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Қўлёзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 2520./ I. – Б. 52.

61. Ғиждувоний Хожа Абдулхолиқ. Васиятнома. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси. Инв. № 38-44.

1.

III

. ТАРЖИМА ВА ТАДҚИҚ ЭТИЛГАН АСАРЛАР.

62. Абдулҳақими Самарқандий. Қандия // Тарж. Каттаев К. - Самарқанд.: Сўғдиёна, 1994. –Б 85.

63. Абдулҳақим Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат. 2001.-Б.191.

64. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний // Тарж. Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. -Т.: Янги аср авлоди. 2003. – Б.87.

65. Абу Тохир Хўжа. Самария. –Т.: Камалак. 1991. –Б. 56.

66. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: Фан, 1969. – Б. 104

67. Авлиёхон Ж., Саййидлар кимлар, хўжалар-чи?// Зарафшон. 1993. 14 -сентябрь.

68. Алоуддин Мансур. Қуръони карим // Ўзбекча изоҳли таржима. -Т.: Чўлпон, 1992. –Б. 672.

69. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994. –Б. 428.

70. Аҳрор Хожа Убайдулло. Рисолаи волидия.- Т., 1991. - Б. 16.

71. Бабаджанов Б. О погребении ходжи Имканаги //Адабий мерос. 1988, № 4, 72 – 75 б.

72. Бабаджанов Б. Политическая деятельность шайхов нақшбандийа в Мавераннахре (1 половина XVI в.): автореферат дисс. на сосикание уч. степени канд. ист. наук. -Т., 1996. С.23.

73. Бабаджанов Б. Махдуми Аъзам // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. –М., 1998. С.69.

74. Бабажанов Б. Ислом, тасаввуф ва ҳукмдорларга насихат масаласи // Ислом, тарих ва маънавият. – Т., 2000. – Б.53.

75. Бобохонов Ш, Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. -Т.: Моваронннахр, 1993. –Б.127

76. Болтаев М.Н. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний - инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро., 1994. –Б. 55.

77. Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор // Мулоқот. 1994. № 7. – Б. 45.

78. Бўриев О. Хожа Мухаммад Порсо // Мулоқот. 1994. № 1 - 2. – Б. 52.
79. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. -Т.:Ёзувчи,1993. - Б .94.
80. Валихўжаев Б, К.Каттаев. Зубдат ус-соликин ва тонбият ус-салотин. –Самарқанд.:Сўғдиёна, 1994. -Б.75.
81. Валихўжаев Б. Орифий илм соҳиби // Зарафшон, 1995 йил 3 июн.
82. Валихўжаев Б. Ҳазрати Баҳоуддин ва Навоий // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Т., 1994. – Б.199.
83. Жаҳон мулкининг нигоҳбони (Ҳазрат баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тариқатига оид тезис ва мақолалар).- Бухоро., 1993. –Б.54.
84. Жабборов Н. Махдуми Аъзам Даҳбедий.-Т.,1993. –Б. 42.
85. Жабборов Н. Никоҳ тарк айлабон // Имом ал-Бухорий. 2004. 2сон. –Б.123
86. Жалилов О. Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси // Турон тарихи. 1994. Август.
87. Жўраев З. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. -Т., 1994. –Б. 264
88. Жўшон М.А. Ислом тасаввуф ва ахлоқ. -Т.: Истиқлол. – Б. 41
89. Зоҳидий А. Махдуми Аъзам // Сийрати ва мероси. -Т.: Адолат, 1996. –Б.113.
90. Зойиров Э. Махдуми Аъзам илмий меросида вужуд масаласи// Т.2008
91. Иброҳим Мўминов фалсафий ўқишлари // Республика илмий-назарий семинар материаллари. -Бухоро, 2004. –Б. 225.
92. Идрис шоҳ. Нақшбандия тариқати.-Т.: Ўзбекистон.1993. –Б. 62
93. Ислом энциклопедияси. -Т., 2004. – Б.317.
94. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий – сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. –Т., 1993. – Б. 19 – 51.
95. Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Бухоро, 1993. – Б. 20.
96. Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. - Бухоро, 1997. –Б. 144.

97. Йўлдошева Ҳилола. Қутб нима? Ақтоблар кимлар? // Имом Бухорий сабоқлари. -Т., 2002. 3-сон. - Б. 47 -49.
98. Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд.: Сўғдиёна, 1994. Б. 94.
99. Каттаев К. Улуғ Ҳазрат шоиру султонлар наздида // Зарафшон, 1995. 3июн.
100. Каттаев К. Маҳдуми Хоразмий ва хонақоҳи тарихи. – Самарқанд., 2003. - Б. 104.
101. Кароматов Х.С. Ўрта Осиё ва Хуросонда сўфизм таълимотида ҳурфикрлилик // Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлиги тарихидан. –Т.: Фан, 1990. –Б.104
102. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. - Т.: Ёзувчи, 1996. - К 1. – Б. 272
103. Комилов Н. Тавҳид асрори // Сирли олам. 1993. - Н 8.- Б.27-28.
104. Маҳмуд Маҳкам. Аҳли дин. – Т., 1997. – Б. 311.
105. Менглиев Б. Тасаввуф ва билиш // Фан ва турмуш. 2001. 5-6сонлар
106. Мирзо Кенжабек. Муршиди комил ҳикматлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б.99.
107. Муминов И.М.Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: Фан. 1957. С.110.
108. Мунавваров З, Жабборов Н. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб. -Т., 2002. – Б. 140.
109. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд // Тарж. Маҳкам Маҳмуд Андижоний. - Т.: Фан, 1993. – Б.48.
110. Насафий Азизиддин. Зубдат – ул – ҳаққоик // Садои Шарқ. 1991. № 12. – Б. 113.
111. Наврўзова Г. Мумтоз тариқат // Фан ва турмуш. 2001. 5-6 сонлар.
112. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиши учун тайёрланган диссертация автореферати. -Т., 2002. – Б.50
113. Назаров М. Хожа Ахрори Валий // Ишонч. 2004. 20 март.
114. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. -Т.: Ўқитувчи. 1996. – Б. 216.

115. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. - Т.: Ёзувчи, 1993. – Б.16.

116. Садриддин Салим Бухорий. Дилда Ёр (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёти ва санъат нашриёти, 1993. – Б.80.

117. Сатторов Т. Замоначининг ёркин маёғи // Зарафшон, 1995. 3 июн.

118. Сайдо ал Жазорий М.Н. Тасаввуф сирлари. -Т., 1999. – Б. 37.

119. Сафарова Н. Хожагон тариқати. -Т., 2003. – Б.68.

120. Сувонкулов И. Буюк сиймонинг кашф этилиши // Зарафшон, 1995.

3 июн.

121. Саматов Х. Махдуми Аъзам Косонийнинг илмий мероси ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири мавзусида фалсафа доктори (пхд) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. С.2017

122. Усмон О. Ғиждувоний таълимоти. -Т.: Фан. 2003. – Б.23.

123. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 17.

124. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. – Б. 495.

125. Файзиев Т. Мутасаввиф ҳукмдор. – Т., 1997. – Б. 54 – 58.

126. Файзуллаев О. Ф. Алишер Навоий мутасаввиф – файласуфлар ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991. № 11. – Б. 43 – 46.

127. Хайруллаев М. М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1971. – Б.114 -124.

119. Хайруллаев М. М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан, 1994. – Б. 80.

128. Хайруллаев М. М. Қадриятларимизнинг қадри // Фан ва турмуш. 1991. № 7. – Б. 2.

129. Шарипова О. Луқмаи ҳалол // Фан ва турмуш. 2001. 5-бсонлар.

130. Шарофиддин Роқимий. Тарихи Саййид Роқим. Ўз.Р.ФАШИ. № 9268. – Б. 240. Бу асар Ҳ. Бобобеков ва Н.Норкулов томонидан таржима қилиниб, 1998 йилда “Тарихи том” номи билан нашр этилган. -Т.: Маънавият 1998. –Б. 94-95.

131. Ғаниев Д. Тўраев П. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. -Т., 1998. – Б. 128.

132. Ғозиев С. Подшохожа қарашларида ижтимоий ахлоқ масалалари.

-Т.: Қодирий. 1999. –Б. 116.

133. Ғозиев С. Нафсни тарк айлабон // Мозийдан садо. 2004. 1 сон.

134. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б. 27.

135. Қосимов У. Хожа Абдухолик Ғиждувоний. – Бухоро, 2002. – Б. 83.

136. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. -Т.: А.Қодирий, 1993. – Б. 342.

137. Ҳасаний М. Раззокова М. Ғиждувоний ҳақидаги рисола ва мақолалар. –Т.: Фан. 2003. – Б. 21.

138. Ҳаққул И. Бектош А. Тасаввуфий ҳаёт. - Т.: Мовароуннаҳр, 2004. -Б. 263.

139. Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 346.

140. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. - Т.: Шарқ, 2004. – Б.205.

IV. ХОРИЖИЙ ТИЛДАГИ МАНБАЛАР

141. Арабские рукописи института востоковедения. Краткий каталог. Под ред. А.Б. Халидова. – М.: Наука, 1986.- ч.1

142. Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. – М., 1973. С. 152.

143. Бабажаноб Б. Маблоно Лутфуллоҳ Чустӣ. П. 252 – 267.

144. Веселовский Н. Дагбит. ЗВО. Том – III.

145. Есенбеке Тўғон. Шарқий Туркистон хожалари. Лондон, 1992

146. Зарринқўб А. Чустучу дар тасаввуфи Эрон. -Душанбе.: Ирфон, 1992. – Б. 391.

147. Кныш А.Д. Тасаввуф // Ислам. Энциклопедический словарь.- М.: Наука, 1991. С. 225-231.

148. Мухаммадходжаев А. Идеология нақшбандизма. - Душанбе.: Дониш, 1991, С. 232.

149. Акимушкин О.Ф. Мудрость суфиев. - Санкт Петербург.: Азбука, 2001. С. 187.

150. Перечень восточных рукописей В. Л. Вяткина в Государственной публичной библиотеке. УзССР, Том. II – Т., 1935, № 73

151. Семёнов А.А. Уникальный памятник агиографической среднеазиатской литературы XVII века // Известия узбекистанского филиала Академии наук СССР, 1940. №12, С. 4152 (первая часть) 1941, №3, С 3738

152. Суфии. Собрание притч и афоризмов. – М.: ЭКСМО, пресс, 2001. С. 640.

153. Трименгэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. С.328.

154. Эрнет Карл. Суфизм // Перевод с английского М. Горького. – М., ФАИР – ПРЕСС. 1997. С. 311.

155. Buehler Arthur F. 1998. Sufi Heirs of the Prophe:. The Indian Naqshbandiya and the Rise of the Mediating Sufi Shaykh. Columbia: University of South Carolina Press.

156. Deweese, Devin. 1996. «The Mashaikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions,» Journal of Islamic Studies, 7 (2), pp. 180-207.

157. Farah, Caesar E. 1974. «Rules governing the Shayh-Murshid's conduct» Numen, 21 (2), pp. 81-96.

158. Feuillebois-Pierunek, Eve. 2007. Heyberger eds., Le corps et le sacré en Orient musulman. Special issue of the Revue des mondes musulmans et de la Méditerranée 113—114, Aix-en Provence: Edisud. pp. 91-107.

159. Meier, Fritz. 1994. Zwei Abhandlungen über Die Naqshbandiyya. Istanbul: Franz Steiner Verlag .. 1999. «A Book of etiquette for Sufis,» in Essays on Islamic Piety and Mysticism, tr. J.O'Kane, Leiden & Boston & Cologne: Brill. pp. 49-92.

160. Papas, Alexandre. 2008. «Refonder plutôt que reformer: La Naqshbandiya non-mujaddiya dans le monde turc. Lecture of the three text patterns nakhbandî makhdûmî », in R. Chih, D.Gril, C. Maeur-Jaouen eds., Le soufisme en Egypte et dans le monde musulmane à l'époque ottomane. Cairo: IFAO. (upcoming)

161. Паул, Жүрген. 1991. Die politische und soziale Bedeutung der Naqshbandiyya in Mittelasien in 15. Jahrhundert. Berlin & New York: Walter de Gruyter. 1998. Doctrine and Organization: The Khwajagan / Naqshbandiya in the First Generation after Baha'uddin. Berlin: Das Arabische Buch.

162. Reynolds, Gabriel Said. 2000. The Sufi Approach to Food: A Case Study of Adab, Muslim World, 90 (1/2), pp. 198-217.

163. Schimmel, Annemaire. 1972. «Nur ein störrisches Pferd...» in Ex Orbe Religionum: Festschrift für Geo Widengren, Leiden: Brill. vol. 2, pp. 98-107.

164. Tosun Necdet. 2002. Bahaeddin Naqshbend: Life, Meetings, Tariqat. Istanbul: İnsan Yayınları.

165. Encyclopaedia Iranica. J. Fletcher, «Aḥmad Kasani,» Encyclopaedia Iranica, Online Edition, 1982

V.Интернет материаллари:

hidoyat.uz

muslim.uz

orifon.uz

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I.БОБ. МАҲДУМИ АЪЗАМ ДАҲБЕД МАКТАБИ АСОСЧИСИ.....	7
1.1. Даҳбед мактаби ва унинг тасаввуфдаги ўрни.	8
1.2. Маҳдуми Аъзам ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар ҳамда мутасаввиф рисолаларининг таҳлили.	20
II БОБ. МАҲДУМИ АЪЗАМ РИСОЛАЛАРИДА ОИЛА ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.....	37
2.1. Мутасаввиф таълимотида оила ва никоҳ масалалари.	37
III. БОБ. МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ АСОСЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ.....	79
3.1. Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи шайбийя” (“Кексалик ҳақида рисола”) асарининг оилани мустаҳкамлашдаги аҳамияти.	79
3.2. Маҳдуми Аъзам таълимотида қалб поклигининг инсон камолотидаги ўрни.	94
ХУЛОСА.....	116
ҲОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	119

Д.О.ҒАФУРОВ

**МАҲДУМИ АЪЗАМ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА
ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ
МАСАЛАСИ**

(МОНОГРАФИЯ)

Мухаррир *М.Талипова*
Мусаххих *И.Турсунова*
Саҳифаловчи *Г.Аббосова*

Босишга рухсат этилди 24.05.2022. Бичими 60x84 1/16
Офсет қоғози. Офсет усулда. Cambria гарнитураси.
Шартли босма табағи 8.25. Нашр ҳисоб табағи 6,2.
Адади 100 нусхада. Буюртма № 14-05

«LESSON PRESS» MCHJ нашриёти
100071, Тошкент ш., Комолон, Эркин тор кўчаси, 13

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 6 уй.